К 440

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН'АТ ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУВЧИЛАРИ СОЮЗИ

№ 3

МАРТ

ГПБУз

„ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН" ВА „ПРАВДА ВОСТОКА" НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ

1948

МИРМУҲСИН

ЯШИЛ ҚИШЛОҚ

Поэма

БИРИНЧИ КИТОБ

ЧЎЛДА

Тонг пайтида, жимжит, бепоён —
Чўлда учта одам турарди.
Қўллар пешонада соябон,
Узоқларга тикилишарди.

Тўрт томон кенг, текис ва узоқ,
На тоғ бордир ва на оқар сой.
Улар турар: бири — Умурзоқ,
Бири райком юборган вакил,
Бири юм-юмалоқ Қоравой.

Мирзатераклардай чўзилиб,
Ерда ётар эди уч соя.
Бу ерларда осмон ва ер чексиз,
Қўнғур чўлга йўқдир ниҳоя.

Бу ерларда қуёш барвақт чиқар,
Тонгдан оқшомгача офтоб.
Қуёш фақат, фақат юмаланиб,
Ўтиб кетар мисоли кофток...

Бу ерларнинг тўрт томони уфуқ,
Тўрт томони кўз илғамас чўл.
Осмонидан қушлар ўтар толиб,
Тупроғида одам изи йўқ.

Осмонида қушлар ўйин тушмас,
Ҳаммаёқда ёнтоқ, ажриқ, какра...
Оёқ боссанг, шўрхок тагларидан —
Калтакесак қочади сакраб.

* * *

Энгашди-ю, бир туп шўрхок ўтни —
Юлиб олди ердан Умурзоқ.
Тупроғини ғижимлаб кўрди,
Илдизига тикилди узоқ.

Чор атрофга аланглашди учов,
Белгилашди арава йўлни.
Турган ерда, қўллари блан —
Бўлак-сўлак қилишди чўлни...

Чўлда қатор капа тикилганди,
Қурилганди қозон, сўрилар.
Усталарнинг тешалари, тақ-туқ...
Янги иморатлар қурилар.

Сандуқ, қозон-товоқ очиқда,
Тўшалганди ерга намат, шолча...
Чиғаноқлар осган байталнинг,
Дингилларди олдида тойча.

Оласигир ётар офтобда,
Тўймас эди сиртини ялаб.
Сариғ бузоқ Меҳринисанинг,
Шолчасини қўйипти ямлаб...

Катта қозонлардан буғ чиқар,
Шўрва қайнар, юзида сардак.
Қиз чой ташир,
ташиб етказолмас —
Одамларнинг ичлари жардак...

Ҳаммаёқда ёнтоқ, ажриқ, какра...
Ҳаммаёқда фақат бўмбўш чўл.
Калтакесак қочарди сакраб,
Қай томонга тушса агар йўл.

* * *

Уч оғайни капа томон қайтди,
Уч каллада ягона хаёл...
Жунжитар ва лабни кўкартирар,
Ғир-ғир учган тонгдаги шамол.

Кафтдек текис соқов дала ётар,
Қуёш ҳароратида куйиб.
Хаёл олди Умурзоқни йўлда,
Қўли орқасида, бош қуйи.

Кўз олдидан ўтди Асака;
Мовий осмон, ямяшил дала.
«Чўнтак»даги сойлар, чархпалаклар,
Далаларда айтилган ялла.

Кейин, кўз олдига келди слёт.
Умурзоқ сўзлар, унда барча кўз.
Гоҳо, ўйлаб қолар бир дақиқа,
Гоҳо, тошиб келар эди сўз.

«...Ўртоқларнинг айтганлари ма'қул,
Мирзачўлга борамиз кўчиб.
Сўзимиз бир! Бормайдиган йўқ —
Бу режанинг захматидан чўчиб!
Аёлларни қолсин, дейди Нормат.
Йўқ!
Боришсин!
Бўлсин бизга ёр.
Бизнинг Асакада йўқ номард!
Нина ўтган ердан ип ҳам ўтар...

Талабгорлар бўлса чиқсин,
Мана мен!
Қани кимнинг келади чоғи!
Ниятимиз холис,
Мақсадимиз шу;
Ўссин, унсин юртнинг тупроғи...

Ўртоқ Юсуповнинг сўзидан сўнг,
Мундоқ, Мирзачўлга қарадим.
Қишлоқларни кўрдим ямяшил,
Пахталарни кўрдим қанорда.
Мактабларни, Заводларни кўрдим,
Сувлар лим-лим оқар каналда...»
Сўзлар эди Умурзоқ, ҳали,
Бўлмаганди гаплари тамом.
Президиумдан турди
Райком секретари,
Аста юрди минбарга томон.

Ҳамма жим-жит, қулоқ тутарди —
Райком секретарин сўзига.
Келиб, Умурзоқнинг кифтига қоқди,
Кейин боқди унинг юзига.

«. . . Йигит,
боргил,
Мирзачўлга боргил!
Сўзи шундай сенга элингни.
Солдат камарингни бўшатма,
Маҳкам, сиқиб боғла белингни.

Битта қишлоқ қолдир,
Кўм-кўк қишлоқ. . .
Элу-юртинг бўлар сендан шод.
Шаҳар қилиб олар ўзлари —
Орқамизда қолажак авлод.
Мирзачўлни обод қиламиз,
Обод қилинг, деди Сталин.
Сен блан мен ҳал қиламиз энди,
Узоқ асрларнинг истагин!

Мирзачўлда пахта экамиз!
Хўш, Умурзоқ,
Не дейсан, ука?
Бориб, қақраб ётган Мирзачўлда,
Яратамиз янги Асака!..

Ниятимиз холис,
Мақсадимиз битта;
Шундай халқимизнинг тилаги.
Хат ёзамиз ўртоқ Сталинга,
Слёт шундай қарор қилади!. . .»

Кўз олдидан ўтди бир нафасда,
Слёт,
колхоз,
Асака. . .
Бари.
Назарида, ҳамон қараб турар,
Ҳамон ўша Райком секретари!

Умурзоқнинг қўли орқасида
Салмоқ блан ташларди қадам.
Боши қуйи,
очиқ ёқаси-да,
Бўш боғланган жанг камари ҳам.

Устда ранги кетган гимнастерка,
Бошда қия янги чуст дўппи.
Оёғида солдат этиги,
Жангда кийган, кўргандир кўпни.

Бўйи расо, қўллари узун,
Қотма, чайир, пай, қорамағиз.
Чеккасини ялаб кетган ўқ.
Қоши туташ, қуюқ. кулчаюз.
Чизиб қўйилгандек мўйлаби.
Қамгап,
вазмин,
жиндак хаёлчан.
Қараб, уқиларди кўзларидан,
Кечагина ўтган улуғ жанг...

Кўкрагида икки қатор лента,
Қизил, зангор, кулранг ва йўл-йўл...
Уч биродар капа томон борар,
Орқасидан хомуш боқар чўл.

Унг томонда райком вакили,
Сўлда, келар Қоравой-семиз.
Хаммаёққа ёйилди офтоб,
Тонг шомоли учади ғиз-ғиз.

* *

Қозонлардан кўтарилар буғ.
Биқ-биқ қайнаб ётарди шўрва.
Ошпаз хотин енги шимарилган,
Билагида ёмби, кипригида сурма...

Ариқ очишарди,
Қатор кетган одам...
Эркак-аёл бари кетмонда.
Болалар чўлни бошга кўтаришар,
От отакам ўйнар,
Қўлларида сурнай, чирманда...

— Қани, ота кетмонни беринг,
Жиндак қизиқишай офтобда.
Чўлнинг шабадаси салқин экан,
Жунжиб кетдим, қаранг, шу топта...

Сакраб тушди ариққа Умурзоқ,
Чол қўлидан кетмонни олди.
Кафтларига туплаб,
ботириб-ботириб,
Қақроқ ерга кетмонни солди...

ЯНГИ УЙ

Уч тонналик, зўр, юк машина—
Борар эди вағиллаб чўлда.
Пириллашиб қочар чўл қушлари.
Четга чиқар одамлар йўлдан.

Ортилмишди устига бордон,
Тахта, яшчик, туника, ёғоч...
Гоҳо, узун йўлда, ер бағирлаб,
Учиб ўтар эди қалдирғоч.

Станциядан илон изи каби,
Арава йўл кетган чўл томон.
Йўлга сочилганди от гўнги,
Четан аравалардан сомон...

Йўлни кесиб ўтган ариқлар кўп.
Шох босилган бужир кўприклар...
Канча ариқ бўлса ютарди чўл,
Қанча семирмасин қонмас тупроқлар.

Икки томон жимжит,
Бўмбўш дала.
Саҳро ели учади ғув-ғув...
Ҳув, олисда чўлни чўрт кесиб,
Канал ўтар, канал тўла сув..

Йўл четида қатор симёғочлар.
Қуёш тикда, беҳад дала жим,
Уч-тўрт мантёр йигит,
Узун йўлда,
Ёғочларга тортар эди сим.

Гоҳ, арава ўтар бичан ортган,
Ғирчиллайди, тортар қўш ҳўкиз.
Ҳўкизларнинг сўлаги оқар,
Йўлда қолар ғилдиракдан из.

Уч тонналик, зўр юк машина,
Борар эди вағиллаб чўлда.
Пириллашиб учар тўрғайлар,
Четга чиқар одамлар йўлдан.

Ортда қолар қанча кўприклар,
Қанча, янги колхоз қишлоқлари.
Юк машина чопар ҳаллослаб,
Уфуқлардан ўтарди нари.

* * *

Ҳув, олисда, гугурт қутисидек —
Ёлғиз бир уй турар қаққайиб.
Атрофида капалар, ходалар...
Ғиштлар ерга қўйилган ёйиб.

Машина тўхтади. Юк устидан —
Сакраб тушди Умурзоқ ерга.
Чанг қоплаган дўпписини қоқди,
Қараб қолди капаларга, элга...
Пайқаб қолди,
ғингғиллашиб,
шу пайт —
Учиб ўтди уч-тўрт бол ари.
Бирдан чувиллашди,
Машинага —
Югуришди қишлоқ болалари.

Райком секретари,
кабинадан чиқди,
Сўнг эшикни қарсса ёпди у.
Шофер бўлса, пачақ челагида,
Машинага олиб келди сув.
Иков бирга, гўё,
бўлажак,
кўркам,
Колхоз кўчасида боришар...
Икки томон қатор кетган дарахт,
Қатор уйлар, мисоли шаҳар...

Нарироқда, ҳашаматли, улкан,
Янги биткан клуб ва мактаб.
Райком секретарига барин,
Таништирар, кўрсатар, махтар...
Ундан нарироққа ферма тушган...
Узун кетган колхоз молхонаси.
Кунга қараб тушган идора,
Тепасида меҳмонхонаси, —

. . . . . .

Булар бари Умурзоқнинг ўйи,
Бир нафаслик хаёлдир фақат.

Иков бирга, капа томон юрди,
Рўпарада янги битган уй.
Усталарнинг тарақ-туруқлари,
Одамларнинг шовқини,
ҳой-ҳуй...

— Хорманглар-ў-ў-ў,
— Саломат, келинг.
— Уй муборак бўлсин, янги уй!
— Куллиқ, ака,
— Балли,
яшанглар!
Бу уйларда бўлсин шодлик, тўй...
Бирин-кетин барча уйга кирди.
Уй ичи лиқ тўлди одамга.
Умурзоқчи, терисига сиғмас,
Сиғмас эди гўё оламга.

Усталарнинг белбоғида теша.
Йигитларнинг қўли сомон, лой,
Қизлар юзларида андеша,
Чангга ботиб турар Қўшоқвой...

— Балли...
Умурзоқвой, биз тайёр!
Қани, нима сўрайсиз, ука.
Ғишт берамиз, дон ва уруғлиқ...
Истаганча тахта, туника...
— Яшанг,
Шундоқ бўлсин, муллака...

Уйдан барча ташқарига чиқди,
Аланглашди атрофга жиндак.
Ана, томи ёпилмаган уйлар,
Ёш ниҳоллар чиқармиш куртак.

Тўғри! ғинғиллашиб ўтиб қолди,
Чўл оралаб қобти бол ари.
Лойқа ариқларда чўмилишар,
Сув сепишар деҳқон болалари.

Боришарди капалардан ўтиб,
Орқасига қарар Умурзоқ.
Ҳа, Умурзоқ!
Ана, сен қурган уй!
Сен қургансан ўшани, ўртоқ!

Беҳад, жимжит чўлнинг ўртасида,
Оппоқ *бир уй турарди якка.*
Атрофида капа, ертўлалар,
У, ҳарёқдан кўринар яққол.
У, ҳарёқдан яққол кўринар,
Тепасида ҳилпирар байроқ.
Бу уй гўё чўлнинг ўртасида,
Қўринади бу уйдан ҳарёқ.
Деворлари оппоқ, лишиқ ғиштдан,
Тахталари йўнилган силлиқ.
Зерикмаган усталар ишдан,
Деворлари ганчли ва сирлик.
Алоҳида диққат берилмишди;
Шипга, полга, эшик-дарчага.
Унинг қурилиши,
Машаққати,
Иши —
Баббаравар тушган барчага.
Бу уй, *барчаники.*
Бу уйдан —
Қурилиш бўйлаб берилар буйруқ.
Бу уйда ҳал бўлар чўл тақдири,
Ҳали чўлда бу каби уй йўқ.
Бу уйда ҳал бўлар чўл тақдири,
Бу уйда тузилар режалар.
Бу уйда Умурзоқ ўйлар,
Бу уйда —
Чироғ ўчмас узоқ кечалар.

КАТТА РЎЗҒОР

Қош қорайди, юлдузлар милт-милт...
Далаларда оқшом салқини.
Чигирткалар тинмай чириллар,
Ғарбда лов-лов шафақ ёлқини.

Беқарор ел учади ғиз-ғиз.
Гулханлардан тутун бурқади,
Қапаларда қозонлар жиз-биз,
Қовурилган гўшт ҳиди анқади.

Овқат чоғи,
кутилмаган пайт,
Чол ўртага ташлади бир сўз,
Меҳриниса жимжит,
Кампир ҳам,
Болалар ҳам,
Умурзоқ ҳам,
Чол оғзига боқди барча кўз;

«Эрта, Асакага жўнайман.
Қариндошларимни соғиндим.
Тушларим ҳам кўп алғоқ-далғоқ...
Яхши эмас, қолиб кетсам жим.
Қани, сен не дейсан Умурзоқ?»
«...Менга қолса борманг, дейман фақат».

Сукут тушди ўртага бирдан,
Меҳриниса артди қўлини.
Умурзоқ олмас кўзини ердан,
Кампир кузатарди чолини.

Мадёр ота ёғлик бармоқларин —
Хром махсисига суркади.
Уйқу босди болаларнинг барин,
Бошга кўрпа тортди, бурканди...

Меҳриниса чой узатди чолга,
Чол ўтирар, қовоғи солиқ.
Гугурт чўпи блан тиш кавлар,
Босиб-босиб чой ичар қуруқ...

* * *

Уч кундан сўнг,
Ҳечкимга айтмай,
Асакага жўнаб кетди чол.
Ҳечким буни ўйламаган эди,
Ҳечким бундай қилмаган хаёл.

Умурзоқ-чи,
Фақат ош маҳалда,
Кампиридан эшитди буни.
Юрак бағри ёниб кетди бирдан,
Сиғдиролмай қолди қайғуни.
Овқат ўтмай қолди томоғидан,
Бармоқлари сочини титди.
Чопонини елкасига ташлаб,
Қоравойнинг ёнига кетди.

. . . . . .

Уч кун бўлди чол кетганига.
Буни чўлда барча эшитди.
Ҳар оғиздан чиқди ҳархил гап,
Умурзоқвой барини ютди.
Уч кун ўтди чолнинг кетганига,

Мана,
уч кун..
Умурзоқ хуноб.
Тонгда Умурзоқнинг ёнига —
Нор ота ҳам келди рухсат сўраб...

Жавоб ололмади,
Чол ранжиди...
Индамасдан кетди ишига.
Ундан кейин,
Умурзоқ ҳам кетди,
Қарсиллатиб ёпиб эшигин.

Ер бошига етиб боргунича,
Ҳархил ўйлар кезди бошида.
Саломлашди одамлар-ла, лекин,
Ичи ёнар,
кулар тошида...

Қўшоқвойнинг ғайратини кўриб,
Ўз-ўзига берарди далда:
«Оғирроқ бўл!
Чида!
Ошиқма!
Ишни бундай ўйлама калта!»

Ўн гектарча ерда арпа пишди,
Чайқаларди олтин бошоқлар.
Ўришарди,
Лекин куч етишмас,
Роса қийналарди Қўшоқвой.

Чўлга сочилмишди одамлар,
Ишлашарди яқин-йироқда.
Қўшоқвойнинг звеноси бўлса,
Эртадан кеч эди ўроқда.

Рўзи аравакаш,
Човкар *байтал блан*,
Станцияга қатнарди тинмай,
Уста Нормат доим пойтешада,
Харилларни йўнар эринмай.

Газетадан мухбирлар келар,
Меҳмонларга фурсат тополмас,
Гоҳ, Умурзоқ бошини қашлар,
Хаёл суриб қолар бир нафас.

Зеби ранжиб қобти эридан...
Ота бўлиб қилар насиҳат.
Гоҳ, Райкомга жўнаб қолади,
Ўйноқлайди тагида шўх от.

Гоҳ, тутуни чиқар, куйинар,
Дангасани кетади сўка.
«Лайлак боқибмизми совлат учун,
Така бўлгин, сутинг бўлсин, ука!..»

Бир томонда, оз бўлсада ғўза,
Бир томонда кетар қурилиш.
Эртанги иш учун режа тузар,
Ошиб-тошиб ётар эди иш.
Мана, унинг уйи,
ака-укалари...
Уникидир чўлда неки бор.
Ташвиши зўр, улкан оиласи,
Тўй-ҳашами кўп, катта рўзғор.

Бошин қашлар гоҳ чарчаганда,
Гоҳ, вақт бўлмас бош қашишга ҳам.
«Янги Асака»си эсга тушганда,
Қалбдан учар бўлса неки ғам...

Жўхорилар униб чиқди ердан,
Ўн гектар ер бўлди ямяшил.
Ҳали экинзорлар кўпаяди,
Ҳали, чўлда бу биринчи йил.

*

Қўшоқ роса ўроқ соларди,
Чаккасидан оқар эди тер.
Икки оғиз,
Ҳали гаплашмаган эди,
От чоптириб келди бухгалтер;

— Раззоқ ота қазо қилдилар...
— О, бечора...

Дик ўрнидан турди Умурзоқ,
Бир дақиқа ботди хаёлга.
Кейин, ўйлаб турмай мингашдию,
Икки қамчи босди байталга.

Чолни дафн этиб уйга қайтди,
Этигини ечди, у ётиб —
Эндигина кўзи илинганди
Кириб қолди капага котиб;

— Туринг, Умурзоқвой. Сизни истаб —
Одам келди Райком партиядан!
Кўзларини уқалади, керишди,
Этигини кийди қайтадан...

ИККИ ЧАҚАЛОҚ

Соат иккиларда, кечаси —
Идорага чопиб келди бола.
Янги уйда чироғ ёнар эди,
Идоранинг ичи машала...
Бола ҳаллосларди, оғзига —
Тили сиғмас, шошар, бўғилар.
— Суюнчи беринг,
Суюнчи беринг,
Меҳриниса опам туғдилар...

— Нима туғди?
— Ўғил,
мана мундоқ...
(Жинчалоғин кўрсатди бола.)
Идорада тўла эди одам,
Бирдан ҳамма кулди баралла.

Ярим тунда, идорадан чиқиб,
Капа томон кетди Умурзоқ.
Осмон тўла жимир-жимир юлдуз.
Ой тиккага келганди шу чоқ.

Чўл ухлайди тун қучоғида,
Жимжит капалару, овуллар...
Фақат тинмай узоқ-узоқларда,
Салмоқ блан кўппак вовуллар.

Жадал, шошиб борар Умурзоқ,
Қалби ураг — Фарзанд севинчи.
Қалби бундай урмаганди ҳечвақт,
Чунки, фарзанд кўрди биринчи...

* * *

Чўлда одам туғилди.
Биринчи бор —
Чўл тинглади «инга-инга»ни.
Чўл ҳаётни кўрди. Ҳаёт — гўдак —
Чўлда кўрди ёруғ дун'ёни.

Қатор капалардан бирида,
Ёнар эди милтиллаб чироғ.
Чўл ухларди, гўдак ҳам ухлар...
Ҳали номсиз икки чақалоқ.

* * *

Она аллалайди гўдакни.
Чўлда сокин тебранар бешик.
Чор атрофда жимжит, бўш саҳро,
Йўқдир ҳали кўча ва эшик...

Қатор капалардан бирида,
Ёнар эди милтиллаб чироғ.
Чўл ухларди, гўдак ҳам ухлар,
Ҳали, номсиз икки чақалоқ...

ДНЕПР ЖАНГИНИНГ ҚАҲРАМОНИ

— Андешанинг оти қўрқоқми?
Бизларга «йўқ!», отангизга «ҳа»
Ҳа-ҳа, бизлар ёш боламизми...
Гўдак бўлиб қолибмиз, ҳа-ҳа!

Ура кетди пойтешани, гурс, гурс...
Белбоғига уриб пешини.
Енглар шимарилган,
Ва тез-тез, —
Ғижирлатиб қўяр тишини.

Умурзоқнинг чаккасидаги —
Томирлари бўлди ўқлоғидай.
Бироз сукутдан сўнг,
Онахоннинг —
Челагига солиб берди лой.

Нор отанинг жуда нашаси паст,
Қовоғидан ёғар эди қор...
Ер тагидан чолга қараб қўяр,
Қараб қўяр Умурзоқ гоҳо.

Чумолидек бетиним барча,
Иш бошланиб кетганди тонгдан.
Ғишт ташишар,
Лой тортишар,
кучаниб —
Қоравой семиз ҳа-ҳалар томдан.

Қаторлашиб қолар пақирлар,
Етказолмай шошар Умурзоқ.
Почалари шимарилган, ихчам.
Лойга ботган эди қўл-оёқ.

Етказолмас, қизлар шоширишар,
Қақшаб оғрир, қайишар бели.
Лой сочраган, чанг қоплаган, кир —
Манглайидан оқарди тери.

Аммо, унинг кўнгли қоп-қоронғу.
Ёришмасди чироғ ёқса ҳам.
Юрагини алам эзар эди,
Юрагини тимдаларди ғам.

Нарироқда, йўғон харидан —
Теша ажратарди пайраха...
Тақ-тақ урар, узун тахталарни,
Рандаларди Турсунбой-тоға.

* * *

Кечин уйга қайтди чарчаб, ҳориб,
Қулоғида шанғилларди дўқ;
«Андешанинг оти қўрқоқми?
Отангизга «ҳа»ю, бизларга «йўқ!»...

Ўлим-жойим, деб Асакага,
Мад'ёр ота кетганди жўнаб...
Ўзбошимчалигидан чолнинг,
Мана, ўн кун Умурзоқ хуноб.

Ўз-ўзига деди:
«Ҳой! Умурзоқ,
Бўлди энди йиғиштир ишни!
Райкомга бор,
де шундоқ, шундоқ...
Ким қўйибти сенга бош бўлишни!»
Днепр жангини эслади.

* * *

... Бир дақиқа жим қолди барча...
Совуқ шамол эсарди ғув-ғув.
Ана, оқар ҳайбатли дар'ё,
Гирдоб ўрар,
айқирар зўр сув.

Қирғоқларни босган оппоқ қор,
Қор учади мисоли тўзон,
Титратади совуқ изғирин,
Этикда ҳам ачирди товон.

Олисларда гумбурлар тўплар,
Кўтарилар тутун, ўт, тупроқ...
Ўрмаларди танклар гуруллаб,
Авжга кирмиш ҳар қурол-яроғ.

— Биз борамиз!
Учта абжир солдат,
Сафдан бироз чиқди олдинга,
Ҳамма бирдан боқди уларга
Қиш шамоли учарди ғув-ғув.

Улар учов —
Петр,
Иван,
Умурзоқ.
Қотиб туришар ҳайкал каби...
Учови ҳам ҳали жуда ёш,
Сабз урмаган ҳали мўйлаби.

Этик ва шинеллар ечилди,
Қорда турдилар оёқ-яланг.
Жунжитарди совуқ,
Жангчилар —

Бардош бериб турарди аранг.
Сувга яқин бордилар шу чоқ,
Командирга очдилар қучоқ;
«Агар ҳалок бўлсак, оғайнилар,
Коммунист, деб эслангиз бизни!»

Шалоп, шалоп, шалоп.
Шўнғидилар,
Кўмиб кетди тўлқин бир дамда.
Совқотганлар ҳайратда боқди,
Пайдо бўлди ўт ҳар одамда.

Сув юзига чиқди, дам чўкди,
Қалқди. Лахта-лахта сув ютди.
Чапаевдек қолди ўқ дўлида,
Тўлқин олисларга итқитди...

Қарши ёқдан ҳадеб, бетўхтов,
Саваларди ёв пулемёти,
Улар оқар, чўкар ва сузар...
Сув айқирар, кўринмас кети.

Кум тўзони каби қор учар,
Титратарди, ачийди товон...
Аммо, гурс-гурс тепарди қалблар,
Ошиқарди зафарга томон.

* * *

Улар ўтди. Уларни кўриб,
Қизиб кетди барча совқотган...
Ўлимларга тикка боқди улар,
Ўлим йўқдир асло солдатга!

Олисларда гумбурлар тўплар,
Кўтарилар тутун, ўт, тупроқ...
Қор устида турар бўлинма.
Ортда қолган дар'ё ва қирғоқ...

* * *

Мана, кўз олдидан бир-бир ўтди,
Днепрда бўлган қонли жанг.
Абжир ўртоқлари, қурол-яроғ,
Дар'ё ва қир, замбарак ва танк...
Йўқ, Умурзоқ!
Оловларда ёндинг,
Дар'ёларда суздинг ва чўкдинг.
Тупроқларга кетдинг қоришиб,
Гоҳ қон бердинг, гоҳо қон тўкдинг...

Бежиз эмас кўксингнинг ёли,
Тикка боқдинг ўлим юзига.
Тантилигинг қани?
Шундоқ бўлар —
Ишонмаса йигит ўзига!..

Чидолмади ўйлар та'насига,
Ўз-ўзидан бўлди хижолат.
Ўз-ўзига деди:
«Коммунистсан,
Коммунистсан ўртоқ Умурзоқ!»

Беланчакда ётади ўғил,
Думдумалоқ, лўппи, бақалоқ.
Меҳриниса овқат олиб кирди,
Инга, ингалади чақалоқ...

ҚАТОР ТУШГАН УЙЛАР...

Қатор тушган уйлар битиб қолди
Бирин-кетин ёпилар томи.
Бир хилида кетар эди сувоқ,
Пол қоқилар,
Қўйилар роми...

Бирин-кетин кўчиб киришарди,
Қамаярди аста капалар.
Мана, идоранинг олдидаги,
Гулхонада учди капалак...

— Отанг келди...
деди носни ташлаб,
Идорага кирди Қоравой.
— Хол отани олиб кебти бошлаб,
Чиқ Умурзоқ, чиқиб қара, ҳой!

Жавоб қайтармади,
Умурзоқ жим,
Сукут тушди ўртага шу он,
Ерга боқди. Икки чаккасида —
Бўлди икки томири йўғон...

* * *

Асакада,
Ленин колхозида,
Яшар эди улфат тўртта чол.
Мана улар: Мадёр ва Раззоқ,
Нормат тажанг, ҳамда букир Хол.

Бир чойнак чой тушгач ўртага,
Суҳбат қизир, ечилар рўё...
Тўртта кекса жуда иноқ эди,
Бир туғишган эдилар гўё.

Бирдан колхоз икки бўлинди-ю,
Ярми кетди Мирзачўлга жўнаб,
Уч чол кетди, Хол ота бўлса,
Якка қолиб бўлди кўп хуноб.
Буни Мадёр ота биларди,
Ма'лум эди бир-бирининг сири.
Улфат қизимасди, чойхонага —
Чиқмай қолса чоллардан бири...

* * *

Эскигина қўқонаравадан,
Ерга тушди икки қария.
Ишни ташлаб келган Нор ота,
Сиғмас эди асло терига.

Қучоқлашди, омонлашди уч чол,
Сўнг, идора томон юришди.
Идорадан чиқиб Умурзоқ,
Келиб чоллар блан кўришди.

— Мана, олиб келдим Холматни ҳам,
Энди боқсак бўлар бол ари...
Биз олдинроқ чиқдик, эртага —
Етиб келади жўжалари.
Юрагимнинг ярми Асакада эди,
Энди ҳамма жигарим бунда...

Гапирмади, лекин мийиғида,
Кулиб қўйди Умурзоқ шу дам.
Қатор, оқ уйларнинг ёнидан,
Ўтиб борар бир тўда одам.

Уста Нормат нос қовоғин олиб,
Уриб-уриб қоқди кафтига.
Кейин, ғамгин назар блан у,
Мадёр чолнинг боқди аптига;

— Раззоқвой ҳам ўтди дун'ёдан...

Мадёр ота тўхтади бирдан,
Ранги девор бўлиб оқарди.
Кўзларидан олиб кўз ойнакни,
Норга ҳайрат блан боқарди...

— Раҳмат қилсин, мўмин одам эди...

Қоравой семиз сукутни бузди.
Гап бошлади хириллаб яна,
— Ҳовлимизга киргизмаймиз Сизни,
Ҳа, отахон! Қани «кўрмана»?

— Шунақами, умрини берсин . . .
Чол хўрсинди, ойнакни тақди.

* * *

Қатор тушган уйлар битиб қолди,
Бирин-кетин ёпилар томи.
Бир хилида кетар эди сувоқ,
Пол қоқилар, қўйилар роми.
Бирин-кетин кўчиб киришарди,
Қамаярди аста капалар.
Мана, идоранинг олдидаги,
Гулхонада учди капалак.

БЎРОН КЕЧАСИ

Чарчаб келиб таппа ташлаганча,
Ухлаб қолди Умурзоқ қотиб . . .
Кроватда ётар чалқанча,
Билагида қобти соати.

Ташқарида шамол ғувилларди,
Кўкда юлдузлар йўқ, қора тун.
Чанг кўтарар эди, кучли шамол,
Капаларга урар қанотин.

Чигирткалар чириллаши тинган,
Эшитилмас итлар вовуллаши . . .
Чақмоқ чақар, чанг кўтарилар,
Чўлда ҳоким бўрон гувиллаши.

У, ётарди уйқу қучоғида,
Тўнни бошга қилмишди болиш.
Ечолмабди этигини ҳам,
Билагида соати қолмиш . . .

У, ётарди роса маза қилиб,
Эл ухларди,
уйғоқ йўқ бирон.
Ташқарида;
чақмоқ,
тўзон,
шамол . . .
Капаларни силкитар бўрон.

Бўрон капаларни қўзғатарди,
Ўтдек юлиб ташламоқчи бўлар.
Роса тортқиларди кучи етмай,
Чақмоқ чақар, ғазабга тўлар . . .

Бирдан тасир-тусур ёмғир келиб
Қапаларни савай бошлади.
Ёмғур, шамол, момақалдироқ,
Янги элни талай бошлади.

* * *

Иссиқ юзга чодир тепасидан,
Томчи тушди икки мартаба.
У сесканиб кетди, кўз очди,
Тебранарди бешикдек капа.

Дик ўрнидан турди, тимискилаб,
Гугурт чизди, ёқди фонусни.
Кўзларига ҳечким кўринмасди,
Ишқаларди эўр бериб кўзни.

Чақалоқ йиғлади. Меҳриниса
Кўкрак берди, уйғониб чала.
Ташқарида бўлса, шариллатиб,
Чодирларга қуярди жала . . .

Кўзларига ҳечким кўринмасди,
Ҳеч ким блан йўқ эди иши.
Кўз олдида турар,
Ивиб кетаётган —
Очиқдаги ўн минг хом ғиши.

Жала кучаярди.
Ғиштлар гўё —
«Тезроқ кел» деб чақирар уни.
Кўз олдида совриларди кўкка,
Колхоз мулки ва меҳнат куни.

Фонусини олди ва бош яланг,
Чиқиб кетди ташқарига у.
Жала қуяр, Умурзоқ тажанг,
Совуқ шамол учади ғув-ғув . . .

Бир қўлида шолча ва чодир,
Чўмилгандай бўлди бир эумда
Лойга ботиб, қоқилиб, тойиб,
Борар эди зимзиё тунда.

Бироз юргач, қулоғига келди,
Одамларнинг ғовур-ғувури.
Чироғларни кўрди . . .
Бир нафасда,
У шалаббо бўлиб ивиди.

У борганда ғиштлар йиғилганди,
Ёпилганди устига чодир.
Ҳамма бўккан,
Кўйлакла чиққан —
Йигитчалар қалтирар дир-дир...
Бир қўлида фонус, югурарди,
Ҳа-ҳа-ларди Вали-чапани.
Мадёр ота бўлса, ғишт устига —
Ёпиб юборипти чакманини.
Калишининг ичи жиққа сув,
Тўпуғидан лойга ботарди.
Азаматлар, катта-кичик бари,
Чўлнинг захматини тортарди.

— Ухлаб қоппан,
деди Умурзоқ.

У ҳам ғиштга шолчасини ёпди,
Секин тарқалишди одамлар
Умурзоқ ҳам қайтди Қоравой-ла,
Оғир-оғир тушар қадамлар.

Жала қуяр эди, одамлар,
Тўпуғидан лойга ботарди.
Азаматлар, эркак-аёл бари,
Чўлнинг захматини тортарди.

МИРЗАЧЎЛДА БОШЛАНДИ КЎКЛАМ...

Бугун биринчи Май,
қоқ саҳардан —
Тараклади гўс ноғоралар
Карнай-сурнай овозлари тутди,
Майдонларга тўлди болалар.

Карнай-сурнай овозлари тутди
Яшнаб кетди қишлоқ саҳари.
Аравалар,
отлиқлар,
пиёдалар,
Район марказига оқарди...

Мирзачўлда бошланди кўклам,
Чийиллашар қушлар осмонда.
Жунжиб ётган дарахтлар кўркам,
Ғайрат қайнар ҳар деҳқон танда...

Қаваклардан қурт-қурмисқа чиқди,
Ўрмалади ерда чумоли.
Гоҳо булут қоплар кўк юзини,
Гоҳ, очилар қуёш жамоли.

Ёш тераклар, толлар кўм-кўк бўлди,
Баҳор ўйнар кенг далаларда.
Ана, Шарқда офтоб,
Ғарбда ёмғур,
Алла қайда «Бўри болаларди».

Мад'ёр ота тош отди, томда —
Қарға яна чақирарди қор.
Зангор кўк юзида туясимон
Булутларнинг карвони оқар.

Намойишдан кейин, колхозга қайтди,
Бирин-кетин қари-қартанглар.
Умурзоқ қайтмади,
Ана турар,
Остда жийрон тойи жилпонглар...
Отдан тушди учта азамат,
Толга боғлаб қўйилди уч той,
Утиришиб «юзта-юзта» қилишди;
Умурзоқ,
Қўшоқвой,
Қоравой.

. . . . . .

Баҳор ўйнар кенг далаларда,
Кенг далалар ясанди кўркам.
Ҳаммаёққа боқсанг,
ҳаммаёқда —
Қўклам,
кўклам,
кўклам,
ва кўклам...

* * *

Уч биродар қайтди қишлоғига,
Мана узун, илон изи йўл.
Атроф жимжит бепоён дала,
Осмон каби ҳадсиз Мирзачўл.

Юк машина ўтар вағиллаб,
Усти тўла тахта ва ёғоч.
Гоҳо, узун йўлда, ер бағирлаб —
Учиб ўтар эди қалдирғоч.

Уч той борар дала йўлида,
Дукур-дукур тушар туёқлар.
Юлғун қамчи ўйнар қўлларда,
Тойлар сўлғ чайнар, ўйноқлар.

Олисларга боқар Умурзоқ...
Туёқлардан кўтарилар чанг.
Қўнғур чўлда кўринар қишлоқ,
Чўлга томган каби яшил ранг.

Бу кўринган улар қишлоғи!
Бирдан дук-дук тепди юраклар...
Ҳали чала...
ҳали кўчаларга,
Соя солмас қатор тераклар.
Ҳали ишлар купдир олдинда,
Ҳали қалбда қанча режалар...
Ҳали ишлар кетар ойдинда,
Ухламасдан узоқ кечалар.
Ҳали қанча терлаб-пишуви бор,
Ҳали унинг ишлари чала.
Асакадан кўра кўркам бўлар,
Мана, Умурзоқнинг мўлжали...

Йўрға тойда борар Умурзоқ,
Қишлоғига қадалган кўзи,
Бирдан, хотирига келди шу чоқ,
Райком секретарининг сўзи;

«...Йигит
боргил
Мирзачўлга боргил!...
Сўзи шундай сенга элингни!
Солдат камарингни бўшатма!
Сиқиб маҳкам боғла белингни!

Битта қишлоқ қолдир,
кўм-кўк қишлоқ...
Мерос бўлар, юрт бўлади шод,
Шаҳар қилиб олар ўзлари —
Орқамизда қолажак авлод...»

Йўрға тойда борар Умурзоқ,
Қишлоғига тикилган кўзи.
Хотиридан ўтди бир нафасда,
Райком секретарининг сўзи...

Атроф беҳад, уфуққача дала,
Чўлда турар жажжи бир қишлоқ.
Қўлларини соябон қилиб,
Отдан тикиларди Умурзоқ...
Қўшни колхозлилар,
ўзларича;
«Яшил қишлоқ» ном қўйибдилар.
Жиндак кайфли Умурзоқ, отдан,
Тикилар,
тикилар,
тикилар...

АВТОРДАН

Йиллар ўтиб кетди орадан...
Яна Мирзачўлга тушди йўл.
Кўз олдимда Умурзоқ, Қоравой...
Кўз олдимда яшнаётган чўл.

Илон изи йўлда бораман,
Икки томон кенг, колхоз ери.
Узоқ узоқларга тикиламан,
Урулади юзга тонг ели.

Кўмкук дарахтларга ўралиб,
Рўпарамда қишлоқ туради.
Сувлар оқар тўлиб, буралиб...
Қушлар кўкда ўйин қуради.

Яшил дарахтларнинг тагида,
Кўринади оқариб уйлар.
Сой оқади ер этагида,
Яйловларга сочилмиш қўйлар.

Колхоз боғи тўла мева дарахт.
Оппоқ бўлиб гуллапти ўрук.
Узун йўлда, тинмай эртадан кеч,
Грузовой ташир эди юк.

Узун йўлда ёлғиз бораман,
Атроф шудгор, колхознинг ери.
Узоқ-узоқларга тикиламан,
Ғир-ғир учиб ўтар тонг ели.

Сувлар оқар тўлиб, буралиб,
Қушлар кўкда ўйин қуради.
Яшил дарахтларга ўралиб,
Рўпарамда қишлоқ туради.

Уни бу атрофда одамлар,
«Яшил қишлоқ» деб аташарди.
Тикиламан, узоқ тикиламан,
Қараб-қараб кўз қамашарди.

Булар бари менинг олтин далам,
Булар ба'ри менинг измимда.
Колхозлар, қишлоқлар, заводлар..
Муҳаббати дилим-жисмимда.

Менинг қаҳрамоним, азамат,
Умурзоқнинг достони узун...
Эрта давомини тингла,
Бугун —
Шуйтиб қиссам тугар, азизим.

Тошкент, 1947 — 1948 йиллар.

М. ОСИМ

ДЎСТЛАР

Хикоя

Кадрлар бўлимига икки ўспирин кирди. Устига кўк мовут сирилган катта стол ёнида ўтириб, икки кўзини олдидаги қоғозга тиккан басавлат кишига салом беришди. У бош қимирлатиш блан «алик» олди ва ўтириб бироз кутингиз, дегандай ияги блан стулларга имлади.

Эгамберди ўн еттига кирган тўла юзли, ўрта бўйли, қорача йигит. У стулга баҳузур ўтириб олиб, митти кўзларини қаршисидаги кишига тикди. Икки қўлини телегрейкасининг чўнтагига суқиб ўтирди. Унинг шериги Турғун бўлса, баланд бўйли, орриқ, шалпанг қулоқ йигит эди. У кадрлар бўлими мудирини ҳурмат қилганиданми ёки ўзини йўқотиб қўйганиданми, стулнинг четигагина омонат ўтирар, катта-катта кўзлари бир жойда турмасдан жовдирар, жой тополмаган қўллари билинар-билинмас титрарди.

Стол ёнида ўтирган киши қўлидаги қоғозни ўқиб бўлиб, устига бир нарсанидир ёзди, уни стол тортмасига солгандан кейин, қаршисидаги йигитчаларга қаради:

— Хўш, хизмат?

— Заводга ишга кирмоқчимиз, — деди Эгамберди, — шогирдлар қабул қиламиз, деб газетга э'лон берган экансиз?

У ўзига ишонган кишидай, шошмай гапирар, катталардек бошини чайқаб қўярди.

— Неча синфни битиргансиз?

— Иккавимиз ҳам қишлоқда етти йиллик мактабни битирганмиз.

Бўлим бошлиғи уларнинг ҳужжатлари блан танишиб чиқди, кейин қўлларига биттадан анкета бериб:

— Шу анкетани тўлғизиб, таржимаи ҳолингизни ёзиб, эртага олдимга келинг, сизни чилангарлик-механика цехига юбораман, — деди.

Иккала дўст ўзларида йўқ хурсанд бўлиб, кўчага чиқишди.

Эртасига улар эшикда турган қуролли кишига пропускларини кўрсатишиб, заводга киришди. Узоқдан кўксини кўкка кўтариб турган маҳобатли бинолариинг ойналари ялтираб кўринарди. Паровозлар пишқиришиб, устига кўмир, темир-терсак ортилган усти очиқ вагонларни у ёқдан-бу ёққа судрар, қулоқни битказиб қичқиришарди. Цехлардан тарақ-туруқ овозлар, машиналарнинг гулдираши, босқонларнинг гурсуллаши эшитиларди.

Завод ўз миқ'ёсининг буюклиги, ишининг шиддати блан янги кирган кишини ҳайратда қолдиради. Эгамберди блан Турғун темирчилик цехининг катта дарвозаси ёнига келиб тўхташди ва мароқланиб ичкарига қарашди. Катта сандон ёнида турган бризент курткали ишчи узун амбур блан лахча чўғ бўлган металл парчасини айлантириб турар, уч тонна оғирлигидаги катта буғ чўкичи гурсиллаб унинг устига тушар, ҳар ёққа учқунлар сачратар эди.

Турғун оғзини очиб, сўйлоқ тишларини кўрсатиб, анқайиб қолди. Эгамберди унинг тирсагидан ушлаб:

— Юр, кейин тамоша қиламиз, — деди.

Сўраб-сўраб чилангарлик — механика цехини топишди. Цехнинг бурчагида бир ишчи пўлат арра блан металл парчасини арралар, бошқаси исканжага қистирилган бир детальни эгавлар, учунчиси зубило деб оталган йўғон бир искана блан темир парчасини қирқар эди. Улар, чилангарларнинг ишини бироз тамоша қилишиб, цех конторасига кирдилар.

Шу кундан бошлаб, икки дўст цехда ишлайбошлади. Эгамберди Соколов деган бир ишчига, Турғун эса, Книгин деган қарри бир ишчига биркитилиб қўйилди. Шогирдлар, усталарининг ёнида юриб, асбоб-ускуналар блан танишдилар. Кейин болға уриш, зубилони ишлатиш йўлини ўрганабошлашди. Бундан кейин Соколов шогирдини эгавлашга ўргатишга киришди. У исканжага бир детальни қистириб қўйиб, ўнг қўли блан эгавнинг дастасидан тутди, сўл қўли блан унинг учидан ушлади ва бир текис ҳаракат блан детальни эгавлайбошлади. Ишга разм солиб турган Эгамбердига қараб:

—Энди сен эгавлаб кўр, — деди.

Эгамберди эгавни қўлга олди, Соколовга тақлид қилиб ишлайбошлади. Ортиқча ҳаракат қилганидан унинг пешанасини тер босиб, қизариб кетди. Унинг ҳаракати, четдан қараган кишига кулгили ва бесўнақай кўринар эди. Соколов шогирднинг қаддини қўли блан тўғрилаб қўйди:

— Гавда исканжа ўқига нисбатан қирқ беш градус ўгирилган бўлиши керак, — деди ҳаракат блан буни кўрсатиб, — эгав орқага қараб эгавламайди, шу сабабдан уни олдинга қараб юритаётгандагина босиш керак. Эгав ҳар вақт детальга мувозий тарзда туриши лозим...

Эгамберди унинг гапини яхши тушинмаган бўлса ҳам, ҳаракатидан нима демоқчи бўлганини пайқаб олди. Ҳарқандай ҳунар ҳам бошда кишидан кўп куч сарф қилиш ва зеҳн қўйишни талаб қилади. Чилангарлик ҳунарининг ибтидоси бўлган эгавлаш, болға уриш

уларга оғир ишга ўхшаб кўринарди, бутун кун бўйи тикка туриб ишлаш, цехдаги тарақа-туруқ овозлар ўспиринларни ёмон чарчатар эди. Улар кечқурун ётоқхоналарига бурунларидан тортса йиқилгудек бўлиб келар эдилар. Бир кун Турғун ишдан келиб, ўзини кроватга ташлади, киртайган кўзларини шипга тикиб ётди. Унинг рангги ўчган, қовоғи солинган эди. Бир бармоғи бинт блан ўралган чап қўлини кўксига қўйиб хаёлга ботди. Эгамберди эса, стол ёнидаги табуреткада ўтирарди. У ҳам келганидан буён ўзини бироз олдирган эди.

— Бугун устадан тағин дакки едим, — деди Турғун, — деталь текис эгавланмапти, деб тоза койиди. Бунинг устига қўлимга темир тушиб кетгани ортиқча бўлди.

— Сабр қилиш керак, — деди Эгамберди, — жон койитмасанг ҳунар ўрганиш қайда? — Уста уришса, одам бўлгин, деб уришади-да.

— Мен бировдан қаттиқроқ гап эшитсам, қўлим ишга бормай қолади. Шу фе'лим ўзимга ҳам ёқмайди.

— Одам бўламан десанг гап кўтар. Жиззаки бўлсанг, ўзингга ёмон.

Эшик очилиб, Соколов кириб келди. У ҳам шу хонада турар эди. Соколов баланд бўйли, кенг яғринли, хипча белли йигит эди. Сув спорти блан кўп шуғулланган учун қўлининг мускуллари бағоят кучайган, юзи ингичка тортган эди. Турғуннинг бошига келиб, баланд овоз блан:

— Бетобмисан? — деб сўради, — рангинг ўчган.

— Йўқ, ҳечнарса. Бармоғимни ярадор қилиб олдим.

Соколов унинг бармоғини кўриб, мийиғида кулди.

— Ваҳма одам экансан. Арзимаган ярага кўрпа-ястиқ қилиб олдингми?

Соколов қозиқдан гитарини олиб, уни чертди, сўнгра «Кармен» операсидан бир «ария»ни ёқимли овоз блан куйлайбошлади. Европа куйларининг завқига ҳали тушинмаган Турғун «Шу ҳам ашулами?» дегандай, афтини бужмайтириб шеригига қаради, шериги эса ашуланинг завқига тўла бормаса ҳам, диққат блан қулоқ солар, бир нима англаб олишга уринарди.

Соколов ашуласини тамом қилиб, эшикка чиқиб кетгандан кейин Турғун кўнгил ёриб, дардини айтди:

— Дўстим, чилангарлик иши менга ёқмайди. Ҳам оғир, ҳам сердиққат иш экан. Йигирма-ўттиз хил асбобни ишлатишга ўргангунча ўлиб бўламиз. Ёчсозлик цехига ўтсам дейман, ҳам иши енгил, ҳам озода. Нима дейсан?

— Кўз қўрқоқ, қўл ботир, — деди Эгамберди, — аста-секин ҳамма асбобни ҳам ўрганиб оламиз. Лекин бошқа цехга ўтаман деб ўтирма. Дарахт бир жойда кўкаради-да! Ишнинг енгилини излагандан кўра бироз жон койитиш керак. Читтакка ўхшаб, шохдан-шахга сакрасанг, ҳеч нарса ўрганолмайсан.

Бу кейинги гап жиззаки Турғунга қаттиқ тегди. Ичида: «Отахонлик қилишни сенга ким қўйипти, ўзингни билсангчи, мен блан неча пуллик ишинг бор» деб ўйлади. Одамга дарров эл бўлиб, ҳаркимга ошно бўлиб кетадиган, қўли ишга келиб қолган Эгамберди унинг ҳасадини келтирар эди. Улар орасида рўй берган кичик бир сўз орани бузиб, ўртага совуқлик тушуриб қўйди.

Цехда Ойпошша деган бир токарь қиз ишлар эди. Қора қошли, қора кўзли бу ғайратли қиз Эгамбердининг юрагига чуқур из солган, кўнглида илк севги баҳорини очган эди. Биринчи марта севган йигитларнинг кўпи сингари Эгамберди ҳам ўзини севгилисидан паст қўяр, «мен унга лойиқмикинман?» деб ўйлар, қизга бир оғиз сўз айтишга тили бормас эди. Лекин севган кишининг тили қўрқоқ бўлса ҳам кўзи ботир. Қизнинг олдидан ўтиб кетаётганда кўзини ундан айирмасди. Қиз бўлса, йигитнинг ўткир кўзлари остида ўзини ноқулай сезар, йигитнинг қандай ният блан қараганини билмасди. Бир кун Эгамберди шериги блан Ойпошшанинг олдида тўхташди. Кўк фартуқ кийган, сочларини тоза ювиб, майин тараган оқ юзли қиз, қошларини чимириб, тинмай айланиб турган детальга қуралай кўзларини тиккан эди. Эгамберди шеригига орқа қилиб, қизга ҳазиллашди:

— Мен сизга шогирд бўлмоқчиман, қабул қиласизми?

— Ўтинг, ўтинг, — деди қиз унга қарамай, — ишингиздан қолманг, менга шогирд керак эмас.

Улар цехдан чиққанларидан кейин Турғун шеригига кулди.

— Ўла, ўсал бўлдингку! Нима қиласан бу қизга осилиб. Бу ерда модавозлик кетмайди.

Эгамбердининг бети қизариб кетди:

— Мен блан ишинг бўлмасин. Сени ҳечким менга хўжайин қилиб қўйгани йўқ.

— Оббо, ҳали шунақа катта бўлиб кетганмисиз? Сиз осмонга чиқиб кетдингиз-ку, биз қаро ер бўлдикми, тавба!

Ишдан мускуллари чарчаб, асаблари бўшашиб чиққан Эгамберди ҳам шеригига аччиқ-аччиқ сўзлар айтишдан ўзини тияолмади.

Икки кунгача улар гаплашмай юришди. Эгамберди, арзимаган бир гапга шеригини хафа қилганидан ўкиниб, у блан яраштмоқчи бўлди. Лекин Турғун унинг сўзига қулоқ солмай, юзини терс ўгириб олди. Эгамберди унинг болача қилиғидан кулиб, ичида «яна икки кундан кейин ҳовури пасайиб қолар» деб ўйлади. Броқ Турғун ёқаси кир кўтармайдиган, ёмон гапни сра эсдан чиқармайдиган йигит эди. Бу енгилтак йигит шеригига аччиқ қилиб, ёғочсозлик цехига ўтди. У энди ётоқхонага эл ётар маҳалда келар, бўш вақтларида алла қаёқларда санқиб юрарди. У уст-бошига ҳам қарамай қўйди, юриш-туришида сон қолмади. Ётоққа қовоғини солиб кирар, қовоғини солиб чиқиб кетар эди.

Бир кун Эгамберди ишдан келган пайтда шеригининг кровати бўшаб қолганини кўрди. Кўрпа ва матраси устидан олинган темир кроват ҳувиллаб ётар эди. Юраги орзиқиб, комендантга бор-

ди. Ундан, шеригининг расчет олиб, заводдан кетиб қолганини билди. Бу хабарни у кутмаган эди, кўз олдини қоронғулиқ босди. «Ҳаммасига мен айбдор, — деб ўйлади—у ёмон бўлса, мен яхши бўлишим керак эди. Ялиниб бўлса ҳам, у блан ярашишим, заводда олиб қолишим керак эди». У ўз ишига махлиё бўлиб, шеригидан бехабар бўлганига беҳад ўкинарди.

— Нега мунча қовоғинг осилиб кетди? — деб сўради Соколов эшикдан кириши блан, — бир еринг оғрияптими?

Эгамберди бўш кроватни ияги блан кўрсатиб:

— Кўрмайсанми, дўстим мендан бехабар заводдан кетиб қопти, — деди.

— Кетса ўзига ёмон, сенга нима?

— Кетишга қисман ўзим айбдор. Бир гап блан кўнглини оғритиб қўйган эдим.

— Арзимаган нарсага заводни ташлаб кетадиган одам бизга керак эмас. Ке қўй, бекорга хафа бўлма. Биз йигирма сўмдан қўшиб бугун вақти чоғлиқ қилмоқчимиз. Агар истасанг сен ҳам қўшил.

Эгамберди унинг таклифини хурсандлик блан қабул қилди.

* * *

Орадан йиллар ўтди. Астайидил меҳнат ва улуғ урушнинг оғир, лекин шонли йиллари Эгамбердининг юзида чуқур излар қолдирди, турмуш тажрибаси блан бойитди, кўкрагини бир орден ва бир медаль блан безади. У еттинчи разрядли моҳир чилангар ва ҳамманинг ҳурматига сазовар бўлган баобрў одам бўлган эди. Унинг устаси Соколов эса, урушдан кейин цех бошлиғи қилиб белгиланди.

Бир кун Эгамберди, ишини тамомлаб, эртага ишланадиган детальнинг чертёжини кўриб ўтирган эди, цех бошлиғи уни чақиртириб қолди. У шошмай қўлидаги қаламни қулоғи орқасига қистирди, пўлат чизғични костюмининг кўкрак чўнтагига солди, салмоқланиб конторога жўнади.

Ҳар вақтдагидек тоза кийинган, соқоли тоза олинган Соколов, ҳазилнома жиддийлик блан унга:

— Бу йигитни танийсанми? — деб ёнида ўтирган узун бўйли кишини кўрсатди. Киши эгнига погони узуб олинган яшил шинель, оёғига солдатча этик кийган эди.

Эгамберди уни кўргач юзи ёришиб кетди, қўлларини очиб, ўн йил бурун ажралган дўсти Турғун блан қучоқлашиб кўришди. Дўсти блан ҳол-аҳвол сўрашар экан, кўзини унинг бетидан айиролмасди. Турғуннинг иягида ўқнинг ўрни қолган, икки чеккасидаги сочига оқ кирган, кўзларининг икки четини майда ажин босган эди.

— Кўрдингми? — баланд овоз блан кулди Соколов, — заводнинг тузини бир марта тотган киши албатта қайтиб келади. Дўстимиз Турғун яна бизга ишга кирмоқчи. Шу хурсандчиликка яримта қуйиб берасан.

— Хўп бўлади, — деди Эгамберди ўзида йўқ ҳурсанд бўлиб, — бугун иккавингиз бизникига борасизлар.

Дўстининг илтимоси блан Турғун бошидан ўтганларни қисқача сўзлаб берди. У заводдан кетгандан кейин колхозда табельчи бўлиб ишлапти, кейин бу ишни ёқтирмай аллақайси бир корхонада моддий буюмлар омборчиси бўлиб хизмат қилипти. Кейин аллақайси бир колхозда экспедиторлик вазифасин ўтапти. Уруш бошланган ойдаёқ фронтга сафарбар қилинипти.

— Уруш кўзимни очди, — деди ниҳоят у,—дун'ёда сабру-қарор деган нарсанинг турмушда қандай керак бўлишини билдим. Сабрсизлигим орқасида шу маҳалгача бир ҳунарим йўқ. Тиззамдан сувга ботиб, окопда ётган маҳалимда, дўстим Эгамберди ёнига бориб, ўн йил илгари ташлаб кетган ишимни охирига олиб борай, деб ният қилиб қўйган эдим.

Эгамберди кеч бўлса ҳам ўз хатосини англаган дўстининг тазаррузига диққат блан қулоқ солар, унинг юракдан чиқариб айтган сўзларини бош қимирлатиш блан тасдиқлар эди.

— Хўш ўзинг қалайсан, бола-чақа қилдингми? — деб сўради Турғун.

— Ҳа, бола-чақали бўлдим, — деди Эгамберди салмоқлаб, — цехимизда Ойпошша деган бир токарь қиз бор эди, эсингдами?

— Ҳа эсимда бор, — деди Турғун қизариниқираб.

— Биз Ойпошша блан турмуш қурдик, бир қиз, бир ўғил юртдирдик.

Эгамберди урушдан илгариги яхши турмуши ва уруш вақтидаги қийинчиликлардан гапириб берди.

Эртасига Эгамберди милтиғини казармага қўйиб келган дўстининг қўлига эгав тутқизди. Турғун энжайиб, бесўнақай ҳаракат блан исканжага қистирилган детальни эгавлар экан, Эгамберди унинг гавдасини тўғрилаб қўйди.

— Қадни тик тутиш керак, — гавда исканжа ўқига нисбатан қирқ беш градус ўгирилган бўлиши керак...

Турғун устасининг айтганини қилиб, жони жаҳди блан ишлашга киришди. Эгамберди, унинг важоҳатига қараб: «Ҳа энди одам бўласан» деб қўйди.

ЗУЛФИЯ

СТАЛИНОБОД ХОТИРАСИ

Яқинлик

Элим йўллар экан саломи блан
Меҳринг қанотида пар каби учдим
Сени бир кўришни қилардим орзу,
Мана, зумрад тонгда мен келиб тушдим...

Тонгдай ёш, дар'ёдай уйғоқ шаҳарсан,
Қувноқ кун иш блан олади нафас,
Ёшлигинг эсларкан, маҳобатингга
Дўстлик ғурурила қарадим бир пас.

Муҳташам бинолар гўзал, басавлат,
Кўчалар нур каби покиза, адил.
Йўлларга соябон дарахтларингда
Ухларкан олтин куз-атлас бир фасил.

Тарихинг — сўйлади, гўзал боғингда —
Токларни кўмаркан, менга боғбон чол.
Яқин ўтмишигни — бу кўркинг блан
Таққослаб кўролмай ақлим бўлди лол:

Шу ерда бўлганмиш кўҳна Душанба,
Туяни кўмгудай ботқоқлик ва лой.
Тиккайган дарахту тангадай соя
Кўрмаган жазира қашшоқ, вайрон жой.

Шаҳар барпо бўлмиш унинг кўзида,
Ўзи қўйишганмиш пойдеворга ғишт,
Бундаги энг кекса дарахт ҳам ҳатто
Унинг ўз қўлида топмиш парвариш...

На гўзал манзара очар бу тоғлар,
Тўшига баҳорнинг текканда лаби
Қўшиқдай жўш урар кумиш ирмоқлар
Шафақдай ёнганда лола гилами.

Варзоб соҳилида — тоғ орасида
Янги барпо бўлган шаҳарда турдим.
ГЭСда лойтахтга чўзилган симдан
Нур берар қора кўз қизни ҳам кўрдим.

Бахтлар водиси деб аталган Вахшда
Миллионер колхозчи — кечаги деҳқон
Бепоён ерларинг Фарғона каби
Оппоқ пахталарга бўлибди макон.

Ҳар ерда учратдим дўстни, ўртоқни,
Мени қаршилади меҳрибон кўзлар
На қадар самимий, яқин ва илиқ
Биз фақат дил блан сезолган сўзлар.

Тўғри, боғимизнинг меваси ҳархил
Чаманда гулларнинг ўзга япроғи.
Лекин бир ҳаводан олади нафас,
Кўки бир, суви бир бирдир тупроғи.

Атлас боғларингда қизғин, оташин
Ғазалхон дўстларнинг ўтди гурунги.
Кўп тилу, бир дилдан тўқидик қўшиқ
Ҳаётий бу куйнинг бўлмади сўнгги.

Ҳамоҳанг жаранглар бу бирлик куйи
Узоқ-узоқларда яшаймиз гарчанд.
Орзу — армонимиз бирдир, дилимиз —
Кремль нурила этилган пайванд.

СОДИҚ ҚАЛАНДАР

БИЗ УРАЛДА

*Повесть**

Учинчи бўлим

I

Тўфахон шу қиш ичида тўлой қийинчиликлардан иборат бўлган оғир-оғир синовларни бошидан кечирди. Булар бутун умр унутиб бўлмайдиган даражада унинг эсида қолдилар, албатта. Аммо у бу хилдаги қийинчиликларнинг бундан кейин такрорланмаслигига ишонар эди. Энди ҳаёт унинг кўзларига тамоман бошқача кўрина бошлади. Энди у ҳарбир ишга фақат юрак амри билангина эмас, ҳам ҳартомонлама ўйлаб, фаҳмлаб қадам қўядиган бўлиб қолди. У бу синовнинг оғирлигини, госпитальда Ботирнинг кровати ёнида тиз чўккан минутларида, хусусан, бундан бирозгина кейинроқ Оля билан жойда ётиб ва ундан кейин ҳам бирнеча кечаларни то эрталабгача мижжа қоқмай ўтказган вақтларида та'сирлироқ сезган эди.

Мана, Тўфахон учун оғир бўлган мана шундай кунларнинг бири. У Ботирнинг ҳаёти учун жуда қаттиқ ташвиш тортар эди. Бу хилдаги ташвишнинг оғирлигига фақат ўз йигитини садоқат ва самимий муҳаббат билан севган қизгина чидайолиши мумкин эди. Унинг ташвиши кундан-кун ортиб борар эди.

Ботирнинг аҳволи кун сайин оғирлаша борди. У жуда озиб кетган юзлари заъфарондай сарғайиб, чўккан кўзлари билан лоқайд қараб ётар эди.

Тўфахон палатага кирганда, Ботир ўзининг ҳолсиз кўзлари билан ма'носизгина бир пас термилиб тургач, яна секин кўзларини юмди ва анча вақтгача очмади. Шу аҳволда, Тўфахон бирнеча марта Ботирдан бир оғиз ҳам сўз эшитмасдан қайтиб кетган кунлари

* Бошн ўткан сонларда.

ҳам бўлди. Шу кунлар ичида у бирор марта Ботирни ҳушига келган ва ҳарорати босилган ҳолда учратолмаган эди.

Бир кун, биринчи учрашувдан бирор ойча кейин, я'ни Ўзбекистонга борган вакилларнинг қайтиб келганининг иккинчи куни бўлса керак, Тўфахон Оля блан госпитальга келди. Қизлар Ботирга колхозидан ва уйидан юборилган беқасам тўн, шойи қийиқ, янги тўппи ва бошқа совға-саломларни олиб келган эдилар. Булар госпиталь биносига кириб энди ечинай деб турганларида, йўлакнинг нариги томонидан паст бўйлик ва қора сочлик навбатчи доктор буларга қараб келаберди. Тўфахон ҳар келганида кўриб юргани учун буни яхши танир эди. Доктор етиб келиб, қизлар блан саломлашгач, букун Ботир Собировнинг олдига кириши асло мумкин эмаслигини, уни бошқа палатага кўчирилганлигини ва унга фақат ором кераклигини айтди.

Буни эшитган қизлар жуда қўрқиб кетишди, хатто бир сўз айтишга ҳам мажоллари қолмай, навбатчи докторга бақрайиб қараб қолишди. Кейин улар рухсат беришни сўраб илтимос қилабошладилар. Бўлмади. Улар Березинга телефон қиламиз, деб, унга пўписа ҳам қилиб кўрдилар. У юмшамай, бир сўзда туриб олди. Госпиталь начальниги Гринбергни чақириб беришни сўрадилар. У, бунга ҳам кўнмади. Охири, ҳечнарса чиқмагач, қизлар Ботирнинг олдига киралмасдан қайтиб кетишга мажбур бўлдилар.

Тўфахон жуда хафа бўлиб уйига қайтди. Ҳархил фикрлар ва ваҳмалар унинг бошини ўраб олган эди. У ўзини шундай ҳис этар эдики, унга қаттиқ бир зарба урилди, ёки бу оғир зарба унинг боши устида турипти, буни энди улоқтириб ташлашга ҳеч қудрати келмас эди. . .

Унга эртагиси ҳам Ботирнинг олдига киришга рухсат бермадилар, у даҳлиздаги таниш бўлмаган бир-иккита ҳамширадан бошқа ҳечкимни кўралмай, қайтиб кетди.

Оворагарчилик шу аҳволда бир ҳафта давом этди.

Охирги кун, бу сабрсизликнинг еттинчи куни бўлса керак, Тўфахон қандай бўлмасин бугун Ботирнинг олдига кирмасдан кетмайман, деб қасд қилиб келган эди, йўлакда тасодифан профессорнинг ўзига учраб қолди. Профессор уни кулиб қарши олди.

— Салом, салом, қизча! Бай, бай, бунча жаҳлингиз чиқмаса?... Уни қаранг, шунчалик ҳам бўладими-а? Ана энди унинг олдига киришингиз мумкин, сиз ҳам хурсанд бўласиз, биз ҳам. Қани, юринг. —деди кўришар экан профессор Тўфахонга ва унинг елкасига санитар ёпган халатини тўғрилади-да, орқасидан эргаштириб зинадан юқориги қаватга чиқабошлади, — сизнинг бахтингизга унинг операцияси яхши чиқди. Буйракдаги, шишлар, унинг атрофида тўпланиб қолган йирингларни олиб ташлагандан кейин, тамом босилди, — дея давом этди профессор, — ҳарорати тушди. Энди унча-мунча овқатҳам еяпти. Тўфахоннинг юзларига югурган қизиллиқни кўриб, яна қўшиб қўйди,—оёғи ҳам яхши операция қилин-

ди, тузалгач, қўлтиқ таёқсиз юриши ҳам мумкин. Қандай, ма'қулми?

У, палаткани очиб, аввал Тўфахонни киргизди.

Тўфахон ўз кўзларига ишонмай, остонада қотиб турар эди. Бу кўраётган нарсаларнинг ҳаммаси туш — ҳозир уйғониб кетади-ю, ҳаммаси бирдан йўқ бўлаётгандай эди. У кўзларини бир-икки марта очиб юмди-да, ихтиёрсиз Ботирга томон тез юриб кетди.

Ботирнинг юзига қон югурди. У озиб кетган қўлларини одеял тегидан чиқариб Тўфахонга узатди ва қизнинг юмшоқ қўлларини анча вақтгача қўйиб юборгиси келмай сиқиб турди.

— Келдингизми Тўфахон?.. Жоним?.. — У ўнғайсизланди шекилли, ойнакдан ташқарига қаради, — қор ёғипти-ку... қандай яхши... Сизни кўриш блан дард ҳам кўтарилгандай бўлди.

Тўфахон ҳамон унга термилиб турар ва кўзларидан ёшлар оқиб тушмоқда эди.

Профессор аллақачон чиқиб кетган эди.

— Ботир ака, энди яхшимисиз? А?..

Тўфахон энди ортиқ чидаб туролмади. Ботирнинг узун ва иссиқ қўлларидан ўпабошлади.

У ўз бахтининг кулгисини госпитальдан чиққач, яна чуқурроқ англади. Ўз келажагига бўлган ишонч, ҳечқачон бунчалик ярқираб кўринмаган, шодлик юрагини бунчалик тўлдирмаган ва ҳаёт унинг кўзларига мунчалик гўзал ва ширин бўлиб кўринмаган эди.

Унинг қичқириб ашула айтгиси келар эди. Қани ҳозир Оля бўлса-ю, унга ўз хурсандлигини баён қилиб, қучоқлаб ўпиб-ўпиб олса... У ҳечёққа бурилмай, тўғри уйига томон кетди.

Тўфахон қалин қорнинг ғижирлашидан қандайдир бир уйғунлик сезиб, унинг шодлиги борган сари юрагидан ошиб-тошиб борар эди. Совуқ изғирин унинг бўйинларини чимдиб, гўё унинг блан ўйнашгандай бўлар эди. У қадамини тезлатди.

Тўфахон уйга киргач, Серафима Ильиничнага ҳамма воқиани айтиб берди. Оқ кўнгилли хотин унинг сўзларига диққат блан қулоқ солиб тинглади ва хурсанд бўлиб кетганидан кўзига ёш олди. Энди уйдаги ҳамма нарса Тўфахоннинг кўзига бошқача кўринар эди. Плиткада ўзига чой қайнатар экан, чойнакнинг вишиллаганига узоқ қулоқ солиб турди .Бу овоз унинг қулоғига шундай яқин туйилган эдики, у ёшлигида Раҳим бобосининг катта супа ёнида ҳар тушда қайнатадиган қумғонини эсига туширган эди.

У шу кундан бошлаб кечаси ҳам, кундузи ҳам доим шод эди. Узоқ кечалари анча маҳалгача ўз завқига берилиб ухлаб кетар, кишининг ёшликда кўрадиган ширин-ширин тушларни кўриб ўйғонар эди. Эрталаб цехга аввалгидай қувноқлик блан кулиб, ашула айтиб кириб борадиган бўлиб қолди. Буни ишчиларнинг ҳаммаси аниқ пайқаб қолишган эди.

Унинг уқувли қўлларида ҳарбир топшириқнинг муваффақиятли ижросини кўрган Иван Павлович шу кунларнинг бирида худди оталардай эркалатиб шундай деди:

— Ажойиб қизсан! Азамат, азамат! Агар фронтда қўрқмас қаҳрамонлар бор экан, мамлакат ичкарисида мана бундай ажойиб қизларимиз ҳам бор. Баракатоп, Нурматова қизим, баракатоп! Мен бақувват, қувноқ ва руҳини доим баланд тутиб юрадиган одамларни яхши кўраман. Аммо сен, қизим, менинг бу гапларимдан ғурурланиб, ҳаддингдан ошиб кетма!

Тўфахон чарчашни билмас эди. У ҳар кунги меҳнатида ўзининг, Ботирнинг ва Ватанининг бахти-саодати учун тер тўкаётганини яхши тушунар эди. У деярлик ҳар кун дам анор, дам лимон топиб Ботирнинг олдига бир мартаба бориб келар эди. У бирнеча марта ўзи палов пиширнб, совимасин учун эмалланган товоққа солиб, устидан оғир сафол косани тўнтариб, кечаси госпитальга олиб бориб келди.

Ботир ҳам энди анча тузалиб қолган эди. У энди ўрнидан туриб палатада кўлтиқ таёқ блан секин-секин юрар, аммо оёғининг яраси ҳали тоза тузалиб кетмаган эди.

Баҳор келиши блан у секин айвонга ҳам чиқадиган бўлиб қолди, ба'зан Тўфахоннинг бўш вақти бўлганда, у ерда унинг блан узоқ вақт гапиришиб ўтирар эди.

Тўфахон ҳам Ботирнинг тузалиб бораётган шу ойлари ичида ўзини жуда бахтли ҳис этар эдики, энди унинг бу бахтини ҳечким тортиб ололмас ва ўзгартаолмас эди.

Бир кун, иссиқ июнь кечаларидан бирида, атрофи кўмкўк барглар блан ўралган госпиталь айвонида ўтирганларида Ботир Тўфахонга шундай деди:

— Ўн кундан кейин менга жавоб бўлади. Олти ойга отпуска берадилар... Тошкентга кетаман... Уйга...

Тўфахон бу гапни эшитар экан, аввал жуда хурсанд бўлиб кетди. Кейин эса бирдан бўшашиб кетди, қаеридир оғригандай бўлди, оғир нафас олиб ерга қаради. У, Ботир деб шундай узоқ жойларга келса, толой қийинчиликларга чидаса-ю, у буни ёлғиз ташлаб кетса...

— Демак Тошкентга кетасиз? Уйга, — такрор сўради кўзларини катта очиб ранги оқариб кетган Тўфахон.

— Албатта, — дея жавоб қилди ҳечнарса сезмаган Ботир, — биласизми, шу ерда олти ойдан бери ётибман-а...

Тўфахоннинг нафаси бўғилди, гўё уни томоғидан биров бўғаётгандай эди.

Ниҳоят, унга узоқ тикилиб турар экан, қиз ўзини тутиб олди. Аммо ҳайронликда нима дейишини билмай, Ботирга таажжубланиб, хафа бўлган ҳолда, уйига қайтиб кетди.

Сўнгги ҳафта ичида у Ботирнинг олдига бораолмади. Охирги кун Оля ундан Тўфахонга кичкина бир хат олиб келиб берди. Ботир бу хатида шундай деб ёзган эди: «Тўфахон, жоним, эшитишимга қараганда сиз мендан хафа эмишсиз... Мен сизга, бирга кетамиз деб айтмадимми? Агар айтмаган бўлсам, бу ўз-ўзидан ма'лум-ку. Ахир ўйланг, мен сизни ташлаб ўзим ёлғиз кетаолишим

мумкинми?.. Йўқ, мен сизсиз ҳеч ёққа кетаолмайман. Буни сиз яхши тушунинг. Эртага, якшанба куни менга госпитальдан жавоб берадилар. Агар вақтингиз бўлса, эртага бир келсангиз. Салом блан Ботир».

Тўфахон бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Барча хаёллари бир-бирига аралашиб кетди: Ботирнинг сўзига тушунмаган эканман, деб ўзига берган тасаллиси ва бирга кетиш ва бундан кейин доим бирга бўлишлари ҳақидаги орзулари, бирга юртларига қайтганларида колхознинг қандай кутиб олиши тўғрисидаги хаёллар блан қўшилиб яна бир марта кўз ўнгидан ўтди. Бир нафасдан сўнг, бирга кетиш орзуси яна уни ўраб олди. Броқ унинг ҳар куни янги-янги заказлар қабул қилаётган заводдан жавоб берилиши, ёки берилмаслигини ўйлаганда, унинг фикри бундан нарига ўтолмади...

Башарти Ботир бунда қолса, у нима иш қилиши мумкин? Ёки қаерда туради? У эртага чиқиб келади, кечаси қаерда ётади? Серафима Ильиничнаникидами? Уни ўша ерда кутиб оладими? Йўқ, бу мумкин бўлмас. У ҳечқачон Серафима Ильиничнага бу тўғрида гапиришга ботинолмас эди...

Ҳақиқатан ҳам эртага госпитальдан чиқса, уни қаерга олиб боради?..

Мана шу фикрлар уни шундай ҳаяжонга солган эдиларки, бутунлай боши айланиб, жуда гаранг бўлиб қолган эди. Кечқурун, овқатдан сўнг, Серафима Ильиничнага Тўфахон шундай деди:

— Ботир акамларга госпитальдан эртага жавоб бўлар экан. Тузалиб қолиптилар. Меҳмонга чақирамизми?..

Бундан бошқа ҳечнарса деяолмади.

Серафима Ильинична бу хуш хабарни эшитиб, ўзида йўқ қувонди, бутун уруш йиллари ичида бирор марта уйга келаолмаган фронтдаги қизи кириб келаётгандек бўлди. Кечки овқатдан сўнг ўзи туриб Тўфахоннинг жойини солди ва худди ёш боладай уни эркалатиб бирнеча мартаба «ёт, қизим, ёт. Ухла» деб қўйди.

Тўфахон жуда эрта уйғонди ва Серафима Ильинична уйғониб қолмасин деб эҳтиётлик блан кийинабошлади.

— Саҳарлаб йўл бўлсин сенга? — Бирдан Серафима Ильиничнанинг овози эшитилди. У Тўфахоннинг ҳаракатларини кўрпа тегидан пайқаб турган бўлса керак, қизнинг жавобини кутмасдан яна деди, — йўқ, нонушта қилмасдан мен сени ҳечёққа чиқармайман. Чой-пой ичиш керак, — дея жойидан турди.

Тўфахон уйнинг уёғидан-буёғига юриб алланарсаларни ўйлаб кетди.

Эшикка чиқиб, тез ювиниб кирган Серафима Ильинична қизнинг фавқулодда ма'юслигини кўриб ҳайрон бўлди. У, асал тўла идишни стол устига келтириб қўяр экан, ҳечнарса билмаган киши бўлиб Тўфахондан сўради:

— У госпитальдан чиқиб қаерга ва кимникига боради? Ҳамқишлоқ дўстларининг ёнига борадими? Йўқ, гапимга кирсанг шундай қилинглар, госпитальдан чиққач, ҳечёққа бормасдан, тўғри

мана шу ерга келаберинглар. Тузукми? Акс ҳолда мен хафа бўламан, қизим, — электр плитанинг ёнига бориб яна давом этди, — у, албатта, ҳаммамизга ҳам қадрли меҳмон... У худди ўз уйига, онасининг олдига боргандай, энг аввал менинг уйимга келиши лозим.

Тўфахон Серафима Ильиничнанинг бу гапидан ниҳоят хурсанд бўлиб кетди, ихтиёрсиз югуриб бориб унинг бўйнига осилди ва юзидан уч-тўрт марта уст-устига ўпди.

Ана шу минутдан бошлаб Тўфахон ўзини жуда енгил ҳис этди.

Серафима Ильинична пиширган қуймоқни келтириб стол устидаги товоққа солди ва оқ ликопчани тўлдириб асал келтириб қўйди.

Булар нонуштани тамом қилар-қилмас, Тўфахон сўнгги пиёла чойни ичиб бўлган ҳам эди, кўча томондан оёқ шарпаси эшитилди ва бирдан эшик қоқилди. Тўфахон югуриб бориб эшикни очди ва турган жойида кўзларини очиб қотиб қолди...

— Ботир ака!?.. Келдингизми?.. Марҳамат, марҳамат?.. Қандай топиб келдингиз? Роса қидиргандирсиз?.. — деди Тўфахон ҳаяжон ичида, — ўзим ҳам энди бормоқчи бўлиб турган эдим.

— Мумкинми? — жавоб ўрнида Ботир, Тўфахоннинг орқасидан кўринган Серафима Ильиничнага кулиб мурожаат қилди.

— Келавер, келавер, ўғлим! — дея югуриб борган Серафима Ильинична Ботирнинг қўлидан майда-чуйда солинган қопчасини олди, — сен бизнинг кутган азиз меҳмонимиз... Бемалол... Ўз уйинг, қани тўрга ўт!..

Кутилмаган вақтда Ботирнинг кириб келиши, айниқса, Серафима Ильиничнанинг оналарча меҳрибонлик блан уни кутиб олиши Тўфахонни шундай хурсанд қилган эдики, у ўзининг юрагида бу хотинга бўлган миннатдорлигини яна бир марта чуқур ҳис қилди... Қувонганидан ўпкаси тўлиб, кўзларига севинч ёшлари югурди.

Ботир гимнастёркасини тузатиб стол атрофидаги табуреткалардан бирига ўтирди.

— Мен бу ерни жуда осонлик блан топдим. Бу район менга эскидан таниш. Фронтга кетишдан олдин биз батальонимиз блан шу ерда турганмиз, — деди Ботир Серафима Ильиничнага қараб.

Тўфахон Ботирнинг рўпарасида ўтириб, дам унинг юзига, дам кўкрагига кўз ташлар эди. Ботирнинг кўкрагида «Қизил Байроқ» ордени, «Қизил Юлдуз» ордени ва «Жасурлик учун» медали ялтираб турар эди.

— Ботир ака... — Фақат шу сўзнигина қайта-қайта айтаолар эди халос.

Уларнинг орқасида Серафима Ильинична шкафдан алланарса олмоқда эди.

— Бизнинг Олямиз қаёқда қолди, қани, ҳозир у бу ерда бўлса,— деди Серафима Ильинична гўё Оляни ўз қизидай ҳисоблаб.

— У гулга кетган бўлса керак. Эрталаб мени уйида кутмоқчи эди. Госпитальга бирга борамиз деб гапиришган эдик. Энди ўзи чопиб бу ерга келади, — деди кулиб Тўфахон.

— Ҳа, ундай бўлса, ҳозир келиб қолади, — деди Серафима Ильинична.

У қачондан бери сандиғида асраб юрган бир шиша қизил вино, ҳозиргина қовурилган картошка, бир ликапчада мураббо олиб келиб стол устига қўйди ва ўтирмасдан стаканларга тўлдириб винодан қуйди.

— Қани, биринг ўғлим, биринг қизимсан, кўтаринглар! — Ўз стаканини кўтариб Ботирга деди, — сенинг соғлиғинг учун! Бизда, русларда, меҳмонни вино блан кутиш яхши бўлади дейдилар.

Чуқур миннатдорлик ҳиссига тўлиб Серафима Ильиничнага қараб ўтиришган Ботир блан Тўфахон ҳам ўринларидан туриб, стаканларини кўтаришди.

II

Биринчи кун булар қат'ий қарорга келмаган эдилар: Тўфахон заводдан жавоб олиб Тошкентга, уйига кетадими, ёки Ботир бу ерда қоладими?..

Бу ҳақда ҳечким жиддий гап ҳам бошламади.

Фақат биргина нарса ма'лум эдики, Ботир бугун, эрта кетаман деб тиқилинч қилаётгани йўқ, шунинг учун унга вақтинча туриш учун бир уй топиш керак халос.

Серафима Ильинична Ботир учун иссиқ уй, тинчлик ва аҳволидан доим хабар олиб турадиган одам зарур эканини айтиб, ўз уйида қолишни сўради. Унинг учун ўз уйининг бир бурчагини ўраб, алоҳида уйчадай қилиб бериш мумкинлигини айтди. Аммо Ботир бунга сира унамади.

Бу масала шундай ҳал бўлди: Ботир ҳаммасидан ҳам меҳнат армияси жойлашган бараклардан бирида туришни ма'қул кўрди. Госпитальдан чиқиб келган кунининг иккинчи, ё учинчи куни бўлса керак, жуда осонлик блан бунга рухсат олиб, Шодмон полвон, Халил Расулев, Мамадали ва бошқа ҳамқишлоқлари турадиган баракка кўчиб борди.

Ботирга бу ер жуда ёқди. Ҳар кеча ўз атрофига бўш ишчилардан бир гуруҳини йиғиб, Москва ёнида немисларнинг қандай тормор қилингани, Сталинград жанглари, ўзи қатнашган разведкалар ва Қодирали деган бир ҳамқишлоғининг оғир яралар бўлиб, санитар поездда ўлгани ва бошқа яна кўп нарсалар ҳақида суҳбатлар ўтказди.

Шодмон полвон блан Халил Расулев ҳам, ўз навбатларида, Ботирга, Ўзбекистонга қилган яқиндаги саёҳатлари ҳақида — металлургия заводи қурилаётган Бекобод шаҳрида Фарҳод ГЭС қурилишида бўлганлари, ўртоқ Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати, урушнинг биринчи кунларидаёқ кўчириб келтирилган ҳарбий заводларни тамоша қилганлари, хусусан, Ботирнинг ўз колхозида уюштирилган зиёфат ва буларга берилган турли совғалар ҳақида гапириб бердилар. Ботир ҳамма нарсадан ҳам, Шод-

мон полвоннинг қандай қилиб пўлат қуючи бўлиб қолганига қизиқиб кетма-кет сўроқлар берабошлади.

Тўфахон блан Ботир ҳар кун учрашиб турар эдилар.

Бир кун, июль ойининг ўрталарида, дам олиш куни улар Шодмон полвон, Халил Расулев, Иван Павлович, Оля Протасова ва Зайнаблар блан шаҳар ташқарисига чиқиб дам олиш, кўлда қайиққа тушиб саёҳат қилиш ва ош қилиб еб қайтиш маслаҳатини қилдилар. Эртагиси кун барвақт ош масаллиҳларини олиб шаҳардаги трамвай остановкаларидан бирида тўпландилар. Трамвай блан шаҳар чеккасига чиққач, яна бир-икки километр пиёда юриб, соат ўн бирларда кўл бўйига етиб бордилар.

Кун энди қизиб борар эди. Чўмилучилар жуда оз бўлиб, фақат кўлнинг ўрталарида уч-тўртта сузиб юрган қайиқчаларгина кўринар эди. Фақат ўнг ёқда, тепасида қуёш кўтарилиб келаётган ўрмон томонда, беш-ўнта ўқувчилар қичқиришиб, бўялган катта кафтокни бир-бирларига отишиб ўйнамоқдалар. Чап томонда эса, кўмкўк дарахт баргларига ўралган қайиқ станциясининг кичкина биноси ёнида уч-тўрт йигит навбат кутиб туришмоқда эди.

Булар шу томонга бориб, кўл бўйидаги катта қайин дарахтлари соясида жой қилдилар. Ҳамма дарров ўзига яраша иш топти. Шодмон полвон енгларини шимариб, ерда ётган ғиштлардан ўчоқ ясади. Халил унга ёрдам берди. Иван Павлович ёнбошлаган ҳолда, папиросини тутатиб завқ блан атрофини тамоша қилар эди. Ботир, Тўфахон ва Оля ўтин териб келгани ўрмонга кетишди. Оля, булар ёзилиб гапиришсин дея Ботир блан Тўфахондан нарироққа қочишга бирнеча марта уриниб кўрса-да бўлмади, Тўфахоннинг астайдил хафа бўлганини сезиб, яна кулиб-кулиб қайтиб келди.

— Йўқ, ўртоқжон, биласанми, мен нима учун сендан қочаяпман?.. — Кулиб Тўфахоннинг яқинига келди. — Сендан яширадиган бир сирим бор... Тўғри, бир вақтлар сиримизни бир-биримиздан яширмасликка шарт қилган эдик... Аммо, кечирасан, бу сир менда кечагина содир бўлди, буни ҳали ўзим ҳам яхши тушуниб етганим йўқ... Шунинг учун бироз холи юргим келаяпти...

Бу гапни эшитиб ҳайрон бўлган Тўфахон бирдан тўхтаб қолди ва ўртоғининг кўзларига термилиб кулди.

— Менингча ундай эмас, сен ҳозир ўз сирингни менга айтгинг келиб турипти... Шундай эмасми?..

У ўзини Олянинг устига ташлаб, уни маҳкам қучоқлаб олди.

— Хўш, қандай сир экан мендан яширадиган?.. — деди Тўфахон.

Оля кулиб бир нафас Тўфахонга қараб турди.

Ботир ўнғайсиз бир ваз'иятда қолди. Нима қилишини билмай, у ер, бу ерда ётган қувроқ шохларни йиғиб, бир ерга тўплайбошлади, аммо Оля унга қараб шундай деди:

— Ботир ака, сиз менинг сиримни эшитишни истамайсизми?

Ботир баттар ўнғайсизланди, қўлидаги бир шохни кўтариб, улар яқинига келди. Оля аввал Тўфахонга, сўнгра Ботирга бир қаради-да, югуриб иккаласининг ўртасига ўтиб олди ва икки қўлини иккаласининг кифтига қўйиб шундай деди:

— Дўстларим! Мени табриклашларинг мумкин... Мен эндиги ҳафта Москвага ўқишга кетаман!.. Сан'ат институтига.

— Сан'ат институтига? Ростданми, Олечка?..

Тўфахон қувонганидан кўзларини катта-катта очиб юборди, ўртоғининг шодлигига шериклашиш учун бирорта лойиқ сўз тополмас эди. У кучли ҳаяжон ичида Оляни қучоқлаб ўпабошлади.

— Москвагами? Сан'ат институтига-я? — чиройли кулиб Олянинг кўзларига термилди, — табриклаймиз! Табриклаймиз, Олечка. Демак келажакда қандай киши бўлишинг аниқ... Мен сени жуда яхши кўраман...

— Хўш, — деди Оля, — энди сен ҳам очиғини айт, бундан кейин нима қилмоқчисизлар?..

— Бизми? — деди Тўфахон ва бирдан Ботирга қаради, — билмадим... Бу саволга Ботир акам жавоб берақолсинлар.

Ботир индамай ерга қаради.

Булар ўрмондан чиқишлари блан Тўфахон бор овози блан қичқириб Шодмон полвон томонга югуриб кетди. Орқасидан югурган Оля унинг нима деяётганини яхши тушунмай қолди. Тўфахоннинг овозидан, мудраб ўтирган Иван Павлович чўчиб кўзини очди ва тирсагини ерга тираб, чопиб келаётган қизга қараб қолди. Катта тош салқинида ўтиришган Зайнаб блан Мустафо Ризаев ҳам ўринларидан туриб буларнинг яқинига келишди.

— Ўртоқлар, — деди баланд овоз блан Тўфахон, — биз бугун Оля Протасовани табриклашимиз керак!.. У яқинда Москвага ўқишга жўнайди, Москвага...

— Ҳа, ҳа, шундайми, — ўчоқ бошида эшитиб турган Шодмон полвон югуриб келди, — бўлмаса, мана бу ёққа ўтиб ўтиринглар, — у қўли блан майса устига тўшалган шолчани кўрсатди, — бизнинг палов пишганча мана шу винодан бир стакан-бир стакан, қизим Оляхоннинг соғлигига ичайлик!..

Бу таклиф ҳаммага ма'қул бўлди шекилли, бирдан кулиб юборишди. Тўфахон алланарса деган эди, кулги ичида яхши эшитилмай қолди. Заводдаги драм тўгаракда Олянинг ўз ролини қандай яхши ижро қилганини ва сан'ат ишига қизғин ҳаваси борлигини ҳамма билар эди. Шунинг учун унинг Москвага ўқишга боришини табриклаб, муваффақият тиладилар.

Шодмон полвон дарров шолча устига дастурхон ёзди ва бир шиша вино блан бир-икки банка балиқ консервасидан очиб, тўрвадан кружкасини чиқарди.

— Мана, мен тайёрлаб қўйдим, — деди у дастурхонни кўрсатиб, — марҳамат қилишларингни сўрайман!..

— Бундай ҳолда, — деди биринчи бўлиб ўтираётган Иван Павлович, — бизнинг одатимиз бўйича «бизнинг чайлага марҳамат қилинсин!» дейилади.

Шодмон полвон кулди ва ўз устасининг сўзини такрорлади:

— Қани, бизнинг чайлага марҳамат қилинсин!

Ҳамма кичкина дастурхоннинг атрофини ўраб ўтиришди, кўпчилик ичида ўзининг йўғон гавдаси блан ажралиб турган Шодмон полвон кружкага вино қуйиб Оля Протасовага узатди:

— Ичинг, синглим. Биз сизнинг яхши артистка бўлиб етишишингизни умид қиламиз!

Оля бирдан қизариб кетди ва вино тўла кружкани олиб, ундан бир қулт ичди-да, секин Тўфахонга узатди.

Ҳамма одатдан ташқари хурсанд эди. Фақат Ботир хаёл ичида индамай, ба'зан улфатларнинг қувноқ руҳини туширмаслик учун, умумий кулгига қўшилиб қўяр эди.

Вино ичилиб бўлгандан кейин, Шодмон полвоннинг палови пишганча, ҳаммалари қайиқларга тушиб саёҳат қилмоқчи бўлдилар. Ботир, Иван Павловичнинг билагидан секин ушлаб унга деди:

— Отахон, қайиқда биз блан бирга саёҳат қилишингизни сўрар эдим.

— Йўқ, ўғлим, мени кечирасан, мен шу ерда қолмоқчиман... Мана бу кўмкўк майса устига ётиб бироз дам олай, ўзларинг бораверинглар...

— Отахон...

Иван Павлович Ботирга қараган эди, унинг кўзларида аллақандай ма'юсликни кўриб ҳайрон бўлди.

— Отахон, менинг сизга бир катта илтимосим бор эди.

— Қайиққа тушишми?..

Иван Павлович кулди.

— Йўқ, бошқа нарса...

— Ҳа, ҳа. Ундай бўлса, сен ҳам қолақол. Халил бу қизларни қайиқда айлантириб келади. Биз бу ерда иккимиз тинч гапришамиз. Ўтир. Қўй, булар саёҳат қилиб келишсин.

— Ҳа, майли, — деди Ботир ва Иван Павловичнинг ёнига ўтирди, — айланиб келишсин.

Аммо Халил қайиқда сузишни билмас эди...

Ботир ўрнидан ирғиб турди ва Иван Павловичдан кечирим сўраб, Тўфахон яқинига борди. У пичирлаб Тўфахонга алланарса деди, сўнгра кулиб унинг блан хайрлашгандай қўлини силкиб, Иван Павловичнинг ёнига келди.

Ҳар иккаласи ҳам анча вақтгача индамай, кўл бўйида қайиқларга тушаётган одамларга қараб туришди: Мустафо Ризаев блан Зайнаб бир қайиққа; Халил, Тўфахон ва Оля иккинчи қайиққа тушиб жўнадилар. Тўфахон буларга қараб икки марта қўлини силкиб қўйди.

— Хўш, ўғлим, гапир-чи, менга қандай илтимосинг бор эди? —

сўради Иван Павлович қирғоқдан анча узоқлашиб кетган қайиқлардан кўзини олиб.

Ботир ҳам жойлашиб ўтириб олди ва бир пас ўйлаб туриб секин деди:

— Отахон, менга иш ўргатсангиз...

— Иш? Нима, иш қилишни билмайсанми? — сўради Ботирнинг мақсадига тушунаолмаган Иван Павлович.

— Иш қилишни-ку биламан, — деди ўша ваз'иятда Ботир, — аммо...

Шу вақтда бирдан кўл ичидан қизларнинг кулгиси эшитилди. Буларнинг иккиси ҳам жим бўлиб кўл ичида сузиб бораётган қайиқларга қарашди: Мустафо Ризаев, қайиқни зўрға-зўрға ҳайдаб бораётган Халил блан ўйин қилар эди.

— Хўш, «аммо»? — Савол назари блан Ботирга қаради Иван Павлович.

— Бу ерда келинингиз Тўфахон...

— Биламан. Менинг шогирдим. Сенинг тўғрингда ҳам биламан.

— Мен ҳам шу ерда қолиб уруш тамом бўлганга қадар ишласам деган эдим. Ўзингизга шогирдликка қабул қилиб, менга ҳам токарьлик ҳунарини ўргатсангиз? Тўғри, мен, аввал Мартин цехига ёки темирчиликка киришни ҳам ўйлаган эдим, броқ оёғимдаги яра ҳали тамом тузалиб кетгани йўқ, оғирлик қилиб қолмасмикан деган хаёл блан бу фикрдан қайтдим. Ундан кейин, уруш тамом бўлгач, мен колхозга қайтаман. Қолхозларга ҳам ҳозир токарьлар жуда керак. Бизнинг колхозимизнинг алоҳида устахонаси бор.

— Демак, ўғлим, мақсадингга тушундим. Бошқа сўзларнинг кераги йўқ, — деди Ботирнинг юзига жиддий қараб Иван Павлович, — менинг сезишимча сен бу сўзларни сидқидил гапираяпсан, ҳунарга қизиқишинг зўр кўринади. Жуда яхши. Қол. Уруш тамом бўлганга қадар ишла, сўнгра Тўфахонинг блан бирга юртларингга қайтиб кетасизлар. Майли, сени мен ўз цехимга олишим мумкин. Эртага директор блан гапиришиб кўрай.

— Раҳмат, отахон. Ундай бўлса, мен сизга ишонаман, — деди Ботир.

— Хотиржам' бўлавер, ўғлим, — деди унинг елкасини қоқиб Иван Павлович, — мен энди анча қариб қолдим, дун'ёда кўп кишиларни кўрганман. Мана энди сенинг блан учрашиб турибман. Ҳали сен учун раҳматга арзирлик бирор иш қилганим йўқ. Ундан кўра, ана у палов пишираётган пўлат қуючига бориб бироз ёрдам бер, бир ўзи шошиб қоладиганга ўхшайди.

Бир соатдан кейин ҳаммалари кўм-кўк майсага тўшалган шолча устида давра олиб ўтирдилар. Дастурхон устидаги чош-чош қилиб ош сузилган лаганлардан буғ кўтарилар эди. Ҳамманинг кўнгли хурсанд ва руҳи баланд эди. Шодмон полвон Иван Павловичга қўл блан ош ейишни ўргатди, лекин у қўлидаги сиқиб олган бир ошам ошни тўкмасдан оғзига олиб боришнинг ҳисобини тополмади, қўлини артиб, яна қошиқ блан еябошлади.

Тўфахон Ботирнинг юзларида ҳаракат ва сўзларида бошқача бир ўзгаришни кўрди: энди унинг ўйчан ва ма'юслиги йўқолиб, кулишар, қаттиқ-қаттиқ сўзлашар ва хазиллашар эди. Буни кўрган Тўфахон ҳам жуда хурсанд бўлиб кетди.

— Хўш, биздан яшириб нима гапиришдинглар? — сўради Тўфахон Ботирдаги ўзгаришнинг сабабини тезроқ билгиси келиб.

— Гапиришдик-да!

— Айта қолинг, нима тўғрисида?

— Сабр қилинг. Кейин айтиб бераман.

III

Роса икки ҳафтадан кейин Оля Протасова Москвага жўнаб кетди.

Уз ўртоғини поездга солиб жўнатган минутдан э'тиборан, ёлғизлик сезган Тўфахон юрагининг бўшаб қолган бир томонини тўлдириш учун, Ботир блан жуда тез-тез учрашиб турадиган бўлиб қолди. Иш вақтларида ҳам, бўш вақтларида ҳам, овқат қилиб олиш учун бериладиган танаффус пайтларида ҳам улар доим бирга эдилар.

Иван Павлович блан учрашганларининг эртагисиёқ, Ботир, Тўфахон ишлайдиган токарьлик цехига кириб иш бошлаган эди. Кечқурунлари ҳам, биринчи сменадан кейин, Тўфахон овқатланиб келиб, токарьлик цехидан тайёр деталларни бошқа цехга ташиётган пайтларида ҳам, булар бир-бирлари блан кўришишлари ва гапиришиб туришлари мумкин эди. Фақат ярим тунда, иккинчи смена тамом бўлгандан кейингина, булар завод дарвозаси олдида, нонлож, бир-бирларидан ажралишар эдилар, чунки Ботир ҳали ҳам меҳнат армиясидаги ишчилар турадиган баракда, Тўфахон эса, Серафима Ильиничнаникида турар эди.

Тўфахон Ботир блан бир цехда ёнма-ён ишлар экан, унинг уқувига ва зеҳнига қойил қолмасдан иложи йўқ эди, чунки Ботир ҳунарни жуда яқиндан бошлаб ўрганишга киришганига қарамасдан, токарлик ишининг ҳамма процессларини жуда яхши ўзлаштириб, чертёжларни ҳам Тўфахонга нисбатан тез фурсатда ва пишиқ ўрганиб олди. Резец унинг қўлларида, ғижирламай, текис айланиб ҳарқандай йўғон темирдан қалин-қалин кесмаларни худди сариғ ёғдай кесиб олар эди. Айниқса, Иван Павлович буни кўриб жуда хурсанд бўлди. Чунки Ботирнинг жуда яхши токарь бўлиб чиқишига қат'ий ишонган эди.

Ба'зан, Иван Павлович иш блан бир ёққа чиқиб кетган гезларида, Ботирнинг станогида бир ҳодиса юз бериб қолар эди, (бу шундай вақтда айни муддао эди) Тўфахон унинг олдига югуриб келар, аммо у ҳам нима қилишини билмай, бир-бирига қараб кулишиб, ҳазиллашиб кетишар эди. Ба'зан эса Тўфахон:

— Мана бу мурватни бураб кўринг, унисини бўшатиб кўринг, деб маслаҳат берганда, ба'зан тузалиб ҳам қолар эди.

Шундай вақтларда, Ботир Тўфахоннинг ёрдамга келганида жуда уялиб, қизариб кетар эди. Кейин-кейин эса, у ўз ишида анча нарсани билиб қолганини, ҳатто Тўфахон ҳалига қадар билиб улгурмаган машинанинг бошқа «сир»ларини ҳам ўрганиб олганини кўрсатиб, уни қойил қиладиган бўлиб қолди.

Столовойда овқат вақтида бўлмасин, хоҳ цехда бир минут-ярим минут учрашув пайтида бўлмасин ва хоҳ эрталаб завод эшиги олдида бўладиган биринчи учрашув пайтида бўлмасин — ҳарбирида ҳам гапиришиш учун янги-янги гаплар топилиб турар эди.

Ишга кирганининг учинчи ойидаёқ, ўз олдида мустақил ишлай бошлаган Ботир, олти ой деганда, шундай қийин ва мураккаб деталларни жуда силлиқ қилиб йўнадиган бўлиб қолган эдики, Иван Павлович бундай нозик деталларни ҳарқанақа устага ҳам ишониб топширабермас эди. Бу орада Ботирни военкоматга чақириб, отпускасини яна олти ойга суриб бердилар. Иван Павлович энди унинг блан ўйнашар, кулишар, «тўйни қачон қиласан? Мени ҳам айтасанми?» дея ҳазиллашар эди. Ахир буларни ўз боласидай кўриб қолган бу меҳрибон чол ҳар иккаласига ҳам яхши ҳунар ўргатди, турмуш йўлида маҳкам оёққа турғизди, энди эса, буларнинг тўйини кўришни ва уруш тамом бўлиши блан ҳар иккаласини ҳам ўз юртига, Ўзбекистонга омон-эсон жўнатишни орзу қилар эди.

Ботир бир кун, Иван Павловичнинг ҳазил қилаётганини сезиб турса-да, ҳақиқатан тўйимизни шу ерда, Свердловскида ўтказа қолсак ҳам бўлади-ку, деган фикрни бошидан кечирди... Уйга қачон қайтишлари ҳали ма'лум эмас!.. Агар, башарти шундай қилинса ва бу тўғрида ота-оналарига хат блан ма'лум қилинса, я'ни биз ўз хоҳишимиз блан тўйимизни шу ерда ўтказишга қарор қилдик, сизлар учун яна иккинчи катта тўйни омон-эсон борганимиздан кейин қишлоқда ўтказамиз, дейилса, улар ҳам албатта, хафа бўлишмас...

Уларнинг бу қарори амалга ошуви ҳам мумкин эди, лекин шу орада тўсатдан бир қайғили ҳодиса юз бериб қолди.

Тўфахон уйидан жуда кам хат олар эди, кўп деганда, бир ойда икки марта. Бунинг сабабини ўзи яхши тушунар эди, я'ни уйларида ўзидан бошқа ака-укаси йўқ, онаси Хайри опа эса чала савод, қизига тез-тез хат жўнатиб туриш учун бошқа бирор кишига ёздириши керак, қишлоқдаги ҳарбир саводхон унинг бу сўровини бажаришга тайёр бўлса-да, ўзи жуда тортинчоқ, бировни ортиқча ташвишлантиришга ботиналмайдиган хотин. Отасининг эса, саводи йўқ. Ҳали ҳам шунчалик қилиб, ҳар ойда келадиган хатларини ўз вақтида юбориб туришипти. Бу томонларни ўйлар экан, Тўфахон улардан ҳеч хафа бўлмас ва гина ҳам қилмас эди. Аммо ўзи тез-тез хат ёзиб турар, тўрт-беш хатига битта жавоб келганда ҳам жуда хурсанд бўлиб кетар эди.

Аммо у сўнгги вақтда турли ваҳмаларга тушабошлади, чунки кейинги мана шу уч ой ичида уйидан бирорта ҳам хат келмади.

Шу кунларнинг бирида, Тўфахон эрталаб ишга кетай деб турганида, тўсатдан, унга бир телеграмма келтириб бердилар: «Онанг оғир касал, тез етиб кел. Отанг Нурмат Хўжаев.» Тўфахон ҳайрон бўлди, у, Ботир блан маслаҳатлашиб, ҳали бирор қарорга келганлари ҳам йўқ эди, эртаги яна бир телеграмма келди: «Онанг вафот қилди».

Бу хабар ёлғиз Тўфахонгагина эмас, ҳаммага қаттиқ та'сир қилди.

Энди унга жавоб бермасдан илож йўқ эди. Ботир токарьлик станогида Тўфахоннинг нормасини бажаришни ҳам ўз устига олди.

Икки кундан кейин Тўфахон кечқурун Ботир блан станцияга чиқишди.

Улар станцияда поезд кутиб анча турдилар. Ба'зан иккиси ҳам жим бўлиб, беихтиёр, ўз хаёллари оқимига берилиб кетар эди. Тўфахон, чироғлар шу'ласида ярқираб турган вагон изларига қараб, онасини ва ёлғиз бўлиб қолган отасини ва гоҳо, бундан икки ярим йил аввал, мана шу станцияда, мана шу темир излар бўйлаб югуриб Ботирни ахтарганини эслаб кетар эди.

— Ботир ака, — деди секин Тўфахон, — Серафима Ильинични-каникига бориб туринг. Уни эсингиздан чиқариб юборманг.

Ботир индамади.

Биринчи издан жуда шиддатли равишда келган поезд блан станция саҳни тўлиб кетгандай бўлди.

— Ҳали, цехда ўртоқларим блан хайрлашаётганимда, — деди Тўфахон Ботирнинг диққатини ўзига тортиб, — бечора Иван Павлович, менинг кўнглимни кўтармоқчи бўлдими, узоқ қўлимни қўйиб юбормай, ўзбекча қилиб «хайр, хўш» деди, аммо кўзига ёш олди. Одамнинг яхшиси шундай бўлади-да.

Орадан сал вақт ўтмай, йўловчиларга поездга чиқиш э'лон қилинди. Станция саҳнида яна одам кўпайган ва шовқин-сурон кучайиб кетган эди.

— Эрта эрталаб цехга киришингиз блан Иван Павловичга мендан салом айтинг, — деди Тўфахон вагонга етканда. Ҳамма вагонларга чиқиб жойлашган эди.

Ботир хайрлашар экан, ундан сра ажралгиси келмас эди. Юраги нечундир бирдан тез-тез уриб кетди. Беихтиёр қизни ўзига тортиб юзидан тўйиб-тўйиб ўпти...

— Хайр, Ботир ака... Мен сизни кутаман... У ёқда... Қишлоқда...

ЭПИЛОГ

Орадан ўн уч ой ўтди.

1945 йилнинг сентябрь ойи. Даҳшатли урушни ғолибона тамомлаб, душманга қарши олиб борган қизғин жангларнинг ҳарорати босилмаган улуғ Ватанимиз, шу кундан э'тиборан меҳнатчан ва меҳрибон она сингари, ўз фарзандларининг бахти-саодати учун ўзининг тинч меҳнатига киришган эди.

Жанг майдонларидан қайтган солдатлар колхозларда, завод-фабрикаларда ва ҳарким ўзи истаган жойда ўз вазифасини бажаришга киришди.

Бир кун, эрталаб Сталин номли колхоздан бир ярим тонналик машина шаҳарга томон жўнаб борар эди. Унинг тахталари янгигина ювилган ва кўмкўк дарахт шохлари ва алвонлар блан безатилган эди. Машина устида жужинча кастюм ва янги чуст тўппи кийган колхоз раиси Жалилов; ҳар иккиси ҳам бир хилда оқ яктак кийган Нурмат ота, Собир ака ва сочларини қўқон тўпписининг айланасига чамбарак қилиб олган, ҳаворанг крепдишен кўйлаклик Тўфахон бор эди.

— Хайр, хайр, — дея қўл силкишар эди далада пахта тераётган колхозчилар.

Машинада ўтирганлар ҳам индамай, фақат бошларини қимирлатиб кулиб жавоб қилар эдилар.

— Кечикмадингми, Тўфахон? — сўради колхоз раиси шаҳарга бирор километр масофа қолган вақтда, — поезднинг келиш вақтини аниқ сўраганмидингиз?

— Ҳа, кеча справка бюросидан аниғини сўраганман. Поезд ўз вақтида, ўн яримда, келади, деган, — Тўфахон билагидаги соатига қаради, — ҳозир соат ўн! Унинг овозидан ҳаяжон ичида экани сезилиб турар эди.

Машина станция яқинига келиб тўхтади.

Станция саҳнида одам ниҳоят кўп эди. Бинолар, деворлар худди байрамдагидай доҳиларнинг суратлари, шиорлар, гуллар блан безатилган эди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Уралдан, меҳнат армиясидан қайтиб келаётган меҳмонларни кутмоқда эдилар.

Баланд кўтарилиб бораётган қуёшнинг ёрқин нурлари, гуллар, одамларнинг кулган очиқ чеҳралари, гаплар, кулги товушлари, Тўфахоннинг ҳаяжонини баттар ошириб юборди.

Ў вагон изининг яқинига бориб, қўлини қошлари устига қўйган ҳолда, поезд келадиган томонга қараб-қараб қўяр эди.

Орадан сал ўтмай, одамлар ўртасида жонланиш пайдо бўлди.

— Поезд келаяпти! — деган овозлар чиқабошлади. Ҳамма бирдан ўша томонга қаради.

Шу вақтда кимдир Тўфахон блан саломлашиб кўришди, лекин қўл бериб кўришган Тўфахон у кишининг ким экани ва қаерда кўрганини ўнғароломай қолди, чунки унинг бор диққатини станция саҳнини ёриб келаётган «ФД» паравози ўзига тортган эди. паровоз гуллар ва қип-қизил алвонлар блан безатилган ва олди томонда ўртоқ Сталиннинг портрети бор эди.

Поезд юришини секинлатди.

Ҳар вагоннинг очиқ эшикларида тикка турган, ғалаба блан уйларига қайтган меҳнат армиясининг азамат жангчилари кулишиб, пастдаги одамларга қўл силкишар эдилар.

Ҳаяжон ичида юраги тез-тез уриб турган Тўфахон, ўтиб бораётган вагонлар эшигида турган одамларни кўздан кечирар экан, негадир оёқлари титраб ва қўллари бўшашиб борар эди. У бирдан беихтиёр яқинлашиб келаётган вагонлардан бирига қараб қичқириб юборди.

Вагон секин-секин ўтиб бормоқда. Вагон эшигини ушлаб, беқасам чопон кийган Ботир ҳамманинг олдида турар эди. У кулиб, пастдаги одамларни диққат блан кўздан кечириб ёнида тикка турган Серафима Ильиничнага алла нарсаларни гапирмоқда эди.

Уларнинг орқасида пўлат қуючи Шодмон полвоннинг улкан гавдаси кўринди. У, станциядаги одамларни кўздан кечирар экан, мийиғида кулиб, мўйловини секин силаб қўйди.

— Ботир ака!.. Ботир ака!.. — пастдаги одамлар ичидан Тўфахоннинг овози эшитилди. — Серафима Ильинична!.. Салом!..

Поезд тўхтади... Тўфахон вагон эшиги тегига югуриб борди.

Ботир пастга қарар экан, унинг кўзи Тўфахонга ва унинг орқасида турган Нурмат ота, Жалилов ва отасига тушди. У бирдан вагондан пастга сакради ва уларнинг қучоғига отилди.

Тамом.

АСҚАД МУХТОР

Ч О Л

Дарғоннинг* саҳрога туташ четида
Гўё маёқ бўлиб зўр денгиз узра —
Кўп йиллардан бери турарди ёлғиз
Пастак бир айвонли қумшувоқ ҳужра.
Кўп йиллардан бери шунда яшарди
Мукчайган, яккабош чегачи Ниёз.
Колхоз подасини боқиб юрадиган
Пучуқ нэвараси бор эди, халос.
Асли деҳқон эди, миршикор эди,
Кетманга ярамай қолдию бели —
«Эски эрмагингиз, қилинг» деди раис,
Чегачилик қилар ўшандан бери.
Севар бу касбин ҳам, савобли касб дер,
Элнинг юмуши кўп, вақт етмайди гоҳ,
Ҳужрага келгучи ёлғизоёқ йўл
Кўп серқатнов эди ўсмасди гиёҳ.
Бўйрадан соябон қилиб олган у,
Жазирама кунда терлаб пишар чол.
Атрофида доим уюм-уюм идиш,
Синиқ чойнак, чинни, пиёла, сопол...

* * *

Бир кун ўлтирарди чиннисин ямаб,
Чиз-чиз тортар эди камонни.
Бирдан шовқин-сурон турди саҳрода,
Булутдай чанг босди жануб томонни.
Чанг изидан чиқди «қўнғиз» машина,
Чол бир четга қўйди олмас пармасин,
Машин ўтаберди тўхтар-тўхтамас,

* Хоразмда бир қишлоқ.

Машиндан чиқарди биров калласин.
Юз-кўзин чанг босган бу йигит
Нимадир айтмоққа шошилди:
— Ҳой, отахон, ҳорманг, уй сизникими?
— Биздики, хушкепсиз, яшулли.
— Бу уй бузилади, хабардормисиз?
Иродага боринг, тушинтиради.
— А, а? Эсинг борми, нима деганинг?
Чол ғудуллаб қолди, титради.
Ғазабланиб, ла'натлай кетди у,
Падари, арвоҳи, гўри қолмади.
Аллақачон жўнаб кетди машина,
Аммо чол тилини тўхтатолмади.
— Ҳай, кимсан сен, уйни бузадиган?
Бу уйда бобамнинг бели букилган.
Саксон йил турганман бу ҳужрада мен,
Менинг киндик қоним шунда тўкилган.
Ҳай, сен кимсан ўзинг, уй бузадиган!
Бузиб бўпсан, ука, ҳазилмиди бу.
Ҳукуматга чиқиб бир арз қилайки,
Адабингни берсин! Сени қараю...

* * *

Бир кун яна келди «қўнғиз» машина,
Худди ўша жойнинг ўзига.
Кабинадан ўша йигит чиқиб,
Қўлини соябон қилди юзига.
Қараса, ҳалиги уйдан дарак йўқ,
Ниёз чол тупроқни текислаяпти...
Югурасолиб қучди йигитни у:
— Болам, чучинмабман у кунги гапти,
Чол одамман, хафа бўлма, ўғлим.
«Берди»син эшитмай ураберибман.
Икки кундан бери йўлингга чиқиб,
Узр сўрайин деб қараб турибман.
— Ким бузди, отахон, уйни, ўзингизми?
— Ҳа ўзим. Ўша кун сен кетгандаёқ
Ҳовлиқиб неварам келди ёнимга,
У бундай гаплардан хабардорироқ.
Темирйўл келаркан, деди, Тошкентдан,
Худди ҳовлимиздан ўтаркан деди.
Азбаройи худо, теримга сиғмабман,
Сал бўлса юрагим ёрилар эди.
Шодлигимдан кетманни олдиму,
Шартта-шартта бузиб ташладим.
Ишқилиб рост бўлсин, укажон, шу гап,

Кўп қадим орзу бу, кўп қадим.
— Ота, уй қуришга не керак, айтинг?
— Йўқ, асло! Жойини кўрсатсангиз бас.
Ўн-ўн минг ғишт қуйиб қўйибман,
Уйни ўзим буздим ахир, сиз эмас.
— Йўқ, гап ундай эмас, — деди у йигит, —
Нима сўрасангиз, берамиз, тайёр.
Чол ўйлаб турди-да, ялбаргандай деди:
— Ундай бўлса, бир илтимос бор.
Темирйўл ўтиши рост бўлса агар,
Ўғлим, ўзгинангдан бир илтимос бор:
Мени чол демагин, белга қувват кирди,
Ҳашарга айт, болам, қолдирма зинҳор.

Январь, 1948 йил

ТУРОБ ТЎЛА

С И З Г А

(Фарҳод ГЭС қурувчиларига шеърий нутқ)

Марҳабо одамзод!
Хорманг,
Бор бўлинг,
Катта шаҳар қуриб,
Қуриб шаҳри-нур!
Ҳаққингиз бор сизнинг азиз,
азаматлар,
Одам минбарида турмоққа мағрур.

Бу мўжизаларни сиз яратдингиз,
«Одамнинг қўли гул» деганлари рост!
Энди табиатнинг ўзи сиз қилган, —
Қилаётган ишга қўйди ихлос.

Бизни мафтун этган кўҳна чаманлар
Энди мафтун бўлиб келади ўзи.
Рўзини сотади рўшнолиққа,
Келади!
Шу ерда санъатнинг кўзи.

Бу чўлга келади бўстонлар, боғлар,
Чўлни ёритгали нур ҳам келади.
Пахта ундиргали бу Мирзачўлда
Синаси ёрқираб Сир ҳам келади.

Ҳарбир симёғочга қўнади юлдуз,
Фарҳоддан чиқади эртанги қуёш,
Келажак миннатдор бўлиб сизлардан,
Қўяди муборак изингизга бош.
Солқи-солқи бўлиб тортилган йўғон —
Симлардан оқади хонангизга нур.
Умрбод сизники бу иш,
бу сан'ат,
Бу улуғ иншоат,
бу ҳусн, ғурур!
Чунки, Сиз бўласиз чўлни бўстонга,
Сув қувватин нурга айлантиралган.
Чунки, сиз бўласиз азим дар'ёнинг —
Қалбидан қудратин тортиб ололган.

Қимирлаган эрнинг қир ошмоғи ҳақ,
Бу қир, бу саҳролар писандми Сизга!?
Ватан муҳаббати,
элнинг ҳурмати.
Шоир мадҳиячи муносиб сизга!

Беговод

САИДА ЗУННУНОВА

ИККИ ШЕ'Р

I

Қолхозига ёрдамга бориб,
Уникида бир кун тунадим,
Таклиф этган эди уйига,
Йўқ демадим, мен ҳам унадим.
Биз даладан қайтганимизда,
Секин кокил ёзар эди тун.
Унда-мунда оппоқ, буралиб,
Мўрилардан чиқарди тутун.
Янги битган бир уйга кирдик,
Парилларди Ильич чироғи.
Уй ортида бор эди яна,
Шинамгина мевазор боғи.
Суҳбатлашдик узоқ иккимиз,
Эди бирам дилкаш ва қувноқ,
Ўттизда бор ёши кўп бўлса,
Ўрта бўйли, кулча юзли, оқ.
Дейди: — бултур олган пулимга,
Шу уйимни солдим бемалол.
Муродига етаркан киши,
Меҳнат қилса, тер тўкса ҳалол.
Шундай режа ўйлаб юрибман:
Келгуси йил эрта баҳордан,
Кўрсатганим, ҳу, қўруқ ерга,
Чиқарамиз сувни анҳордан.
Бирам пахта бўлсинки, унда,
Ҳа, кўргани бир йўл келасиз,
Шу йил бўлиб кетар экан-ку,
Олдин ўйлаб кўрмабмиз, эссиз...
Суҳбатлашдик узоқ иккимиз,
Эди бирам дилкаш, камтарин,

Бригадасин режаларини,
Сўзлаб берди бирма-бир барин.

II

Уй жимжит, туш кўриб уйғониб кетдим,
Тишда сутдай ойдин, ғуборсиз, оппоқ,
Тун ярим бўлай деб қолибди, аммо,
Ҳали ҳам пириллаб ёнарди чироқ.
Варақ шитирлади, шу маҳалда ким?
Қарасам: кафтига қўйиб бошини —
Хайрихон ўлтирур, кўзи китобда,
Бироз чимирипти чапки қошини.
Бутун меҳри блан берилган эди,
Кўринар уйқини унутган каби.
Қалбига тизгандек сўз дурларини,
Ба'зи сатрларни такрорлар лаби.
Анча вақт кузатдим сўзсиз, термилиб,
Ўйладим ўқир деб бирон ҳикоя.
Янглишган эканман, у бир китобки,
Энг олийжанобдир ундаги ғоя.
У, шундай китобки, ўқиган саринг,
Энг ноёб фикрлар бўлур ин'оми.
Кўриб қолдим, китоб муқавасига,
Ҳал блан ёзилган Сталин номи.

ГИ де МОПАССАН

ДЎНДИК

Ҳикоя

Тор-мор қилинган армиянинг қолган-қутганлари бирнеча кундан бери шаҳардан ўтмоқда. Булар қўшин эмас, қуролли оломонга ўхшар эди. Солдатларнинг соқоли узун ва пахмоқ бўлиб ўсиб кетган, кийимлари йиртилган; булар тарқоқ ҳолда, байроқсиз, битта-битта қадам ташлаб боришар эди. Ҳаммасининг ҳам руҳи тушганлиги, ўлиб бўлганлиги, на фикр этиш на ҳаракат қилиш қобилияти қолмаганлиги, тўхтаган жойда йиқилгудек бўлиб, беихтиёр қадам ташлаб кетаётганлиги очиқ кўриниб турар эди. Булар орасида ҳарбий тайёрлиги бўлса ҳам ҳарбий хизматда бўлмаган, мол-дун'ёсидан чиққан фойдани еб ётишга ўрганган, милтиқ оғирлик қилиб зўрға бораётган беозор одамлар айниқса кўп эди; салга қўрқадиган ва ҳужумга ҳам, қочишга ҳам ҳар чоқ тайёр мобилилар ҳам бор*, зўр жангда тор-мор қилинган дивизия қолдиғи бўлган қизил шимли солдатлар ҳам онда-сонда кўринади; турли полклардан қолган пиёда аскарлар қаторида тунд юзли тўпчилар пиёда аскарлардан қолишмасликка тиришиб катта-катта қадам ташлаб бораётган отлиқ аскарларнинг ялтироқ каскаси ҳам кўриниб қолар эди.

„Мағлубият қасосчилари", „ўлим кишилари", „ўлим йўлдошлари" деб ваҳимали ном қўйилган эркин дружиналари ҳам ўтар, лекин буларнинг кўриниши худди қароқчиларга ўхшар эди.

Уларнинг бошлиқлари собиқ мовутфурушлар ёки аллофлар, яқиндагина совунми, ёғми сотиб ўтирган, тасодифан ҳарбий ишга олиниб, пулнинг кучи ёки обрўйи орқасида офицер бўлиб, зарҳал погонлар тақилган ҳарбий кийим кийиб, яроғ-аслаҳа осиб олган кишилар бўлиб, энди булар гердайишиб баланд овоз блан уруш планларини музокора қилишар экан, бизнинг кўкрагимиз ҳалоқ бўлаётган Франциянинг бирдан-бир суянчиғи деб вайсашар, лекин вақти келганда, қўл остиларидаги қороқчи, ўғри, шалоқ бўлиб ўтган, ҳаддан ташқари ботир солдатлардан чўчишар эди.

* Халқ лашкарлари.

Пруссаклар Руанга ана киради, мана киради деб турилган пайт.

Сўнгги икки ой ичида кўп эҳтиёт блан қўшни ўрмонларни разведка қилиб турган (булар ба'зан ўз соқчиларини отиб қўйишар, бута орасида қуён қимирлаб кетса ҳам милтиққа ёпишишар эди) миллий гвардия энди уйларига қайтган. Уларнинг яқиндагина ҳамманинг ўтакасини ёрадиган милтиқлари, аскарий кийимлари, ҳалокатлик ярог-аслаҳалари тўсатдан ғойиб бўлди.

Ниҳоят французларнинг сўнгги аскарлари Сена наҳридан ўтиб Понт-Одемер, Сен-Север ва Бур Ашар шаҳарлари орқали кетишди. Генерал ҳаммадан кейинда икки ад'ютанти блан пиёда борарди; унинг руҳи бутунлай тушган ва бир-бирига қовишмай, тўда-тўда бўлиб кетаётган одамлар блан нима иш қилишини билмас эди. Унинг ўзи ҳам, ҳамиша енгиб ўрганган халқнинг, афсонавий қаҳрамонлигига қарамай, батамом тор-мор бўлганлигидан эсанкираб қолган эди.

Шаҳарни сукунат босди, жимжит ва мудҳиш кутиш бошланди. Дўконда ўтириб, семириб ва бор ғайратини йўқотган кўп соҳиб давлатлар ҳатто сих ва катта пичоқларини ҳам қурол ҳисобланишидан қўрқиб, ғолибларни кутишмоқда эди.

Гўё ҳаёт тўхтади; дўконлар ёпилди, кўчалар тип-тинч бўлиб қолди. Бу жимжитликдан ваҳм олган битта-яримта йўловчи, шошганича, буқиниб девор тагидан ўтиб қолар эди.

Кутиш ғоят оғир бўлди, ҳамма душман келса, келақолса эдига тушиб қолди.

Француз аскарлари кетгандан сўнг эртасига кечқурун бирнеча отлиқ аскар пайдо бўлиб чопиб ўтди. Ундан кейин бироз ўтгач Сен-Картин тоғининг ёнбағридан мур-малахдай аскар тушиб келабошлади; Буагийон ва Дарнеталь йўлларидан ҳам аскар ёпирилиб келмоқда эди. Уч корпуснинг авангардлари шаҳар бошқармаси ёнидаги майдончага баробар етиб келди ва бутун ёндош кўчалардан ҳам батальон-батальон бўлиб немис аскарлари келабошлади; солдатларнинг баравар ташлаган қадами остида тошйўл гупиллар эди.

Қулоққа эриш эшитиладиган, бақириб-чинқириб берилаётган командалар, бўм-бўш ва ҳаёт сўнгандай кўринган уйларни бўйлаб ўтар эди. Одамлар дарпардалари ёпиқ деразаларнинг тирқишидан, „уруш қонуни"га кўра шаҳар ва унинг мол-жонига эга бўлган ғолибларга қарар эди. Қоронғи уйларга кириб олган обивательлар гўё инсоннинг ақли ва қудрати ожиз бўлган табиий ҳалокат, ер блан яксон қилучи геологик ўзгаришлар олдида турганда пайдо бўладиган бир қўрқув чангалида эди. Бундай ҳис ҳамиша одатдаги тартиб бузилганда, хавф-хатардан омон қолиш умиди йўқолганда, инсон ёки табиат қонунлари сақлаб турган ҳамма нарса, ма'носиз, кўпол ва беомон бир куч қўлида қолганда бўлади. Шаҳар халқини қулаган бинолар тагида ҳалок қиладиган зилзила, ғарқ бўлган деҳқонларни қорамол ўлиги ва иморат ёғочлари блан бирга оқизиб кетадиган сув тошқини нимаю мудофаа қилучиларни қириб, қолганларини асир олиб ўз қурол кучи ша'ни-

га халқни талаб, замбараклар гумбурлаши остида худога шукур қилиб бораётган армия нима—буларнинг барчаси инсонни кўкдан бўладиган адолат ва ҳимояга бўлган э'тиқодини емируччи бир фалокат.

Мана, аскарлар тўда-тўда бўлиб эшик қоқиб, сўнг уйларга ҳам кирабошлади. Ёв босди, оккупация ҳам бошланди. Мағлублар учун ғолибларга яхши муомалада бўлиш деган янги вазифа туғилди. Бирқанча вақт ўтгач аввалги ваҳмалар босилиб, яна осойишталик пайдо бўлди. Кўп оилаларда прусс офицерлари бир дастурхонда ўтириб овқат ейдиган ҳам бўлишди. Ба'зилари анча тарбия кўрган одам бўлиб, назокат юзасидан Франциянинг ҳолига ачинар ва бу урушда қатнашишлик мен учун оғир дейишар эди. Бундоқ одамгарчилиги учун ундан миннатдор бўлишар эди; ҳарчоқ унинг ҳимоясига муҳтожлик туғилиб қолиши ҳам бор-да. Унга хушомад қилиш орқасида бирнечталаб ортиқча солдат туришидан қутилиш мумкин. Ҳа, ўзинг бутунлай мути' бўлган бир одамнинг жиғига тегишнинг нима ҳожати бор? Бу ботирлик эмас, телбалик бўларди. Телбалик минба'д Руан соҳиб давлатларининг камчилиги эмас, бу улар қаҳрамонлик блан мудофаа қилиб шаҳарнинг номини чиқарган замонда камчилик деб ҳисобланар эди. Бунинг устига ҳарким ҳам, французлар хос хушмуомолалик қилиб, уйингда чет мамлакат солдати блан яхши муомилада бўлиш мумкин-ку, фақат унинг блан яқинлигингни бошқалар сезмаса бас дерди. Кўчада кўрганда танимаган одам бўлиб ўтгани блан уйда жон деб суҳбатлашар, немис ҳам кундан-кун улар блан печька ёнида ўтириб узоқроқ ҳангамалашадиган бўлиб борар эди.

Шаҳар аста-аста ўз ҳолига қайтмоқда. Французлар ҳали уйдан чиқишга ботинолмасди. Лекин кўчалар прусс солдатларига тўла. Яна шуни айтиш керакки, кўчаларда кеккайиб, узун-узун қиличини ерга сургатиб юрган немис Голубой гусарь* офицерлари фуқорага бундан бир йил олдин худди шу қаҳвахоналарда кайфсафо қилиб юрадиган нишондор француз офицерларидан кўра сал кўпроқ нафрат блан қарашар эди.

Шундай бўлса ҳам, ҳаводан қандайдир, нима эканлигини билиб бўлмайдиган, ва киши кўника олмайдиган оғир ва ёт бир ҳид—ёв ҳиди келарди. Уйлар, жамоат жойлари ҳам ўша ҳидга тўла, овқатларга ҳам ўшанинг мазаси урган. Одам ўзини гўё узоқ мамлакатда ҳайбатлик ваҳший одамлар яшайдиган жойларда саёҳат қилиб юргандай ҳис қилар эди.

Ғолиблар пул, катта пул талаб қилишади. Аҳолини талайберади; бойида. Шуниси борки, Норманд савдогари қанча бой бўлса, арзимаган зиёндан шунча азият чекадиган, бойлигининг кичкинагина зарраси бегона қўлга ўтаётганлигини кўрса тоқат қилолмайдиган бўлади.

Шундай бўлишига қарамай, шаҳардан уч-тўрт чақрим наридаги дар'ёнииг қуйи томонига жойлашкан Круассими, Дьеппдалми ёки Бьессара қишлоқларининг ён-веридан, кемачилар, балиқчилар дар'-

*Хилланган аскар.

ёдан, ба'зан пичоқ блан ёки уриб ўлдирилган, ба'зан тош блан бошн янчилган, ё тўғридан-тўғри кўприкдан сувга ташлаб юборилган немисларнинг шишган ўликларини судраб чиқаришарди. Шоншарафдан маҳрум бўлган бу нома'лум қаҳрамонларнинг махфий равишда босқинчилардан шафқатсизлик блан оладиган қонуний ўчи, кундузи бетма-бет бўладиган жангдан кўра хавфлироқ эди ва бу пинҳоний ҳужумга йўлиққан босқинчиларга улар дар'ё тагидаги лойқаларни кафан қилар эдилар.

Негаким, ажнабийларга бўлган нафрат азалдан ботирларни ва ўз маслаги учун жон беришга тайёр бўлган одамларни қўзғатади.

Лекин ғолиблар шаҳарни ўзларининг қаттиқ интизомларига бўйсундиришгани блан, босиб келишаётган чоғларида овоза бўлган ваҳшийликларидан биронтасина ҳам қилишмади. Аҳоли ҳам бора-бора кўчага чиқишга жур'ат этди ва маҳаллий савдогарларнинг юрагидаги савдо-сотиқ ишига бўлган ҳирс қайтадан авж олди. Булардан ба'зилари ҳали француз аскарларининг қўлида бўлган Гаврда кўп пуллари бўлгани учун Дьеппгача қуруқлик блан, уёғига пароход блан бориб, Гаврга етиб олишнинг пайида эди.

Таниш бўлган немис офицерлари орқали шаҳар комендантидан йўлга чиқиш учун рухсат олинди.

Йўлга чиқиш учун ўн киши отланди, булар тўрт отлиқ катта дилижон кира қилишди. Кишн билмас кетиб олиш учун сешанба куни тонг отмасдан йўлга чиқишга қарор қилишди.

Сўнгги кунларда ер совуқдан қотган эди. Душанба куни бўлса, соат учларда, шимолдан қора булутлар кўтарилди, кечқурун ва тун бўйи тинмасдан қор ёғиб чиқди.

Эрталаб соат тўрт яримларда йўловчилар „Норманд меҳмонхонаси"нинг ҳовлисига йиғилишди, шу ердан жўнашмоқчи эдилар.

Улар ҳали уйқуси ўчмаган, совуқдан титраб, тўнларига ўралишар, қоронғида бир-бирларини эўрға кўришар эди. Оғир ва қўпол қиш кийими уларни семиз кюре* га ўхшатиб кўрсатар эди. Икки эркак бир-бирини таниб қолди. Уларнинг ёнига учинчиси келди ва сўзлаша кетишди.

— Мен хотиним блан кетаётирман, — деди бири.

— Мен ҳам.

— Мен ҳам.

— Энди биз Руанга қайтиб келмаймиз, агар пруссаклар Гаврга ҳам боришадиган бўлса Англияга ўтиб кетамиз,— деб қўйди биринчиси.

Уларнинг ҳаммасининг нияти бир, чунки бир хилдаги одамлар эди.

Лекин ҳали аравага отлар қўшилмаган. Отбоқарнинг қўлидаги фонарчаси у қоронғи эшикдан лип этиб кўринса, бу қоронғи эшикка кириб йўқолар эди. Гўнг ва хашак босган отхонанинг ичкарисидан отнинг гўнг ва хашакка босаётган туёқ товуши, дам

---

* Католик рухонияси

сўкиб, дам эркалаётган кишининг овози эшитиларди. Қўнғироқчаларнинг шиқир-шиқир қилишидан от афзаллари тузатилаётганлиги ма'лум бўлиб турарди. Тездан ҳалиги шиқир-шиқир отнинг салмоқли ҳаракатларига мос муттасил жиринглашга айланди. Қўнғироқ товуши ба'зан от силкинганида яна жиринглар, сўнг отнинг ер тепиниши эшитиларди.

Тўсатдан эшик тақ этиб ёпилди. Ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Совқотган йўловчилар жим бўлишди. Улар қимир этмай, совуқдан карахт бўлган ҳолда туришар эди.

Оқ зарралардан иборат бўлган қор пардаси ерга тушмай, тинмасдан жимирлаб турарди; у ҳаммаёқни кўз илғамайдиган қилиб қор момиғига чулғомоқда эди. Қиш ёпиғи остида қолган жимжит шаҳарнинг оғир сукунатида ёлғиз биттагина, айтиб ва тушунтириб бўлмайдиган товуш—ёғаётган қорнинг шитирлаши, товуш эмас, товушсимон бир нарса, гўё бутун бўшлиқни тўлдирмоқчидай тушаётган, дун'ёни ўраб олаётган оқ атомларнинг енгил шарпаси эшитилар эди.

Фонар кўтарган одам яна пайдо бўлди. Ҳорғин ва истар-истамас қадам қўяётган отнинг жиловидан етаклаб чиқди. У отни аравanинг якка шотиси ёнига келтирди, ён таккашларини боғлади ва отнинг атрофида имиллаб, бир қўлида чироғ бўлгани учун, бир қўллаб жобдуқларини тузатабошлади. У иккинчи отни олиб чиққали кетатуриб қорда оппоқ бўлиб қаққайиб турган йўловчиларга кўзи тушди ва:

— Дилижонга чиқиб ўтирсаларинг бўлмайдими? Ҳеч бўлмаса кордан пана бўласизлар-ку — деди.

— Бу нарса йўловчиларнинг эсига келмаган бўлса керак, ҳамма бирдан аравага интилди. Уч эркак ўз хотинини аравanинг тўрига ўтиргизиб ўзлари хам чиқишди; қолган жойларга ҳалиги йўғон, ялпоқи бўлиб турган одамлар жимгина чиқиб ўтиришди.

Дилижонга юмшоқ похол тўшалган бўлиб оёқ ботиб кетар эди. Аравanинг тўрида ўтирган ҳонимлар ким'ёвий кўмир блан иситиладиган асбобларини олакелишган экан: энди улар шуни ёндиришди ва хила вақтгача пичирлашиб, унинг аллақачонлардан буён ҳар бирига ма'лум бўлган хусусиятларини бир-бирларига тушунтира кетишди.

Ниҳоят дилижонга одатда қўшиладиган тўрт от ўрнига, йўл оғирлигини назарда тутиб, олти от қўшилгач ташқаридан биров:

— Ҳамма чиқдими? — деб сўради.

Ичкаридан биров:

— Ҳа,— деди.

Дилижон жўнади.

Дилижон аста-секин борарди. Ғилдираклар қорга ботиб, соябони ғижирлаб, отлар тойғана-тойғана пишиллаб, буғ чиқариб борарди; аравакашнинг узундан-узун қамчини тинмасдан қарсиллар, ингичка илон сингари гоҳ ўралар, гоҳ ҳартомонга ташланиб тўлғанар ва орқада қолаётган отнинг сағрисига тушарди, шунда ҳалиги от жон халпида торта кетарди.

Аста-секин тонг ёришиб келмоқда. Йўловчилардан ҳақиқий

руанлик бўлган бир одам пахтага ўхшатган енгил қор упқунлар энди ерга тушмай қўйди. Катта-катта, қалин ва қора булут парчалари ўта тушаётган хирагина нур оппоқ далани, ундаги қиров босган қатор-қатор баланд дарахтларни, кордан қалпоқ кийган кулбаларни яна ҳам ёритиб кўзни қамаштирарди.

Бу кўнгилсиз тонг ёруғида йўловчилар мароқ блан бир-бирига қарайбошлади.

Дилижоннинг тўрида, энг яхши жойда Гран-Поп кўчасида турадиган, кўтара вино сотучи эр-хотин Луазолар қарама-қарши ўтириб мудрашмоқда эди.

Луазо синган хўжайинининг бор йўғини сотиб олиб, шунинг орқасидан бойиб кетган. У қишлоқлардаги майда савдогарларга энг ёмон винони энг арзон баҳо блан сотади. Шундай қилиб танишлари ва дўстлари ўртасида уччига чиққан маккор, шайтон, шўх, ҳақиқий нормандияликлардан деб ном чиқарган.

Муттаҳамлик унинг шаънига шунчалик сингиб кетганки, ҳатто бир кун префектурада* бўлган ўтиришда ўша ернинг ақли ўткир масалчиларидан Турнель жаноб, зерикиб мудроқ босиб ўтирган хонимларга „қуш учди“ ** деган ўйинни таклиф қилди. Унинг ҳазили бир зумда префектуранинг бутун меҳмонхоналарига тарқалди, ундан шаҳарга тарқалиб кетди ва бир ой давомида бутун округдагиларнинг кулавериб ичаги узилди.

Ундан ташқари Луазо кулгилик қилиқлари, баъзан дуруст, баъзан ўринлаталмайдиган аскиялари блан ҳам машҳур эди. Ҳарким унинг ҳақида сўзларкан, албатта:

— Луазоси тушкур, бундақангиси бўлмайди-да! — деб қўяр эди.

У пакана, гўё, дуб-думалоқ қориндан иборат-ку, унинг бир ёғи туртиб чиққан-да, ўшанга оқара тушган чакка соқоллари ёпиштирилиб, қип-қизил башара ясалганга ўхшарди.

Унинг хотини баланд бўйлик, тўладан келган, ғайратлик, шаддотлиги блан бошқалардан айрилиб турарди. Луазо ўзининг савдо конторасида ҳаҳо-таралла блан бўлиб юрганида ундаги бутун тартиб ва ҳисоб-китоб хотинининг қўлида эди.

Уларнинг ёнида газлама саноатида, катта ўрин тутган фабрикант, учта чит заводининг эгаси, фахрий легионнинг офицери, бош кенгашнинг аъзоси Карре Ламадон жаноблари виқор блан гердайиб ўтирар эди. У ўзи давлат арбоби бўлса ҳам бутун империя даврида яхши ниятлик оппозицияга йўлбошчилик қилган, бундан мақсади мободо оппозиция иш бошига ўтиргундай бўлса, шунга бош қўшганлиги учун, ундан каттароқ фойда кўриш эди, шунинг учун ҳам бўладиган янги тузумга қарши хўжа кўрсинга курашиб келган. Карре Ламадоннинг хотини эрига қараганда анча ёш бўлганлиги важҳидан, Руан гарнезонига тайинланган ва яхши оиладан чиққан барча офицерларнинг кўнгил хушиси эди. У кич-

---

* Маҳаллий маҳкама.

** Сўз ўйини. Loiseau vole — қуш учди дегани бўлади. Loiseau — дейилса Луазо ўғри дегани бўлиб қолади.

кинагина, чиройлик бўлиб, мўйна кийимларга ўралганича эрининг рўпарасида ўтирар ва путури кетган дилижоннинг ичини хомушлик блан кўздан кечирар эди.

Унинг ёнида ўтирган граф Юбер-де-Бревиль блан унинг хотини Нормандиянинг қадимдан донг чиқариб келган одамларидан. Граф кўркам гавдалик, кексайиб қолган дворянин; кийим кийишида ҳам ўзини қирол Генрих IV нинг авлоди эканлигини кўрсатишга тиришарди. Оилавий ривоятларга қараганда Бревильлар оиласидан бир хоним қиролнинг ша'ни-шавкатига учиб ундан ҳомиладор бўлиб қолади. Шу сабабдан унинг эрини қирол графлик даражасига кўтаради ва губернатор қилиб тайинлайди.

Граф Юбер Департамент бўйича Карре Ламадоннинг ҳамкасби, Департаментда у орлеончилар[1] партиясининг бошлиғи эди. Унинг нантлик майда кемалар эгасининг қизига уйланиши абадий бир чистон бўлиб қолди. Лекин графинянинг киборона ҳулқларга молик бўлиши, меҳмондўстлиги, Луи-Филиппнинг ўғлиларидан бирининг собиқ ма'шуқаси тарэида ном чиқариши киборлар ўртасида унинг қадри-қийматини оширган Департамент бўйича унинг меҳмонхонаси биринчи ҳисобланарди, ёлғиз шулардагина қадимги назокат сақланган бўлиб, унча-мунча одамнинг кириши ҳам қийин эди.

Бревилларнинг ер-сув, боғ-роғдан иборат бўлган бойликлари, овозаларга қараганда, ҳар йил беш юз минг ливр даромад берар экан.

Аравaнинг тўрини ишғол қилган бу олти киши жамиятнинг бой, ўзига ишонган, қўлидан ҳар иш келадиган табақасидан бўлиб, булар та'сири эўр, обрўйлик, диндор ва тартиб тарафдори бўлган зотлар эди.

Иттифоқо аёлларнинг ҳаммаси битта скамейкага ўтириб қолишибди. Графинянинг ёнида узун тасбиҳларини ўгириб, пичирлаб „Pater" ва „Ave" дуосини ўқиётган иккита монах хотин ўтирарди. Уларнинг биттаси кексайиб қолган, чўтир, худди яқиндан туриб юзига сочма отилганга ўхшарди. Иккинчиси нимжон, юзи чиройлик, ўзи касалманд одамларга ўхшаш кўкраги ичига ботган бўлиб, уни бутун сезгиларни маҳв этадиган ва одамни майиб қиладиган динга бўлган э'тиқод эзиб турарди.

Монах хотинларининг рўпарасида ўтирган эркак блан хотин ҳамманинг диққатини жалб қилди.

Эркак ҳаммага ма'лум, обрўйлик кишилар ҳайиқадиган демократ Корнюде эди. У йигирма йиллаб узун сариқ соқолини селкиллатиб демократларнинг барча пивохоналарини обод қилиб юрган. Узининг ҳамрохлари, дўстлари блан кондитер отасидан қолган кўпдун'ёларни барбод берган. Энди сабрсизлик блан республика тикланишини кутмоқда. Ниҳоят шунча йил инқилоб йўлида қилган хизматларининг эвазига тегадиган ўринга ўтиришни кутиб юрар эди. Тўртинчи сентябрь куни (биров ҳазил қилган бўлса керак)

[1]) Орлеонлар сулоласи бошчилик қилиб келган Франциядаги буржуазия партияси.

у ўзини префект бўлдим деб ҳисоблади, лекин вазифасини адо этгани ишга борганида, префектуранинг ягона хўжайини бўлиб қолган котиблар уни тан олишмади, шунинг учун қўяқолишга мажбур бўлди. Ўзи камсуҳум, беозор, дуруст йигит бўлгани учун фавқулодда бир ҳаракат блан мудофаа ташкил қилишга тушди. Унинг раҳбарлиги остида далаларда ўралар қазилди, яқин ўртадаги ўрмонларнинг барча ёш дарахтлари кесилди, ҳамма йўлларни чох блан тўлдириб ташланди, Корнюде кўрган чораларига қаноатланган ҳолда, душман якинлашиши блан дарҳол шаҳарга чекинди. Энди Гаврда ҳам чукур қазиш эҳтимоли бор, у ерда кўпроқ иш берсам керак, деган умид блан ўша ерга кетмоқда эди.

Хотин „оёғи енгил" деб аталадиган кимсалардан бўлиб, бемаҳал семириб кетганлиги блан кўзга кўринган, шунинг учун унга „Дўндиқ" деб лақаб қўйилган эди. У паст бўйлик, дум-думалоқ, семиз, териси силлиқ ва ялтироқ, бармоқлари сосискани бўғиб-бўғиб қўйганга ўхшайди. Катта кўкраклари кўйлагини туртиб туради. У ҳали ҳам киши севса севгиндай хотин бўлиб, кўплар унинг кетидан юрар, чунки унинг беғубор соғломлигига қараб, кишининг бахри очилар эди. Юзлари қипқизил олмадай ва энди очилай деб турган пиона ғунчасига ўхшарди; коп-қора чиройлик кўзларини ўсиқ ва қуюқ киприклари яна ҳам қораюқ кўрсатарди. Майда, садафдек оқ тишлар, намланиб турган кичкинагина лаблари бўса учун яратилгандек эди.

Одамларнинг айтишига қараганда унинг булардан бошқа ҳам кўп бебаҳо фазилатлари бор экан.

Ҳалиги дуруст хотинлар уни таниб қолишлари блан шивир-шивир гап бошланди, „ахлоқсиз қиз",„айб-ку" деган гаплар шундай барала айтилдики, Дўндиқ бошини кўтарди. У ғазаб ва андишасизлик блан ҳамроҳларига назар ташлаган эди, кулимсраб унга қараб турган Луазодан бошқа ҳаммасининг дарҳол нафаси ичига тушиб ерга қараб қолишди.

Шундай бўлса ҳам, ҳалиги уч аёл яна гап бошлади. Оралариda бундай аҳлоқсиз қизнинг бўлиши кутилмаган ерда уларни бир-бирига яқинлаштириб, ҳатто дўстлаштириб қўйди, фазилатлик уй хотинлари бу номуссиз сотқин олдида бир бўлиб олиш зарурлигини ҳис этишди, — ахир қонуний муҳаббат ўзининг эркин ҳамширасига доимо нафрат кўз блан қарайди-да.

Корнюдени кўргач консерваторлик ҳисси бирлаштирган уч эркак ҳам пул ҳақида сўзлашарди ва уларнинг гапларидан камбағалларга нафрат блан қарашликлари сезилиб турарди. Граф Юбер пруссаклар туфайли кўрган зарарлари, қорамол ўғирланиши орқасида келган катта зиёнлар, қаҳатчилик ҳақида сўзларди-ку, лекин унинг сўзларидан қандайдир ўзига ишонганлик, миллионерларча катталик, гўё бу хилдаги зиён-захматлар мени фақат бир йилгагина кам ҳаржликка солади деган ма'но бор эди. Чит саноатининг қандай ҳолда эканлигини яхши биладиган Карре Ламадон жаноблари, ҳар эҳтимолга қарши, деб йиғиб қўйган олти юз минг франкини вақт ғаниматида Англия банкасига ўтказиб қўйган. Луазо бўлса, ўзининг ертўлаларида ётган арзон

виноларнинг ҳаммасини бир илож қилиб француз армиясининг та'минот бўлимига сотиб олган, энди подшоҳлик ундан кўп пул қарздор, шу пулни Гаврдан бориб олиш умидида эди.

Уччалови ҳам бир-бирига дўстона назар ташлаб қўйишарди. Булар гарчи жамиятда тутган ўрни э'тибори блан бир-биридан фарқ қилса ҳам, мол дун'ё томонидан қаралганда, дўстлик сезишар ва ўзларини, барча хусусий мол-мулк эгалари, чўнтагида тилла жарангловчиларни бирлаштируччи буюк франкмасон жамиятининг а'зоси деб ҳис қилишар эди.

Дилижон шундай секин борардики, соат ўнга бориб қарашса, ўн икки чақирим ҳам йўл босишмабди. Уч мартаба баландлик ер келганда эркаклар аравадан тушиб пиёда чиқишди. Йўловчилар тинчсизлана бошладилар, чунки Тотеда нонушта қилишмоқчи эди, энди бўлса у ерга қоронғи тушмасдан боришларига кўзлари етмасди. Йўл бўйида бironта майхона кўринмасмикин деб, ҳамма деразадан қарайбошлади. Дилижон бирдан қор уюмига келиб тиқилиб қолди. Уни чиқориш учун икки соат овора бўлишди.

Очлик авж олиб, ақилни оздирабошлади. Йўлда на бironта майхона ва на ошхона кўринмас эди, чунки пруссакларнинг яқинлашиши ва оч француз армиясининг орқага чекиниши дўкондорларни ваҳмага солиб қўйган эди.

Эркаклар овқат топиб келиш умидида дуч келган фермага қараб югуришар, лекин ҳатто нон ҳам топишаолмас эди, негаким ҳечкимга ишонмай қўйган деҳқонлар, кўзига кўринган нарсани талаб кетаётган солдатлардан қўрқиб, сақлаб қўйган овқатларини юзага чиқаргуси келмас эди.

Соат бирларда Луазо қорни пиёзнинг пўстидай бўлиб бораётганини айтди. Бошқалар ҳам аллақачонлардан бери ундан кам азоб чекаётгани йўқ эди. Тобора авж олаётган беомон очлик суҳбатга бўлган ҳавсалага ҳам хотима берди.

Туриб-туриб йўловчилардан бири эснайди, унинг орқасидан дарҳол яна бири эснайди ва ўзининг ҳулқи, тарбияси жамиятда тутган ўрнига қараб биров товуш чиқариб, биров индамасдан навбати блан оғиз очади ва очилиб буғ чиқиб турган кавакни тездан қўли блан бекитади.

Дўндиқ бир нарса излаётгандай бирнеча марта энгашиб скамейка остига қараб қўйди. Лекин бир лаҳза иккиланиб ёнидагиларига қаради, кейин яна бемалол қоматини ростлаб ўтирди. Йўловчиларнинг ҳаммасининг ранги ўчиб, чеҳраси жиддийлашди. Луазо, бир парча нон бўлса минг франк берардим, деди. Хотини жаҳли чиқиб қимирлаб қўйди-ю, кейин тинчланди. Беўрин сарф қилинадиган пул ҳақидаги гап доимо унга азоб берарди. Бу тўғрисига қолганда у ҳазилни ҳам билмас эди.

— Ҳақиқатан ҳам мен жуда беҳузур бўлаётирман, — деди граф — Овқат олишни ўйламаганимизни қаранг!

Уларнинг ҳарбири шу ишни қилмагани учун ўз-ўзидан койирди.

---

[1] Диний-фалсафий жамият, аристократлардан тузилган.

Шундай бўлса ҳам Корнюденинг бир шиша тўла роми бор экан, шуни олиб манзират қилди; ҳаммалари совуққина йўқ дейишди. Ёлғиз Луазо олиб бир қултум ичди-ю, идишни эгасига узатаркан, раҳмат айтди:

— Ҳақиқатан ҳам дуруст! Ҳам исйтади, ҳам очликни сездирмайди, — деди.

Ичкилик унинг кайфини чоғ қилди, бир вақтлар пароходда бўлиб ўтган, сўнг ашула бўлиб кетган воқиани эслатиб саёҳатчилардан энг семизини ейиш керак деган таклифни қилди. Гўзал тарбия кўрган хонимлар Дўндиққа тегизиб айтилган бу гапдан қаттиқ ҳижолат тортишди. Луазо жанобларига жавоб қайтарилмади, ёлғиз Корнюде илжайиб қўйди. Монах хотинлар ҳойнаҳой бу тангрининг бизларга кўкдан юборган жафоси бўлса керак деб, тасбиҳни ҳам йиғиштириб, қўлларини кенг енглари ичига олиб, ерга боққанларича қимирламай ўтира беришди.

Ниҳоят соат учларда, атрофда биронта қишлоқ кўринмайдиган саҳрога чиқишганларида Дўндиқ тезгина энгашиб, скамейка тагидан устига оқ сочиқ ёпуғлиқ катта саватни тортиб олди.

Аввало унинг ичидан чинни тарелка блан кумуш стаканни олди, кейин иккита жўжани майдалаб яхна қилиб солинган катта каструльни олди; саватнинг ичида яна қоғозга ўроғлиқ нози-неъматлар: сомсалар тармевалар, ширинликлар ва бошқа нарсалар бор эди. Хуллас бу овқатлар уч кунгача ошхонага муҳтож бўлмай ейиб боришга етарлик эди. Овқатлар орасидан тўртта шишанинг бўйни ҳам чиқиб турарди. Дўндиқ жўжанинг қанотини олиб, Нормандияда „режанос“ деб аталадиган нонга қўшиб шошмасдан еябошлади.

Ҳамманинг кўзи ўшанда бўлди. Ҳадемай бутун дилижонга бурун катакларини кенгайтириб, иштаҳани қитиқлайдиган, оғиздан сўлак оқизиб чакак томирларини тортиштирадиган ҳид тарқалди. Хонимларнинг ҳалиги „аҳлоқсиз қиз“га нисбатан бўлган нафратлари уни ўлдириш ёки дилижондан савати, стакани, овқатлари блан ерга, қорга итариб юборгудай ваҳшиёна ғазабга айланди.

Лекин Луазонинг кўзи ҳалиги жўжалик каструльни тешиб борарди. У ахир:

— Мана бу ақиллик одамнинг иши! Хоним бизларга қараганда ўйлаб иш қилар экан, дун'ёда шунақа ўйлаб иш қиладиган одамлар ҳам бор! — деди.

Дўндиқ ўгирилиб унга қаради-да:

— Емайсизми, тақсир? Азондан буён рўза тутиб ўтириш ўнгай эмас-ку, — деди.

Луазо миннатдорчилик билдирди.

— Ҳа, тўғрисини айтсам, йўқ деялмайман, урушчилик-да, урушчилик, тўғрими хоним? — деди.

У йўловчиларга бир қур кўз ташлаб олди-да:

— Бундай вақтда шунақанги эҳтиётқор хоним блан учрашиб қолиш яхши гап-а, — деди ва шимини эҳтиёт қилиб тиззасига газета ёйди; доимо чўнтагида юрадиган паккисининг учи блан

жўжа оёғини илиб олди ва ҳузур қилиб тишлаб-тишлаб шундай ейишга тушдики, дилижондагиларнинг ҳаммаси уҳ тортиб юборди.

Дўндиқ секингина, мулойимлик блан ҳалиги монах хотинларга ҳам таклиф қилди. Улар иккаласи ҳам жон деб кўнишди ва овқатдан кўзларини узмай туриб, раҳмат айтишганича шошиб-пишиб ея бошлашди. Корнюде ҳам Дўндиқнинг таклифини рад қилмади. Улар тиззаларига газет ёйиб усталга ўхшаган жой қилишди.

Оғизлар тинмай очилиб ёпилар, шиддат блан чайнар, лўқ-лўқ ютмоқда эди. Луазо ҳам бурчакда ўтирган жойида зўр бериб кавшанар, секин-секин шивирлаб, хотинини ҳам йўлга солишнинг пайида эди. Хотини хила вақтгача кўнмай ўтирди, кейин юраги тутдай тўкилаётганидан кўнди. Сўнг эри чиройли иборалар блан „гўзал ҳамроҳ"дан Луазо хонимга ҳам овқатидан жиндай беришни сўради.

Дўндиқ:

— Вой жоним блан, тақсир, — деди ва мулойимгина жилмайиб, каструльни узатди.

Бардо виносининг биринчи шишаси очилганда сал тараддудланиб қолишди, чунки биттагина стакан бор эди. Ҳарким ичиб бўлгандан кейин стаканни артилиб, бошқа кишига берилар эди. Фақат Корнюдегина назокат юзасидан бўлса керак, стаканнинг Дўндиқ лабидан теккан нам қуримаган жойидан ичди.

Очкўзлик блан овқат еяётган одамлар орасида ўтириб, овқат ҳидидан энтикаётган граф ва графиня де Бревильлар блан эрхотин Ламадонлар „Танталь кўргилиги" азобини чекишмоқда эди. Фабрикантнинг ёшгина хотини шундай оҳ тортиб юбордики, ҳамма ўгирилиб унга қаради; унинг ранги далада ётган қордай оқарди, кўзлари юмилиб боши бир томонга қийшайди; кўнгли озиб қолди. Эрининг ўти ёрилиб кетди ва атрофдагилардан ёрдам сўрайбошлади. Ҳамма шошиб қолди. Монах хотинларнинг кексаси касалнинг бошини кўтарди, Дўндиқнинг стаканидаги винони унинг лабларига тутиб, мажбур қилиб, бирнеча қатра ичирди. Гўзал хотин қимирлади. кўзларини очди, кулимсиради, ўлай деятган одамдай зўрға „тузукман" деди. Лекин яна ҳушидан кетиб қолмасин деб монах хотин бир стакан вино ичишга мажбур қилди.

— Ҳойна-ҳой бу очликдан бўлса керак, — деди.

Дўндиқ рўзасини очмай келаётган тўртта ҳамроҳига қараб қизариб ва ҳижолат бўлиб:

— Вой худо, мен сизларни таклиф қилишга жур'ат этаолмаганимдан... Марҳамат қилинг, олинг, — деб пичирлади ва ўзига ҳақорат бўлиб тушадиган йўқ жавобини кутиб турди.

Луазо сўзга тушиб:

— Эй, бундоқ вақтда ҳамма ҳам бир одам, ака-ука бир бирига ёрдам қилиши керак. Қани, хонимчалар, такаллуфни бир чекага қўйиб, кўнақолинглар. Мулоҳаза нимаси! Балки ҳали кечаси

---

* Қадимги Грек подшоси Фриги Тантал худоларни зиёфат қилгани ўғлини сўйгани учун абадий очлик ва ташналикка маҳкум этилган.

қўнадиган жой ҳам тополмасмиз. Бу юришимизда. Тотега эртага тушда борсак ҳам хўп гап, — деди

Лекин ҳалигилар ҳамон иккиланишар, хўп дейиш ма'сулиятини ҳечким бўйнига ололмас эди.

Ниҳоят граф масалани ҳал қилди. У ҳижолат бўлиб турган Дўндиққа ўгирилди ва тўраларча гердайиб ўтириб:

— Таклифингизни кўп миннатдорлик блан қабул қиламиз, хоним, — деди.

Биринчи қадамни қўйиш қийин эди халос.

Рубикондан* ўтилгандан кейин ҳечким ўйлаб-нетиб ўтирмади, саватни бўшатишди. Унинг ичида бошқа нарсалардан ташқари яна жигар сомса, чумчуқ сомсалар, бир бўлак сурланган тил, Крассан ноклари, понлевек пишлоғи, печенье ва тўла бир банка ўлдирилган пиёз блан майда бодринг бор эди, чунки Дўндиқ ҳам кўпчилик хотинлар сингари аччиғ-аччиғ нарсаларга ўч эди.

Бу қизнинг овқатини ейиларкан, унинг блан сўзлашмай ўтиришнинг иложи бўлмади. Шунинг учун ҳам суҳбат бошланди, аввало тортиниброқ, кейин бемалол сўзлаша кетишди, чунки Дўндиқ ўзини жуда яхши тутиб борарди. Киборона ҳулқ ва одатларни яхши билган графиня де Бревиль блан Карре-Ламадоннинг хотини Дўндиққа нисбатан анча эриб, назокат кўрсата бошлашди. Айниқса графиня ҳарқандай ёмон одам блан муомала қилса ҳам ша'нига доғ тушмайдигани учун кўпроқ илтифот қиларди. Лекин Луазонинг жандарма табиат барваста хотини ҳеч очилмас, кам гапириб, кўп овқат ерди.

Турган гап, суҳбат уруш ҳақида борарди. Пруссакларнинг бераҳмлигини, французларнинг ботирлигини ҳикоя қилишарди. Душмандан қочиб қутилмоқчи бўлиб кетаётган бу одамлар солдатларнинг мардлигига таҳсин ва офаринлар айтишарди. Ҳадемай ҳарким ўз бошидан ўтганини сўзлайкетди. Дўндиқ ҳам чинакам ҳаяжонга тушган ҳолда, ба'зан фоҳиша хотинларда кўриладиган қисғинлик блан ўз сезгилари ва нима учун Руандан кетаётганини айтиб берди.

— Аввало қолай деган эдим, — деди у. — Уйимда тўла озиқ-овқат ҳам бор эди. Бегона юртларга борганимдан кўра уч-тўртта солдатни боқиб ўтирганим яхши деган эдим. Лекин мен уларни, ҳалиги пруссакларни кўрганимдан кейин сира ўзимни тутолмадим. Аламим келиб, нафусга чидолмай кечгача ётиб йиғладим. Оҳ, агар мен эркак бўлганимда борми? Мен бошига учлик каска кийган семиз тўнғизларга деразадан қараганимдаёқ, оқ соч хотин уй анжомларини уларнинг бошига отиб юборишимдан қўрқди шекилли, қўлимдан маҳкам ушлаб турди. Пруссаклар уйингда турамиз деб келишди. Биринчи кирганидаёқ бўғзидан олдим.

---

* Рубикон. Италиядаги ҳозирги Пизателло дар'ёсининг қадимги номи. Бу дар'ё Франция блан италия чегарасида бўлган. Бу ерда Рим сенати ўзининг аскарларига кўп сабабларга кўра Рубикондан ўтишни ман' қилган. Шундай бўлса ҳам 49 йилда Римнинг машҳур саркардаси Юлий Цезарь ҳукуматни кўлга олгани интилиб Рубикондан ўтган ва гражданлар урушини бошлаб юборган. Рубикондан ўтиш умуман бир ишни қилишга узил-кесил қарор бериш ма'носида.

Немисни ўлдириш бошқаларни ўлдиришдан қийин эмас! Агар сочимдан тортиб ташламаганларида-ку, ўлигини чиқарардим-а. Шундан кейин юришга тўғри келди, илож топиш блан жўнадим. Мана кетаяпман.

Йўловчилар уни хўб мақташди. Бундай қаҳрамонлик кўрсата олмаган хамроҳларининг назарида Дўндиқ хила баланд кўтарилгандай бўлди. Унинг сўзларига қулоқ солиб турган Корнюде офарин дегандай кулимсираб турарди. Унинг важоҳати художўй бандаларнинг тангрига қилаётган ҳамду-саноларига қулоқ солаётган азизларнинг важоҳатига ўхшар, чунки узун соқол демократларнинг барчаси ҳам узун чопонга ўралиш блан динни ўзиники қилиб олган одамларга ўхшайдилар. Корнюде ҳам ўз навбатида насиҳатсимон қилиб, ҳар кун деворларга ёпиштирилаётган хитобномалардан ўрганганларини узундан-узоқ баён этиб, сўзамоллик кўрсатиб сўзининг охирида ўз тоифасидаги одамлардек „Пазил Баденге" дан кейиб қўйди.

Дўндиқнинг тўсатдан жаҳли чиқиб кетди, чунки у Бонапарт* тарафдори эди. У олучадай қизариб кетиб, ғазабига чидолмаганидан, тутила-тутила сўзга киришди:

— Унинг ўрнида сизга ўхшаганлар бўлганда кўрардик! Қойил қилардиларинг, аслн қўяверинг! Уни ўзларинг тутиб бердинглар-ку. Агар Францияни сиз сингари бевошлар идора қилганда борми, қочишдан бошқа гап бўлмасди, — деди.

Корнюде пинагини буэмай, писанд қилмай киноясмиз кулиб тургани блан, ҳозир жанжал бошланиши очиқ кўриниб турарди. Шу ерга келганда граф аралашиб, улуғворлик блан, ахир ҳаркимнинг ўзига яраша э'тиқоди бор, бунга дахл қилиб бўлмайди деб, тутақиб бораётган Дўндиқни зўр-базўр босиб қўйди. Бу орада, барча киборона тарбия кўрган одамлар сингари республикага душман бўлган ва барча хотинлар сингари шон-шавкатлик золим подшоларни яхши кўрадиган графиня блан фабрикант хотинга ҳалиги дадил туриб худди уларнинг кўнгилларидаги гапни айтган фоҳиша ҳотин ёқиб қолди.

Савват бўшади. Ўн кишилашиб бор овқатни дарров еб бўлишди. Фақат саватнинг каттароқ бўлмаганига ачинишди. Овқат тамом бўлгач, суҳбат, гарчи аввалгича руҳлик бўлмаса ҳам, яна бирқанча вақт давом этиб борди.

Шом пайти, аста-аста қоронғи тушмоқда; овқат бўлаётган вақтда кучлироқ сезиладиган совуқ, семизлигига қарамай, Дўндиқнинг ҳам этини уюштирди. Де-бревиль хоним ўзининг эртадан буён бирнеча бор кўмир солинган грелкасини Дўндиққа таклиф қилди; у дарҳол қабул қилди, чунки оёғи жуда музлаб кетган эди. Карре-Ламадон ва Луазо хонимлар грелкаларини монах хотинларга беришди.

Аравакаш фонарьларини ёқди. Чироғнинг ёруғ шу'ласи ўртадаги отларнинг терга ботган сағрисидан кўтарилаётган буғни

*Напалеон учинчининг лақаби, У, ўзининг сиёсий фирибгарлигидан сўнг шу ном блан яшириниб юрган.

ва йўлнинг икки четидаги қорни худди парда очгандай ёритиб борарди.

Дилижоннинг ичи қопқоронғу бўлиб кетди. Тўсатдан Дўндиқ блан Корнюде қимирлаб қолишди. Ташқарига қараб кетаётган Луазо жанобларининг назарида узун соқол Корнюде туртки еб нарироқ ўтиргандай бўлди.

Узоқда милтиллаб чироғлар кўринди. Бу Тот қишлоғи эди. Булар ўнбир соатдан буён йўл босиб келишмоқда, бунга йўлда отларга ем-хашак беришга кетган икки соатни қўшилса расо ўн уч соат бўларди. Дилижон қишлоққа кириб „тижорат меҳмонхонаси“ олдида тўхтади.

Дилижоннинг эшиги очилди. Тўсатдан ҳамма йўловчилар ўзларига ма'лум товушни, ерга тегиб-тегиб келаётган қилич овозини, эшитиб чўчиб кетишди. Шу онда биров немисчалаб бир нарса деб бақирди.

Гарчи дилижон тўхтаган бўлса ҳам, чиқдинг ҳозир ўлдиришади деб қўрққандай, ҳечким ўрнидан қўзғолмади. Шу онда фонарь кўтарган аравакаш келиб, аравaнинг ичига чироғ тутиб, икки қатор қути ўчиб, қўрқув ичида оғзини очиб, кўзини бақрайтиб ўтирган башараларни ёритди.

Аравакашнинг ёнида, чироғнинг шу'ласида немис офицери — баланд бўйлик, сапсариғ, белини бўққан қиз сингари матол, аскарий кийимни сириб кийган ёшгина йигит турарди; бир чаккасига қўйган американ шапкаси уни худди Англиянинг мусофирхоналарида бўладиган хат ташучиларга ўхшатиб кўрсатар эди. Ғоят узун, тўғри, иккиёққа қараб ўсиб, тобора учи ингичкаланиб бориб ёлғиз битта оқ қил блан тамом бўлганидан охири билинмайдиган мўйлави худди унинг лунжини пастга босиб, лабининг икки бурчини қуйи тортиб тургандай кўринарди.

У Эльзас шевасида французчалаб дўқ қилиб йўловчиларга пастга тушишни буюрди:

— Тушсаларинг ҳам бўлар, афандилар? — деди.

Ҳаммадан бурун, итоаткорликка ўрганиб қолган, иккала монах хотин чиқди. Улардан кейин граф блан графиня, уларнинг орқасидан — фабрикант блан хотини, сўнг хотинини итариб Луазо ҳам чиқди. Ерга тушганларда, назокатдан кўра эҳтиётдан бўлса керак, Луазо офицерга қараб:

— Салом, афандим, — деди.

Офицер андишасизлик блан зўравонларча бир қараб қўйдию, индамади.

Дўндиқ блан Корнюде, эшик олдида ўтирган бўлишларига қарамай, ҳаммадан кейин, душман олдига жиддий ва такаббурлик блан чиқишди.

Семиз жувон ўзини тутишга ва саботини йўқотмасликка тиришарди. Демократ бўлса сал-пал қалтираётган қўли блан ҳадеб узун сариқ соқолини тутамлар, чунки бундай ҳолат юз берган чоқда уларнинг ҳарбири ўз ватанининг вакили эканини яхши англарди. Шунинг учун ҳам ўз қадри-қийматини йўқотмасликка тиришарди. Ҳамроҳларининг бунчалик итоаткорлигига иккала-

синнинг ҳам бир хилда ғаши келар эди. Яна Дўндиқ ўзи блан йўлдош бўлиб келаётган олижаноб хотинлардан кўра ўзини мағрурроқ тутишга ҳаракат қиларди. Корнюде бўлса бошқаларга ўрнак бўлиш лозимлигини ўйлар ва борлиги блан душман йўлига ўралар қазиб кўрсатган қаршилигини давом эттираётгандай бўлиб кўринишга тиришарди.

Ҳамма саройнинг кенг ошхонасига кирди ва ҳалиги немис йўловчилардан Руан шаҳарининг бошлиғи йўлга чиқиш учун берган, йўловчиларнинг барча белгилари, касб-корлари ёзилган рухсатномани талаб қилди. У йўловчиларнинг ҳар бирини яхшилаб, ҳужжатда ёзилган белгиларига солиштириб узоқ текширди.

Ундан кейин жеркиб „хўп" деди-да, ғойиб бўлди.

Ҳамма эркин нафас олди. Қоринлар очиб борарди; овқат буюришди. То иккита оқсоч хотин елиб-югуриб, пиширив-куйдириб келгунча ярим соат ўтди. Бу орада йўловчилар бинони кўриб чиқишди. Икки томонида уйлар бўлган узун йўлак ҳожатхонанинг ойнавонлик эшигига бориб тақаларкан.

Ниҳоят овқат егали столга ўтирай деяётганларида саройвон кириб келди. У эски жаллоб, доим балғами бўғзида хириллаб, гижиллаб, ҳуштак чалиб турадиган семиз кўксов эди. Отасидан мирос қилиб Фоланви деган номнигина олиб қолган.

— Эльзабет Руссе деган қиз қайси битталаринг? — деди, у.

Дўндиқ ирғиб тушди ва унга ўгирилди:

— Мен бўламан, — деди.

— Қизгина, ҳозир сиз блан прусс офицери сўзлашмоқчи.

— Мен блан?

— Ҳа, Эльзабет Руссе сиз бўлганингиздан кейин.

Дўндиқ, энсаси қотиб, бироз ўйлаб турди-да, тикка:

— Бу нимасиди!... Бормайман! — деди.

Атрофдагилар қимиллаб қолишди: баҳслашар ва бу талабнинг сабабини ахтаришарди. Граф туриб Дўндиқнинг ёнига келди.

— Бундоқ қилишингиз тўғри эмас, хоним, негаким унинг талабини рад қилишингиз анча дилсиёҳлик туғдириши мумкин. Ўзингиздан кучлик одамга ҳечқачон қаршилик кўрсатиш керак эмас. Бу таклифнинг албатта ҳечқандай хавфи йўқ бўлса керак; эҳтимол бирон нарсани расмийлаштириш лозим бўлгандир, — деди.

Ҳамма графнинг ёнига кириб, Дўндиққа илтимос ва насиҳатлар қилиб, уни йўлга солабошлади. Ниҳоят уни кўндиришди. Ахир уларнинг ҳарбири бундай нома'қулчилик оқибати бўлиб бирон қийинчилик туғилиб қолишидан қўрқишарди-да.

— Майли фақат сизларнинг кўнгилларингиз учун бораман! — деди ниҳоят Дўндиқ.

Граф унинг қўлини қисиб:

— Ҳаммамиз ҳам сиздан миннатдормиз! — деди.

Дўндиқ чиқиб кетди. Овқатга ўтирмасдан уни кутиб туришди.

Буларнинг ҳар бири ўзича шу қўрс ва жиззаки қизни чақирмаса бўларди дер ва ўзини чақирмаганига кўнгли ғаш бўлиб, чақириб қолгундай бўлса нима дейишни мўлжаллаб ўтирарди.

Лекин ўн минут ўтар-ўтмас Дўндиқ қип-қизариб, жони чиқ-қанидан бўғилиб, қайтиб келди ва:

— Оҳ, аблаҳ! Аблаҳлигини қаранг! — деб пичирлади.

Нима бўлганлигини билиш учун ҳамма унга ёпирилди. Лекин у лом деб оғиз очмади. Граф қистайбошлаган эди, Дўндиқ мағрурлик блан:

— Йўқ, бунинг сизларга тегишлиги йўқ; сизга айта олмайман. — деб жавоб берди.

Сўнг ҳамма карам ҳиди чиқиб турган катта каструль атрофига ўтирди. Шундай ваҳмалик воқиа юз берганига қарамай овқат ҳуш-вақтлик блан ўтди. Сидр жуда дурустгина экан, Луазо хотини блан ва монах хотинлар иқтисод юзасидан ўшандан ичишди. Бошқалар вино буюрди. Корнюде пиво сўради. Шишани очишди. Корнюденинг ўзига хос одати бор, у пивони кўпиклатади, энгаштириб қарайди, унинг рангини чироққа солиб кўради; ичаётганида эса ўзи севган ичимлик рангига кириб қолган соқоли силкинади, кўзлари ғилай-лашиб қадаҳни кўздан йўқотмасликка тиришади, гўё дун'ёга фақат шунинг учун келгану, бирдан-бир мақсадига эришаётгандай бўлади. У хаёлида орзусини, я'ни пиво блан оч қизилни, инқилобни бирлаштираётгандай бўлади; бир орзусига эришганда иккинчиси ҳақида ўйламай иложи йўқ эди.

Фоланви жаноблари хотини блан столнинг у бошида ўтириб овқат емоқда эди. Эри эски паровоз сингари пишиллар, кўкраги шундай ғижирлардики, овқат вақтида ҳатто сўзлашаолмасди; лекин хотини бирон дақиқа ҳам тинмай пруссаклар келгандан буён олган барча таассуротларини сўзлаб, уларнинг нима қилганларини, қандоқ сўзлашганларини тасвирлаб ўтирарди. Унинг пруссакларни кўргани кўзи йўқ эди. Пруссаклар аввало уни кўп чиқимдор қилишмоқда, бундан ташқари иккала ўғли ҳам аскарий хизматга олинган. У кўпроқ графиняга қараб сўзлар, чунки кибор хотин блан суҳбатлашиш унинг учун бир мартаба эди.

У, бирон нозикроқ масала устида сўзларкан, товушини пасайтирар, эри бўлса ба'зи-ба'зида унинг сўзини бўлиб:

— Фоланви хоним, жим ўтирақолсангиз ҳам бўларди, — деб қўярди.

Лекин у, эрининг сўзларига ҳеч аҳамият бермас, сўзида давом этиб:

— Шундай, хоним, буларнинг чўчқа гўшти блан картошка-ю, картошка блан чўчқа гўшти ейишдан бошқа иши йўқ. Уларни озода деганларига асло ишонманг, бўлмаган гап! Беодобчилик бўлмасин-ку, ҳаммаёқни булғотиб ташлашди. Вой, уларнинг эртадан-кечгача машқ қилишганини айтмайсизми: олдинга юр, орқага юр, у ёққа айлан, бу ёққа айлан. Ундан кўра ватанларида ер ҳайдашса, ё йўл қуришса-чи! Йўқ, нега ундоқ қилишсин, хоним ҳарбийлардан ким наф' кўрибди! Ҳамон улар одам ўлдиришнигина ўрганишар экан, нега энди бу шўр пешана халқ уларни боқаётир? Мен бир

ўқимаган кампирман, нимасини айтасиз.Лекин шуларнинг ўзларини аямай эртадан қора кечгача, тап-туп ер тепишганини кўрганимдан кейин ҳамиша ўйлайман: «Фойда келтириш учун эхтиро'лар қиладиган одамлар бор, фақат зиён-захмат етказучи жон олучиларнинг нимага кераги бор». Ростдан ҳам, пруссакми, англизми, полякми, французми, одам ўлдиришлик аблаҳлик эмасми? Агар сенга азоб берган бирор одамдан ўч олсанг — жазо беришади. Бу ёмон иш эмиш. Ўғилларимизни қуш отаётгандай қириб ташлашса, бу яхши иш эмиш. Ахир ким кўп ўлдирса, ўшанга орден берганларидан кейин шундай бўладида! Йўқ, биласизми мен асло шунинг ма'нисига етаолмайман.

Корнюде баланд овоз блан:

— Тинч турган қўшнига ҳужум қилиш ваҳшийлик, лекин ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч, — деди.

Кампир бош иғритди:

— Ҳа, ҳимоя қилишликнинг йўли бошқа: шундай бўлса ҳам ўз хурсандчилиги учун уруш қиладиган подшоларнинг ҳаммаси ўлдириб ташланса яхши бўларди — деди.

Корнюденинг кўзлари чақнаб кетди ва қичқириб:

— Яшанг, гражданка! — деди.

Карре-Ламадон жаноблари нима дейишини билмай қолди. *Буюк саркардаларга ихлоси баланд бўлишига қарамай, кекса деҳқон хотиннинг тўғри фикри уни ўйлатиб қўйди.* Шу бекор турган, демак зиён бўлиб тушаётган шунча ишчи кучи, шу қадар бефойда сарф бўлаётган меҳнат, агар буюк саноат ишига йўлланганда юз йилда бун'ёдга келадиган ишларни қилиб юбориш мумкин эди. Луазо ўрнидан турди, саройвоннинг ёнига бориб ўтирди ва пичирлаб сўзлайкетди. Семиз саройвон хандон ташлаб кулар, йўталар, томоқ қиради; унинг каттакон қорни ҳамсуҳбатининг ҳазилларидан силкинарди. Шу оннинг ўзидаёқ Луазодан кўкламда пруссаклар кетгач олиш шарти блан олти бочка бордо виноси сотиб олди.

Овқат тамом бўлиши блан ҳамма ҳорғинлик ҳис этиб ётгани кетди.

Бу орада ба'зибир нарсаларни пайқаб қолган Луазо хотинини ётқизиб ўзи эшикнинг тирқишига дам қулоғини, дам кўзини қўйиб, *ўзи айтмоқчи, «йўлак сирларидан воқиф бўлмоқчи» эди.*

Бир соат ўтгач шарпа эшитилди. Луазо Дўндиқни кўрди. У оқ тўр тутилган ҳаворанг кашмири кўйлакда аввалгидан ҳам лўппироқ кўринди. У шамдон кўтариб йўлакнинг охиридаги ҳожатхонага кетмоқда эди. Қатор уйлардан биттасининг эшиги очилди, бирнеча дақиқадан сўнг, Дўндиқ қайтиб чиққач, унинг орқасидан, шим ва ич кўйлаккина кийган Корнюде эргашди. Иккави пичирлашиб сўзлашарди, сўнг тўхташди. Афтидан Дўндиқ уни ўз бўлмасига киришига кескин қаршилик кўрсатарди. Афсуски, Луазо уларнинг сўзини англаб ололмас эди. Ниҳоят улар қаттиқ-қаттиқ сўз-

лашабошлашди. Луазо бирнеча жумлаларни эшитаолди. Корнюде қўярда қўймай:

— Менга қаранг, қўйсангизчи шу гапларни, нима қилади? — деди.

Хотиннинг жаҳли чиқиб кетди:

— Йўқ, барака топкур, ҳар ишнинг ўз мавруди бўлади, бу ерда шундай қилиш шармандалик бўлади, — деди.

Корнюде тушунмади шекиллик, нега деб сўради. Хотин тутақиб, яна баландроқ овоз блан:

— Нега? Тушунмаётирсизми? Пруссаклар турган жойда-а, эҳтимол қўшни уйда ҳам бордир, — деди.

Корнюденинг дами ичига тушиб кетди, фохишанинг ватанпарварлик номуси, я'ни пруссаклар кўз олдида эркак киши блан муомала қилишдан ор қилиши, Корнюденинг кўнглида заифлана тушган ҳамиятни қўзғатди шекиллик, у қизни ўпди-ю, астагина ўз хонасига кириб кетди.

Ловиллаб кетган Луазо кўзини тешикдан олди, ўйин тушгандай оёқларини бир-бирига уриб ирғиди ва тунда кийиб ётадиган қалпоғини кийди, ором олаётган қоқ суяк хотинининг кўрпасини кўтариб, ўпиб уйғотди-да:

— Мени севасанми, жоним? — деб шивирлади.

Шундан кейин бутун мусофирхонани сукунат босди. Лекин тездан, ертўладанми, болахонаданми, қаердандир бир қиёмда эшитилаётган қаттиқ хуррак, гўё катта буғ қозони титраётгандай бўғиқ ва чўзинқи гуриллаш эшитилди. Фоланви жаноблари уйқига кетган эдилар.

Эрталаб соат саккизда йўлга чиқишга қарор қилинганлиги учун ҳамма ошхонага йиғилди; дилижоннинг бризент сирилган устига қор ёғиб ҳавлининг ўртасида қўққайиб турар, на от бор эди, на аравакаш. Аравакашни саройдан, отхона, сомонхоналардан излаб топишаолмади. Кейин эркаклар уёқ-буёқни айланиб келгани кўчага чиқиб кетишди. Улар майдончага чиқишди, унинг бир бошида бутхона икки томонида прусс солдатлари кўзга чалинаётган япасқи уйлар қаторлашиб турарди. Дастлаб улар картошка арчимоқда бўлган бир солдатни кўришди. Ундан нарироқда яна биттаси сарторашхонани ювмоқда эди. Кўзининг олдигача соқол босган яна бир солдат йиғлаётган ўғил болани ўпар ва уни тиззасига ўтиргизиб олиб тебратиб овитмоқда эди. Эрлари «жанг қилаётган аскарлар» сафида бўлган семиз деҳқон хотинлар ўзларининг қобил ғолибларига буюрадиган ишларини имо-ишора блан кўрсатиб: ўтин ёр, шўрвага дон сол, қаҳва майдала дейишар эди; булардан бири ўзининг путури кетган, кекса ва бедармон бекасининг ҳатто кирини ювмоқда эди.

Ҳайрон бўлган граф пўп уйидан чиқиб келаётган бир руҳониdan гап сўраган эди, бутхонани кемирибётган кекса каламуш шундоқ деб жавоб қилди:

— Ҳа, булар ёмон одамлар эмас; буларни пруссак эмас дейишади, булар узоқроқдан эмиш, фақат қаерданлигини аниқ билмайман. Буларнинг ҳам ватанларида бола-чақалари қолган-да, ахир улар эрмакга уруш қилиб юришгани йўқ-ку, эҳтимол буларнинг ҳам хотин-болалари йиғлашаётгандир, муҳтожликлари ҳам бизникидан қолишмас. Ҳали булардан зорланишга ўрин йўқ, иш қилишга қолганда ўз уйларидек хизмат қилишади, афандим, ҳар қалай бева бечоралар, бир-бирини қўллаб-қўлтиқлаши керак... ахир урушни бойлар бошлади-да, — деди.

Ғолиблар блан мағлублар ўртасидаги самимий аҳилликни кўриб Корнюденнинг фе'ли айнади. Бориб майхонада ўтирганим яхшироқ деб кетди. Луазо ҳазиллашиб:

— Бола-чақа кўпаяди-да, — деб қўйди.

Карре-Ламадон жаноблари жиддий қилиб:

— Ҳа, урушга кетганларнинг йўқлигини билдирмай туришади, — деди.

Ҳарқалай аравакаш келавермади. Ниҳоят уни офицер деншиги блан қишлоқ майхонасида улфатчилик қилиб ўтирган жойидан топиб келишди. Граф ундан:

— Арава соат саккизда тайёр бўлсин демабмидик? — деб сўради.

— Айтувдингиз, лекин бошқа буйруқ беришди.

— Қанақа?

— Қўшманг дейишди.

— Ким айтди?

— Ким бўларди, прусс коменданти.

— Нега?

— Мен қаёқдан биламан, ўзидан сўранг. Қўшма дегандан кейин қўшмадим.

— Ўзи айтдими?

— Йўқ, афандим, унинг номидан саройвон айтди.

— Қачон?

— Кеча кечқурун, ётмасдан олдин.

Йўловчилар уччаласи ҳам ғоят ваҳм босган ҳолда қайтишди. Фоланви жаноблари чақиртиришди, лекин оқсоч хотин хўжайин кўксов касалига мубтало бўлгани учун ҳечқачон соат ўн бирдан олдин ўрнидан турмайди, агар уйга ўт-пўт тушиб бораётган бўлмаса, бошқа сабаб блан уйғотишни тўғридан-тўғри ман' қилган, — деди.

Офицернинг ўзига учрашмоқчи бўлишди, лекин у, шу саройда турган бўлса ҳам, ҳеч иложини қилишаолмади; фуқароларнинг иши тўғрисида унинг блан сўзлашишга ёлғиз Фоланви жаноблариғина ҳақли экан, сабр қилишга қарор қилишди. Хотинлар ўз уйларига тарқалишди ва икир-чикир ишлар блан машғул бўлишди.

Корнюде ловиллаб олов ёниб турган баланд ўчоқ ёнига ўрнашиб олди. Бу ерга столча, бир шиша пиво келтириб қўйишларини

буюрди ва демократлар ўртасида ўзи блан баравар обрўга эга бўлган трубкасини олди. Трубкаси унга хизмат қиларкан, ватанга хизмат қилар эди. У илдиздан ясалган, жуда яхши, узоқ тутилган, худди эгасининг қўлига ярашадиган ва унинг симосини ками-кўстсиз қилиб кўрсатадиган трубка. Корнюде кўзини дам алангага, дам пиво қадаҳининг лабида ҳошия сингари турган қўпикка тикиб ўтирар, ҳар қултумдан кейин узун-узун ва орриқ бармоқлари блан ўсиқ ва ёғ босган сочини ҳузур қилиб тарар ва мўйлабларида қолган кўпикни сўрарди.

Луазо оёқ чигилини ёзиб келиш баҳонаси блан ўша ердаги майда савдогарлардан виносига ҳаридор излаб кетди. Граф блан фабрикант сиёсатдан сўз очишди. Улар Франциянинг келажагига назар ташлаб, бири Орлеан авлодидан, бири эса бутунлай умид узиш керак бўлганда нома'лум жойдан келадиган халаскор қаҳрамондан умид қиларди. Ажаб эмас яна бирорта дию Гекленми, Жанн д' Аркми, ким билади дейсиз, зора яна Наполеон I чиқиб қолса! Оҳ, агар валиаҳд ёш бўлмаганида-ку! Уларнинг сўзини эшитиб ўтирган Корнюде келажакни яхши биладиган одамдек кулимсираб ўтирарди. Унинг трубкаси бутун ошхонага ҳушбўй ҳид тарқатиб турарди.

Соат ўн бўлганда Фоланви жаноблари кириб келди. Ҳамма уни ўраб олиб саволлар бера бошлади. Лекин у, икки-уч мартаба қайтариб:

— Офицер менга: «Фоланви афанди, то мен алоҳида буйруқ бермагунимча бу йўловчиларни жўнатманг, кетиб қолишмасин, тушиндингизми, мана шу» деган эди, — деди.

Шундан кейин офицернинг ўзи блан учрашишга қарор қилишди. Граф унга ўзининг визит карточкасини юборди. Унинг остига касбкори ва табақасини ёзиб Карре-Ламадон ҳам қўлини қўйди. Пруссак, иккала афандини ҳам ноништадан кейин, демак соат бирларда қабул қиламан депти.

Хотинлар яна йиғилишди. Кўнгил ғаштлигига ҳам қарамай, ҳамма йўловчилар ноништа қилишди. Дўндиқ тоби қочгандек ва анча диққат кўринарди.

Ноништа тамом бўлганда граф блан фабрикантни деншик чақириб келди.

Луазо ҳам уларга қўшилди; учрашув тантаналироқ бўлсин учун Корнюдени ҳам таклиф қилиб кўришди. Лекин у мағрур туриб, немис блан ҳеч қандай муомала қилмаслигини айтди, бир шиша пиво олиб, яна ўчоқ ёнига ўтириб олди.

Уч эркак бинонинг иккинчи қаватига чиқишди ва мусофирхонанинг энг яхши уйи бўлган бир хонага киришди. Немис дидда ўзидан фарқ қилмайдиган бironта қочиб кетган соҳиб давлатнинг уйидан албатта ўғирлаб олинган олов ранг тўнга ўралиб, оғзида папирос, иккала оёғини печкага тираган ҳолда юмшоқ курсида ёнбошлаб ётиб, уларни қабул қилди; ўрнидан ҳам турмади, салом

ҳам бермади, уларга қарамади ҳам. У ғолиб пруссакка хос безбетликнинг бир намунаси эди.

Ниҳоят бирқанча вақт ўтгач, у:

— Нима демоқчисиз? — деди.

— Жўнасак деган эдик, афандим.

— Йўқ.

— Сабабини билишга ҳаддимиз сиғармикан?

— Хоҳламайман-да.

— Ҳурматли афандим, энди, беодобчилик бўлса ҳам айтишга тўғри келади, Дьеппагача боришга аскар бошингиз ўзлари рухсат берган эдилар. Яна, менинг билишимча, сиз томонингиздан бундай қаттиқ чора кўрилгудай бир иш қилганимиз ҳам йўқ.

—Хоҳлайман... Гап шу... Сизларга жавоб.

Улар та'зим қилиб чиқишди.

Оқшом дилсиёҳлик блан ўтди. Немиснинг нега бундай ҳарҳаша қилаётганига тушиниб бўламс эди: уларнинг ҳарбирининг бошига бўлмағур хаёллар келарди. Ҳамма ошхонада ўтириб олиб, юз бериб қолган бу ҳол тўғрисида ишониб бўлмайдиган тахминларга бориб музокара қилишарди. Эҳтимол уларни баримтага босмоқчидир. Ундай бўлганда мақсад нима экан? Ё бир нарса ундириш умидида тутиб тургандир. Ё асир қатори юртига олиб кетмоқчидир? Ёки уларни қўйиб юборишлик учун катта пул талаб қилмоқчидир? Бу фикр келганда уларнинг кайфи учиб кетди. Энг бойларининг ўти ёрилди; энди улар ўз ҳаётларини сақлаб қолиш учун бу беандиша солдатвойннинг қўлига эҳтимол қоплаб пул тўкишларини кўз олдиларига келтирабошлашди. Жони-дили блан киши ишонарлик биронта ёлғон топиб ўз бойликларини яширмоқчи ва ўзларини камбағал, жуда камбағал қилиб кўрсатиш йўлини излашмоқда эди. Луазо кўкрагидаги соат занжирини олиб чўнтагига солиб қўйди.

Тушиб келаётган қоронғи уларнинг даҳшатини ортдирди. Чироғ ёқишди. Ҳали овқатгача икки соат вақт бўлганидан Луазо хоним карта ўйнашни таклиф қилди. Ҳеч бўлмаса одамларни бироз овитади-ку. Таклифни қабул қилишди. Ҳатто Корнюде ҳам назокат юзасидан трубкасини ўчириб ўйинга иштирок қилди.

Граф карталарни шилади, улашди. Биринчи ўйиндаёқ ўттиз бир очкони Дўндиқ олди; ўйинга қизиқишлик тездан ҳамманинг хаёлини бузиб турган ваҳманинг дамини кесди. Корнюде ҳатто Луазонинг хотини эри блан имлашиб хийла ишлатабошлаганини пайқади.

Овқат егали ўтиришмоқчи бўлиб турганларида яна Фоланви жаноблари кириб келди ва хириллаб:

— Прусс офицери Эльзабет Руссе хонимдан сўранг, ҳали ҳам сўзида турибдимикан, деяпти, — деди.

Дўндиқ турган жойида бўзариб қотиб қолди; кейин бирдан қизариб кетди-да ғазабига чидалмай шундай бўғилдики, тили тутилиб қолди. Ниҳоят ёрилиб:

—У ҳайвонга, у ифлосга, у прусс аблаҳга айтингки, ўша сў-

зим сўз; эшитдингизми, қайтмайман — қайтмайман — қайтмайман! — деди.

Семиз сарайвон кетди. Ҳамма Дўндиқни ўраб олиб офицер блан учрашганда ўтган сирни айтиб беришни илтимос қилишди. Аввало у қаттиқ турди, кейин аламига чидолмай:

— Нима дерди? Нима дерди? Мен блан бир кеча ётасан деяпти! — деди қичқириб.

Ҳамманинг фе'ли шунча айниб кетдики, ҳатто бу сўзлар ҳечкимни ҳижолат қилмади. Корнюде жаҳли блан қадаҳни столга бир урган эди, қадаҳ синиб кетди. Бу аблаҳ саллотвойга нисбатан ҳамма баравар норозилик билдирабошлади. Прусс офицерининг Дўндиқни ҳақорат қилиши гўё буларга ҳам тегадигандай ҳаммасининг ҳам алами келабошлади. Бир бўлиб қаршилик кўрсатгани уюшишди. Граф нафрат блан, булар ўзларини қадимги ваҳший одамлар сингари тутаяпти деди. Айниқса хотинлар Дўндиққа қизғин ва мулойим ачиниш изҳор қилишди. Овқат егали уйларидан энди чиқиб келаётган монах хотинлар индамасдан бошларини қуйи солишганича туриб қолишди.

Жаҳилдан тушганларидан кейин ҳарқалай овқат егали ўтиришди, лекин кам сўзлашиб, ҳамма хаёл суриб ўтирарди.

Хотинлар эртагина уй-уйларига тарқалишди, эркаклар папирос чекиб олгани қолиб, карта ўйини бошланди, бир иш қилиб Фоланви жанобларидан офицерни қандоқ қилиб йўлга солиб бўлишини сўраб олиш умидида уни ҳам ўйинга таклиф қилинди. Лекин саройвоннинг қулоғига гап кирмас, ўйин ҳақидагина ўйлар, жавоб ҳам қайтармас эди, нуқул:

— Келинг ўйнайлик, афандилар, ўйнайлик! — дер эди.

У ўйинга шунчалик берилиб кетган эдики, тупуришни ҳам унутиб қўйиб кўкрагидан худди нағманинг йўғон товушига ўхшаган чўзинқи хириллаш эшитила бошлади. Унинг хириллаб турадиган ўпкаси кўксовнинг бутун баланд ва йўғон овозидан тортиб, то қичқиришни машқ қилаётган жўжахўрознинг овозигача бўлган ҳамма товушларни чиқариб турарди. Ҳатто хориб-чарчаб зўрға келган хотини энди ётинг деб чақириб келса ҳам бормади. Эри ярим кечагача юришни, ўртоқлари деганда тонг отгунча ҳам ўтиришни севадиган бўлгани учун саҳархез хотини ўзи кетаверди. У хотинининг орқасидан «печкага гоголь-могольни қўйиб қўй»—деб қичқирдида, яна ўйнайберди. Йўловчилар ундан бирон гап олишнинг иложи йўқлигига кўзлари етгач, ухлаш керак деган қарорга келишди ва тарқалишди.

Букун ҳам шу жирканч саройда қоламизми деган фикрдан чўчиган йўловчилар аввалгидан хам кўпроқ кетгулари келиб, зора кетиб қолсак деган умид блан эртасига яна вақтлик туришди.

Ҳайҳотки отлар ҳануз отхонада, аравакаш кўринмас эди. Қилар ишлари бўлмаганликдан ҳамма арава атрофида ўралишиб юрди.

Ноништа таб'и хиралик блан ўтди: ҳамманинг Дўндиқдан кўнг-

ли қолгандек кўринар, чунки кечаси блан қилинган фикр, хаёллардан кейин қарашлар анча ўзгарган эди. Тунда яшириқча пруссак блан учрашиб, то ҳамроҳлари тургунча хушхабар тайёрлаб қўймаган қиздан ҳамма хафа бўлди. Ахир шундан ҳам яхшиси бормиди? Ким билиб ўтирибди! Жуда андиша қилса, офицерга «хафа бўлаётган ҳамроҳларимнинг кўнгли учун» деб қўя қолса бўларди. Бундақа ишларни энди кўрибдими?

Шундай бўлса ҳам ҳечким бу фикрни очиқ айтаолмади.

Тушга бориб кутиш жонларига тегди. Граф йўловчиларга атрофни айланиб тамоша қилиб келишни таклиф қилди. Олов ёнида ўтиришни афзал кўрган Карнюде ва бутун-бутун кунларини ё бутхонада, ё Кюре ҳузурида ўтказаётган монах хотинлардан бошқа ҳамма яхшилаб ўралиб-чирмалиб йўлга тушди.

Кундан-кун кучайиб бораётган совуқ бурунларни чимдиб оларди; оёқлар шундай қотдики, ҳар қадам бир азобга айланди; далага чиққанларида бепоён оппоқ дала одамнинг кайфини учирадиган даражада мудҳиш бўлиб кўринди. Тўсатдан ҳамманинг руҳини совуқ ургандай бўлиб юраги уйишди; изларига қайтишди.

Аҳволни жуда яхши билиб турган Луазо тўсатдан бу «мочахар»ни деб қачонгача шу овлоқ-пасқам жойда ётар эканмиз-а, деди. Ҳамиша назокатлик граф, хотин кишидан бунақа малол келадиган ишни талаб қилиб бўлмайди, бу нарса ихтиёрий равишда бўлиши керак деди Карре-Ламадон жаноблари эшитишимга қараганда агар французлар Дьепп орқали қарши ҳужум бошласа уларнинг пруссаклар блан тўқиниши Тотидан бошқа жойда бўлмайди деди. Бу гап унинг иккала ҳамсуҳбатининг ичига ғулғула солиб қўйди.

— Пиёда кетаверсак нима қилар экан? — деди Луазо.

Граф елкасини қисиб:

— Сизга нима бўлди! Шу қорда-я, яна хотинлар блан-а! Ундан ташқари дарҳол орқамиздан от чоптириб, бизни ўн минутдаёқ тутиб, *шу саллотнинг қўлига асир қатори топшириша*ди, — деди.

Бу турган гап. Ҳамма жим бўлди.

Хонимлар ясан-тусан ҳақида сўзлашиб боришарди: лекин сўзлари унча қовишмас эди.

Тўсатдан кўчанинг бошида офицер кўриниб қолди. Уфуққа тутаташган оппоқ қорда, мундир кийган арига ўхшаб, новча қомати кўзга чалинарди; у яхшилаб пардозланган этигини лойдан эҳтиёт қилиб ҳарбийларча оёқларини кериб-кериб қадам ташлаб келарди.

У хонимларга салом берди ва, гарчи Луазо шапкасига қўл чўзган бўлса ҳам, шапкасини олмаслйкка жур'ат қилган эркакларга нафрат блан қараб қўйди.

Дўндиқнинг қулоғигача қизариб кетди. Эрлик уч хотин офицер бетакаллуф муомала қилаётган аҳлоқсиз қиз блан бирга кетаётганлари учун номус қилишди.

Сўз офицернинг қадди-қомати, афти-башараси тўғрисида кетди .Кўп офицерларни қўлидан ўтказган Карре-Ламадон хонимнинг

фикрича уни беноидек дейиш мумкин эди; у ҳатто офицернинг француз бўлмаганига афсус қилиб, агар француз бўлганда ҳамма хотинларни шайдо қиладиган гусар бўларди деди.

Уйга қайтиб кетгач нима қилишларини билмай, ҳатто арзимаган сабаблар блан бир-бирларига аччиғ-тизиқ сўз отабошлашди. Овқатни ҳам индамасдан, наридан-бери еб, сўнг ётгани тарқалишди, чунки қандоқ қилиб бўлмасин вақт ўтсин дейишарди.

Эртасига йўловчилар пастга тушганда, ҳаммасининг чеҳрасида ҳорғинлик, юрагида ғазаб бор эди. Хотинлар Дўндиқ блан зўрға сўзлашарди.

Бутхона занг уриб, гўдак чўқинтирилишидан хабар берди. Дўндиқнинг боласи бўлиб, у Иветтода бир деҳқон оиласида тарбияланарди. У боласини ҳар йили бир мартаба кўрар ва ҳечқачон унинг тўғрисида ўйламасди, лекин чўқинтириш учун бутхонага келтирилган гўдак ҳақидаги фикр ўз боласига нисбатан унинг кўнглида меҳр қўзғотди, ҳалиги маросимга боргуси келди.

У кетиши бланоқ ҳамма йўловчилар бир-бирларига қарашди, сўнг сурилиб яқинроқ ўтиришди, чунки бирон илож қилиш зарурлигини онглашар эди. Бирдан Луазо ёлғиз Дўндиқни олиб қолиб бошқаларни бўшатиб юборишни офицерга таклиф қилиш керак деган фикрни айтди.

Фоланви жаноблари бу топшириқни бажаришга кўнди. Лекин ўша зоҳотиёқ пастга қайтиб тушди. Инсон табиатини яхши биладиган немис уни ҳайдаб солди. У то айтганини қилмагунича уларнинг ҳаммасини тутиб турмоқчи эди. Шунда дағал табиатлик Луазо хоним кўнглидаги бор-йўғини тўкиб солди:

— Ахир қаригунимизча шу ерда ўтирамизми! Ҳамон бу расвонинг қиладиган касби шу экан, кимга бўлмасин йўқ дейишликка нима ҳаққи бор? Буни айтмайсизми, Руандаку юрмаган одами йўқ, ҳатто аравакашлар блан ҳам! Рост айтаяпман хоним, префектуранинг аравакаши блан-чи! Мен яхши биламанку, винони биздан оларди. Нега энди бизларни қийинчиликдан қутқазиш лозим бўлганда бу ғар покдоман бўлиб қолди!... Менимча ҳали ҳам офицер инсоф қилаяпти. Эҳтимол у кўпдан бери ёлғиздир. Албатта, уччаламиздан биттамизни талаб қилиши ҳам мумкин эди. Лекин эри бор хотинларни иззат қилиб ҳар қалай бузуқ хотинга қўл узатаётир. Ўйлаб кўринг ахир, у шу ернинг хўжайини-я, «мен хоҳлайман» деса тамом-солдатлар ёрдами блан бўлса ҳам мажбур қилаолади.

Ўтирган иккита хотиннинг эти жунжикиб кетди. Нозанин Карре-Ламадон хонимнинг кўзлари чақнаб, худди офицер ҳозир қўл узатаётгандай бўлиб, ранги ўчди.

Нариоқда музокара қилаётган эркаклар хотинларнинг ёнига келишди. Тутақиб кетган Луазо, «шу расвони» тутиб, қўл-оёғини чамбарчас боғлаб душманга беришга тайёр эди. Уч элчи насли-

нинг зур'ёди, дипломатларга ўхшаган граф бўлса, усталик билан иш кўришнинг тарафдори эди.

— Унинг ақидасини ўзгартириш керак, — деди у.

Ана шундан сўнг ишлатиладиган хийла-найрангнинг маслаҳати бўлди.

Хотинлар яқинроқ келишди. Товушлар пасайди, суҳбат умумлашди. Ҳарким ўз фикрини айта бошлади. Шуниси борки, гап пардалик қилиб олиб борилмоқда эди. Айниқса хонимлар энг қуракда турмайдиган фикрларни айтишда ажойиб қилиб гап айлантириб, одоб доирасидан четга чиқмайдиган ифодаларни ишлатишарди. Сўзлар шунчалик чертиб-чертиб олинардики, чет киши бу ерда ҳечнарса пайқамаслиги мумкин эди. Кибор хотинлар ўралиб олган ма'сумлик қабиғи уларни кўринишидагина ма'сум қилиб кўрсатади, ҳақиқатда эса, ҳаммаси ҳам бу қизиқ воқиадан завқланар ва сувга тушган балиқдай яйраб бировга жуда лаззатлик луқма тайёрлаётган уста ошпаз сингари бу ишни шавқ-завқ блан муҳокама қилишарди.

Яна ҳамманинг кайфи чоғ бўлди, ахир ўзи ҳам қизиқ воқиада. Граф анчагина қалтис ҳазиллар қистирар, лекин бу ҳазилларни шунчалик усталик блан қилардики, ҳамманинг юзида табассум пайдо бўларди. Навбати блан Луазо ҳам бирнеча мартаба ундан ўтказиб аския қилди. Бундан ҳечким уялмади; ҳамманинг кўнглида, унинг хотини томонидан қўпол қилиб айтилган «ҳамон бу расвонинг касби шу бўлгандан кейин бировга ҳа, бировга йўқ дегани нимаси?» деган сўзлари турарди. Афтидан жажжигина Карре-Ламадон хоним ҳаттто мен унинг ўрнида бўлсам, бунга йўқ дегандан кўра бошқасига йўқ дердим деб ўйлаётганга ўхшарди. Тил бириктириб бу ишни амалга оширишнинг пайига тушганлар, сўз гўё бирон қал'ани қамол қилиш устида кетаётгандай, узоқ муҳокама қилишди. Қандай далиллар келтириш ва қандай йўллар тутиш зарурлиги ҳақида сўзни бир жойга қўйиб, уларнинг ҳарбири ма'лум бир вазифани ўз зиммасига олди. Бу жонлик қал'ани душманга таслим қилиб берадиган ҳужумлар, хийла-найранглар, тўсатдан қилинадиган ҳамлалар режаси тузилди. Елғиз Корнюде четда ўтирди, бу ишга бош қўшмади.

Бу машғулотга шундай берилиб кетишдики, ҳатто Дўндиқнинг кириб келганин ҳам ҳечким сезмай қолди. Лекин граф шивирлаб: «тсс» — деган эди, ҳамма қаради. Дўндиқ тикка турарди. Ҳамма бирдан жим бўлди ва бироз шошиб қолди. Даф'атан сўзлашга ҳечким жур'ат этолмади. Меҳмонхоналарда қилинадиган икки юзламаликни бошқалардан кўра кўпроқ сингдириб олган графиня ундан:

— Қалай болани чўқинтириш қизиқ бўлдими? — деб сўради.

Кўнгли юмшаб кетган, ўзини босиб улгурмаган Дўндиқ одамнинг чеҳрасини, туришларини ҳатто бутхонанинг ўзини ҳам тасвирлаб берди ва:

— Ба'зи-ба'зида ибодат қилиш яхши, — деди.

Нонуштагача хонимлар уни ўзларига ром этиш мақсадида унга хушмуомала қилиш блан чегараланишди.

Лекин столга ўтиришлари блан ҳужум бошланди. Сўз аввало фидокорликдан кетди. Қадим замондаги Юдиф ва Олоферндан мисоллар келтириб, ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ, Лукреция блан Секстга ўтишди. Душманнинг барча саркардаларига илтифот қилиш йўли блан уларни қул қилиб олган Клеопатрани ҳам хотирлашди. Бу нодон миллионерлар ҳатто рим хотинлари Ганнибал ва унинг аскар бошилари ва ёнланган одамларига илтифот кўрсатгали Капю шаҳрига борган деган бўлмағур афсоналарни ҳам тўқишди. Ундан кейин иффатини уруш майдонига, дукумронлик қуролига айлантирган ва қаҳрамонона фидокорлик блан ҳатто безотларни ёки золимларни бўйсундириб, ўзини интиқом ва фидокорлик йўлида қурбон қилган барча хотинларни ҳам айтиб ўтишди.

Кибор оиладан бўлган бир инглиз хотин Бонапартга юқтириш ниятида атайлаб ўзига ярамас касал юқтирганини, маш'ум учрашув чоғида тўсатдан пайдо бўлган заифлик орқасидагина Бонапарт қутилиб қолганлиги ҳақида ҳам дудмалроқ қилиб гапирилди.

Буларнинг ҳаммаси, эҳтиёт блан, одоб доирасида баён қилинди. Дўндиқда шундай фидокорликка рағбат туғдириш ниятида орачўра ясама таҳсин ва офаринлар эшитиларди. Бу гаплардан ниҳоят, хотинлар дун'ёда фақат ўз-ўзини қурбон қилишлигу, келгинди солдатларни ўз хоҳишига бўйсундириш учунгина яратилган деб хулоса чиқариш мумкин эди.

Монах хотинлар оғир ўйга толгандай кўринар, Дўндиқ жим ўтирарди.

Ўйлаб олсин учун бутун кунни унинг ихтиёрига ташлашди. Энди уни хоним деб атамай қўйишди; гарчи бунинг сабабини ҳечким аниқ билмаса ҳам тўғридан-тўғри «ҳой қиз» деб муомала қилабошладилар. Эҳтимол бундан мурод уни эришган ҳурматидан бир поғона пастга тушириш ва касбини киши номус қиларлик эканлигини ўзига онглатиб қўйиш бўлса.

Шўрва келтирилиши блан Фоланви жаноблари кириб яна кечаги гапни такрорлади:

— Прусс офицери Эльзабет Русседан сўранг, ҳали ҳам ўша гапида турибдими деб сўраётир, — деди.

Дўндиқ тўнглик блан:

— Ҳа, — деди.

Броқ овқат маҳалида ҳалигиларнинг иттифоқлиги сусая борди. Луазонинг оғзидан бир-икки чаккн сўз ҳам чиқиб кетди. Уларнинг ҳарбири зўр бериб янги мисоллар келтиришга ҳаракат қилар ва ҳечнарса топаолмас эди. Тўсатдан графиня жўртагами ё шунчаки жиндак динни эслаб қўйиш учунми, монах хотинларнинг кексасидан авлиёларнинг ҳаётида бўлиб ўтган улуғ воқиалардан айтиб беришни сўради. Ахир авлиёларнинг кўплиги бизга қолса гуноҳ дейиладиган ишларни қилишган, лекин агар ўша иш худо йўлига ёки инсоннинг фойдаси учун қилинса худо уни кечираркан-ку.

Бу ғоят кучлик далил эди, графиня бундан фойдаланди. Шунда руҳоний кийимини кийиб юрганларнинг ҳарбири уста бўлиб қолган сукут блан розилик билдиргани орқасидами, ё ўзини гўлликка солиши орқасидами, жонининг ҳузури бўлган бетамизлиги орқасидами монах хотинларнинг кексаси уларнинг мақсадига катта ёрдам қилди. Уни тортинчоқ деб ўйлашган эди. У ўзининг далиллигини, сўзамоллигини, чўрт кесарлигини кўрсатди. Куфрга олиб борадиган ҳечқандай гап унинг кўнглидан ўтмас; фикри темир таёқдай; имони бақувват, виждони шак-шубҳадан пок эди. У Авраемнинг қурбонига табиий нарса деб қарарди, чунки агар худо амр қилса ўзи ҳам дарҳол ота-онасини ўлдиришга тайёр эди. Унинг фикрича, агар ният холис бўлса, ҳеч иш тангрининг қаҳрини келтирмас эди. Графиня кутмаган жойдан чиқиб қолган ёрдамчининг руҳонийлик обрўйидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш мақсадида «холис ниятга ҳар йўл блан борилса ҳам айби йўқ» дейилган аксиома тўғрисида уни узундан-узоқ гапга солди.

Графиня унга саволлар берарди:

— Шундай қилиб, эгачи, агар ният холис бўлса тутган йўлингизу қилган ишларингизнинг ҳаммасини тангрим кечиради денг?

— Бунга шак келтириб бўладими, хоним? Кўпинча маломат қилишга лойиқ ҳар ишларки бор, ният холис бўлганлигидан таҳсинга лойиқ бўлиб қолган.

Улар, шу таҳлитда тангрининг иродаси, унинг ҳоҳиши тўғрисида, авлиёлик қилиб худо шўрликнинг ҳечқандай алоқаси бўлмаган ишларга ҳам уни тиқиштириб гапириб ўтиришди.

Буларнинг ҳаммаси усталик блан ниқоблаб айтилмоқда эди. Лекин монах қалпоғини кийган авлиё қизнинг ҳарбир сўзи фоҳишанинг ғазаб блан кўрсатаётган қаршилик қалқонини тешабошлади. Сўз бироз четга бурилди. Тасбиҳ тутган хотин ўз тариқатининг, монастрлари, ўз пири, ўзи ва св. Нисефора[1]) жамоатининг севимли ҳамшираси бўлган ёнидаги мушфиқ хотин ҳақида сўзлаб кетди. Буларни Гаврга, чечак чиқариб госпитальда ётган юзлаб солдатларни боқишга чақиртирилган экан. У чечак дардини муфассал равишда сўзлаб, ҳалиги касал ётган бахтсизлар ҳақида ҳам гапирди. Пруссак туфайли йўлдан қолиб бу ерда ўтиришганида, эҳтимол, булар жонига ора кириши мумкин бўлган қанча-қанча француз ўлиб кетар. Бу хотиннинг касби аскарларни даволаш эди: у Қримга, Италияга ва Австрияга борган; у аскарий юришлардан гапирар экан, тўсатдан ўзини эпчил ва жанговар, гўё фақат аскар кетидан боришга, жанг қизиб турган чоғда ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқишга ва бир оғиз сўз блан ўжар жангчини ҳарқандай бошлиқдан афзалроқ кўндиришга қодир монах хотинлардан бири қилиб кўрсатарди. Бу ҳақиқий ҳамшира Рантоплон эди. Унинг бениҳоят чўтир юзи уруш харобасини эслатарди.

Унинг сўзи муқаррар кор қилгандай туюлиб, ундан кейин бошқа ҳечким лом демади.

Овқат тамом бўлиши блаңоқ ҳамма уй-уйига тарқалди ва эртасига анча кеч чиқишди.

Нонушта тинчгина ўтди. Кеча сепилган донлар униб ҳосил беришини кутишмоқда эди.

Пешинга бориб графиня айланиб келишни таклиф қилди; шунда граф олдан битишиб қўйилган маслаҳатга кўра, Дўндиқни қўлтиқлаб олиб бошқалардан кейинроқда борарди.

У Дўндиққа бетакаллуф, менсимасдан, баобрўй эркаклар бузуқ хотинларга қиладиган муомаладан қилиб, ўзининг ижтимоий табақаси даражасидан тубан тушмагани ҳолда уни «қизгинам» деб гап бошлади ва тўғридан-тўғри мақсадига келақолди.

— Шундай қилиб, бордию, прусс армияси енгилиб қолгудай бўлса бизни ҳам, ўзингизни ҳам ҳавф-хатарлар остида қолдириб, ҳаётингизда шунча марта йўл қўйиб келган ишингизга фақат бир мартаба йўл қўймаслик учун бизни шу ерда тутиб турмоқчимисиз? — деди.

Дўндиқ жавоб бермади.

У Дўндиққа ширин сўзлар, далиллар ва туйғу блан та'сир этмоқда эди. У «граф»лигида тургани ҳолда модабозлик қилиб, йўлдан оздируччи ширин сўзлар айтиб хушомад қилабилди. У Дўндиқни қўлидан келадиган хизматни кўкларга кўтарди, ундан қанчалик миннатдор бўлишларини айтди, кейин тўсатдан хушчақчақлик блан «сен»сираб:

— Шуни ҳам биласанми, қизим, у ватанида топилмайдиган гўзал қизнинг қўлини ушлагани учун мақтанса ҳам бўлади-да,—деди.

Дўндиқ жавоб бермасдан бошқаларга етиб олди.

Уйга келганларидан сўнг Дўндиқ дарҳол ўз уйига кириб кетди-ю, чиқмай қўйди. Безовталик ниҳоят даражага етди. У қандай қарорга келар экан? Агар қаттиқ туриб олса,—иш хароб!

Тушлик овқат вақти бўлди; уни кутишлари беҳудага чиқди. Ниҳоят Фоланви жаноблари кириб келди ва Руссе хонимнинг тоби қочиб қолибди, овқатни ўзларинг еяберишларинг мумкин деди. Ҳамма нима гап бўлди экан деб турарди. Граф саройвоннинг ёнига бориб астагина:

— Кўндими? — деб сўради.

— Ҳа.

У, андиша қилиб, ҳамроҳларига ҳечнарса демадию, фақат хиёл бош ирғитиб қўйди. Ҳамма енгил тортиб «уф» деди. Чеҳралар очилди. Луазо:

— Тра-ла-ла-ла-ла! Агар шу ерда шампанский топиладиган бўлса, пулини ўзим тўлайман, — деди қичқириб.

Уй эгаси тўрт шиша кўтариб кирганда Луазо хонимнинг юраги увишиб кетди. Ҳамма очилиб-сочилиб шовқин-сурон қилиб қолди. Қувонч юракка сиғмас эди. Карре-Ламадон хонимнинг нозанинлигини граф энди пайқагандай туюларди; фабрикант эса графинияга хушомад қилабошлади. Суҳбат қизиб кетди.

Луазо тўсатдан чўчиб кетгандай чеҳраси ўзгарди ва қўлларини кўтариб:

— Жим! — деди.

Ҳамма хайрон бўлиб, ҳатто қўрқиб кетиб, жим бўлди. Луазо

қулоқ солди, қўллари блан «жим туринглар» деб ишора қилди, шипга қараб яна тинглашиб турди-да, ўзининг оддий товуши блан:

— Хотиржамлик, ҳеч гап йўқ, — деди.

Сўз *нима устида бораётганига* ҳечким тушунганлигини билдиргуси келмаса ҳам, ҳамманинг юзидан бир табассум кечди.

Чорак соатлардан сўнг Луазо яна ҳалиги ҳазилини қайтарди; оқшом бўйи бирнеча бор такрорлади ва шипга қараб ўзининг гумашталик вақтида ўрганган аскияларини ишлатиб, кимгадир киноялик сўзлар айтарди. Ба'зан ғоят дили озор тортган одамдай хўрсиниб: «шўрлик қиз!» дер, ёки ғазаб блан тишини ғижирлатиб: «оҳ, аблаҳ пруссак» деб қўярди. Бу иш ҳамманинг эсидан чиққандай бўлганда бир неча мартаба у титроқ овоз блан: «бас! бас!» деб қичқирар ва ўзича:

— Иш қилиб қайтиб кўрайлик-да; бу аблаҳнинг қўлидан эсон-омон қутилса гўрга эди!—деб қўярди.

Ҳазиллар, энг ярамас руҳда бўлганига қарамай, ҳаммани қизиқтирар ва ҳечкимни қойитмасди, чунки ғазабланиш ҳам, барча бошқа нарсалар сингари шароитга боғлиқ; ҳозир бу ерда айниқса кайфият туғилган эди.

Ичкилик вақтида хотинларнинг ўзи ҳам анча-мунча киноямиз ҳазиллар қилабошлашди. Кўзлар ёниб турар; кўп ичилган эди. Ўзини эркин сезганда ҳам улуғворлигини йўқотмайдиган граф буларнинг ҳолини қутбда қишлашдан қутилган, ҳалокатга учраган кемадаги одамларнинг жанубга йўл очилганини кўриб шодланишига ўхшатарди; унинг сўзлари ҳаммага маъқул бўлди.

Жуда очилиб кетган Луазо қадаҳ кўтариб ўрнидан турди.

— Қутилишимизга ичаман! — деди.

Ҳамма ўрнидан турди ва унинг сўзларини қайтарди. Хонимларнинг қисташига кўра ҳатто монах хотинлар ҳам, бир умр оғзига олмаганлари, кўпиклик винодан тотиб кўришга рози бўлишди. Улар бу вино лимонадга ўхшаркану, фақат ундан ширинроқ экан дейишди.

Луазо бу гапларга якун ясаб:

— Фортепиано бўлмади-да, қадрильга ўйнаб ташлардик! — деди.

Корнюде на бирон оғиз сўз айтар, на бирон ҳаракат қиларди: У гўё кўнгилсиз хаёлларга чўмгандай, онда-сонда узун соқолини ундан ҳам узайтирмоқчи бўлаётгандай тортиб қўярди. Ниҳоят, ярим кечага бориб тарқалабошлаганларида оёқ устида зўрға турган Луазо беҳосдан Корнюденнинг қорнига бир уриб сўзга келмай қолган тили блан:

— Нега букун хафа кўринасиз? Нега индамай ўтирибсиз гражданин? — деди.

Корнюде жаҳл блан бошини кўтарди, ўт чақнаб турган даҳшатли назар блан ҳаммага бир қўр қараб олгач:

— Билиб қўйинг, ҳаммангиз ҳам аблаҳлик қилдингиз! — деди.

У ўрнидан туриб эшик ёнига борди, яна бир қайта: «ҳа, аблаҳлик» деди-да, чиқиб кетди.

Аввалига ҳамма хижолат тортди. Шошиб қолган Луазо анграйиб турарди: кейин ўзига келиб тўсатдан қаҳ-қаҳ уриб куларкан:

— Узум ғўр, биродор, ғўр! — дерди.

Бу гапга ҳечким тушунмаганлигидан у «йўлак сирини» айтиб берди. Қаттиқ кулги кўтарилди. Хонимлар хахолаб тўпалон қилишди. Граф блан Карре-Ламадон жаноблари қотиб-қотиб кулишди, улар ишонишмас эди.

— Ростдана? шундай қилдими?

— Айтияпманку, ўзим кўрдим.

— Дўндиқ унамадими?...

— Қўшни уйда пруссак бор эди-да.

— Бўлмаган гап!

— Азбаройи худо!

Граф кулгидан энтикарди. Фабрикант икки қўли блан қорнини ушлаб қолди. Луазо давом этди:

— Албатта, букун унинг юрагига кулги сиғмайди-да.

Уччаласи яна ичаги узилгунча кулишди.

Шундан кейин тарқалишди. Лекин ичи қора Луазо хоним ўрингга ётар чоғида эрига «Карре-Ламадоннинг заҳар хотини бутун оқшом ўлганининг кунидан кулиб ўтирди» деди.

— Биласанми, агар хотин киши мундирни кўрганда эси-ҳушидан айриладиган бўлса, унинг учун барибир: француз кийганми, пруссак кийганми!.. Аҳмоқлиқ-да. Ўзинг кечир тангрим! — деди.

Тун бўйи қоронғи йўлакда шилдирашлар; шарпалар, хўрсиниқлар, яланг оёқ қўйилган енгил одим товуши, қулоқ илғар-илғамас пичирлашлар эшитилиб турди. Саройга тушганлар шубҳасиз жуда кеч ётишди, чунки хила вақтгача эшиклар тагидан шу'ла тушиб турди. Шампанский ичгандан кейин ба'зан шундай бўлади; у уйқуни безовта қилади дейишади.

Эртасига қиш қуёшининг порлоқ нури остида қор ялтираб ётарди. Отлар қўшилган дилижоп ниҳоят дарвоза олдида кутмоқда. Пушти ранг кўзларида қорачиғи нуқтага ўхшаб турган, патлари ҳурпайган бир гала оқ каптар, от оёғи тагида виқор блан юриб, буғ чиқиб турган гўнгни титиб, дон ахтаришмоқда.

Пўстинга ўралган аравакаш трубкасини чекиб аравaнинг олдида турар, чиройи очилган йўловчилар қолган йўлга етарлик қилиб олинган озиқ-овқатларни аравага солишмоқда эди.

Елғиз Дўндиқнигина кутиб туришарди. Ниҳоят у ҳам кўринди.

У ҳаяжон ичида, хижолат бўлиб, тортинибгина ҳамроҳларининг ёнига борди.. Лекин улар унинг келганини пайқамагандай, ҳаммаси баравар тескари қарашди. Граф улуғворлик блан ифлос нарса тегмасин дегандай қилиб, хотинининг қўлтиғидан олиб, четроққа суриб қўйди.

Дўндиқ хайрон бўлиб тўхтаб қолди, ундан кейин зўрға жур'ат

қилиб фабрикант хотинининг ёнига борди ва бўйнини қисиб ёввошгина:

— Эсонмисиз, хоним — деди.

У бўлса ҳамиятига тегилган одам сингари назар ташлади ва мутакаббирлик блан хиёл бош иргитиб қўйди. Уларнинг ҳаммаси ўзини худди бирон иш блан машғулдай кўрсатар ва гўё Дўндиқ этагига ифлос нарса илаштириб келгандай ундан четланишарди.

Сўнг ҳамма дилижонга интилди: Дўндиқ энг кейин чиқди ва индамасдан аввалги жойига ўтирди.

Дўндиқнинг назарида ҳамма уни танимаётгандай кўринарди. Фақат Луазо хоним унга узоқдан ғазаб блан бир қараб қўйгач, шивирлаб эрига:

— Ундан узоқда ўтиришим қандай бахт-а, — деди.

Арава оғир қўзғалди. Яна сафар бошланди.

Аввало ҳамма сукут сақлаб ўтирди. Дўндиқ бошини кўтаришга ботина олмас эди. Ёнида ўтирганларга унинг ғазаби келар ва шу блан бирга ўзини пруссакнинг қучоғига итарган шу мунофиқ одамларнинг гапига кириш, пруссакка бўса бериш блан ўзини тубанлашган ҳис қилар эди.

Лекин тездан графиня, Карре-Ламадон хонимга қараб қилган муомаласи блан, ҳаммага малол келаётган сукутни бузди:

— Сиз, Этрель хоним блан таниш бўлсангиз керак?

— Ҳа, ўртоғим.

— Қандай гўзал хотин-а!

— Ажойиб! Худо бино қўйиб яратган бандаларидан, унинг устига ма'лумотлик, табиатдан нафосат эгаси; жуда яхши ашула айтади ва жуда ажойиб расмлар чизади.

Фабрикант граф блан суҳбатлашарди. Араванинг шақир-шуқири орасида ба'зан: «купон-тўлаш-даромад-вақтида» деган сўзлар эшитиларди.

Трактирда беш йилдан буён кир столга суркалавериб мой босиб кетган эски картани ўғирлаб олган Луазо хотини блан Бизек ўйинини бошлади.

Монах аёллар белларида осилиб турган узун тасбиҳларини олишди, баравар чўқинишди ва бирдан лабларя чаққонлик блан қимирлаб, гўё ким тез айтишга мусобақа қилаётгандай, киши онглаб ололмайдиган ду'они тобора тез ўқийбошлади. Дамба-дам саламни ўпиб қўйишар, яна чўқинишар, яна шошилиб маромсиз пичирлашни давом этдиришарди.

Корнюде хаёл суриб қимирламай ўтирарди.

Уч соат йўл босишганларидан кейин Луазо карталарни йиғиштириб:

— Овқат ейиш керак, — деди.

Унинг хотини каноб блан боғлаб қўйилган тугундан бир парча

яхна гўштни суғуриб олди. Яхшилаб япроқ-япроқ қилиб тўғраб еябошлади.

— Биз ҳам бошлаймизми? — деб сўради графиня.

Эри хўп дегандан кейин икки кишига атаб олинган озиқ-овқатларни очди. Қуён эти эканлигига ишора қилиб қопқоғига қуён расми солинган чинни идишдаги овқатларнинг, бошқа хил гўштлардан қилинган қиймаларнинг, жигарранг қуш этининг устида узун-узун бўлиб ёғ қотиб қолган эди. Ўралган газетани очиб олинган, ёғи юзига тегиб ялтираб турган яхши пишлоқнинг устида «ҳодиса» деган ёзув кўзга чалинарди.

Монах аёллар саримсоқ ҳиди бурқираб турган бутун қазини олишди. Корнюде иккала қўлини баравар чуқур чўнтакларига тиқиб, биттасидан тўртта пишган тухум, биттасидан булка нонининг қирғоғини олди. У тухумни артиб, пўчоғини оёғи тагидаги похолга ташлади ва еябошлади. Тухумнинг сариғидан тўкилган оч сариқ ушоқлар унинг узун соқолида юлдузга ўхшаб турарди.

Дўндиқ эрталаб турганида икир-чикир ишлар блан шошиб қолиб ҳечнарса ололмаган эди. Энди ҳалиги бемалол кавшаётган одамларга қараб аламига чидолмай бўғилабошлади. Аввало ғоят жаҳли чиқди, аччиғ устида оғзига келганни тўкиб солмоқчи бўлди, лекин ошиб тушган ғазаби бўғзига тиқилиб гапиролмади.

Ҳечким унга боқмас, унинг тўғрисида ўйламас эди. У аввало уни қурбон қилиб сўнг кераксиз эски латта сингари улоқтириб ташлаган бу ҳалол муттаҳамларнинг нафратига ботиб бораётганлигини сезарди. Унинг устига ҳалигилар оч кўзлик блан еб битирган турли яхши овқатларга лиқ тўла савати, иккита жўжаси, сомсалари, ноклари ва тўрт шиша бордо виноси ёдига тушди. У гўё таранг қилиб тортилиб сўнг узилиб кетган тор сингари, тўсатдан жаҳлидан тушди, хўрлиги келиб йиғлаб юборай деди. Ёш болалардек ёшини ютиб ўзини тўхтатиб олишга қаттиқ уринди, лекин тўлиб-тошиб киприкларида ёш ялтиради, тездан икки томчиси юзидан аста оқиб тушди; унинг кетидан худди тик жардан сузиб чиқаётган сув томчиларига ўхшаб, дув тўкилиб, унинг кўтарилиб турган кўкрагига тушабошлади. Дўндиқ ҳечким қарамаслигига ишонгани ҳолда юзлари ҳаракатсиз, ранги ўчган, қоматини тўғри тутиб бир нуқтага тикилганича ўтирарди.

Лекин графиня унинг кўз ёшларини кўриб қолди ва ишора блан эрига кўрсатди. У «қандоқ қилай, менда нима айб» дегандай елкаларини қисиб қўйди. Луазо хоним аста бўлса ҳам лекин ажаб бўлди дегандай кулиб:

— Ўзининг расволигига йиғлаётир, — деб пичирлади.

Монах аёллар қолган қазиларни қоғозга ўраб қўйишди-да яна ибодатга бошлашди.

Шу маҳалда Корнюде еган тухумларини ҳазм қиларкан, узун оёқларини қаршисидаги скамейка тагига тиқиб орқага ташланди, қўлларини кўкрагига қовуштириб, гўё соз бир нарса ўйлаб топган-

дай, илжайиб олгач, хуштак чалиб «Марсельеза» оҳангини бошлади.

Ҳамманинг қовоғи тушиб кетди. Афтидан унинг ҳамроҳлари бу халқ ашуласини хушламаса керак. Улар асабийлашиб, ғазабланиб худди шарманка товушини эшитаётган ит сингари улиб юборгудай бўлишди.

Корнюде бу аҳволни сезди ва ҳуштагини сира тўхтатмади. Ҳатто ба'зи-ба'зида:

Ватан муҳаббати муқаддас!
Ўч олиш амр этсин руҳингда
Олиб бор эй, азиз озодлик
Ўз хомиларингни жангга! . . .

деган сўзларни ҳам қўшиб қўярди.

Энди арава тезроқ юрмоқда, чунки қор қотиб қолган эди. Узундан-узоқ, неча соатлик ўнқир-чўнқир, кўнгилсиз йўл бўйи, бениҳоят тарақ-туруқ ичида, шом қоронғисида, зулмат қучоғида то Дьеппга етгунча у ўзининг ўжарлик блан жон отиб чалаётган бир хилдаги, ўч олучи ҳуштагини тўхтатмади; чарчаган, асабийлашган йўловчиларни ашулага бошдаи-оёқ қулоқ солиб, оҳангга тўғри келадиган сўзларни хотирлашга ва уларнинг ҳарбирини оҳангга жўр қилишга мажбур қилиб борарди.

Дўндиқ ҳамон йиғлар, қоронғилиқда ора-сира, ўзини тўхтагаолмаган чоғидаги, ҳўнгир-ҳўнгир йиғиси эшитилар эди.

ЗУМРАД таржимаси.

БОСИТ ҲАЛИЛ

ҚУРБОНАЛИ ПОЛВОН БЛАН БЕЛ ОЛИШГАН ЧОЛ

Очерк

Ёлғиз от

Куз кунларининг бири. Икки хуфтон чамаси. Гувала деворли, сувоқсиз, қинғир-қийшиқ тол тўсинли, томи похол ва қамиш блан ёпилган пасттаккина уйнинг ичи қуюқ тутунга тўлган. Қамишдан қалин қилиб ясалган чий эшикдан кираверишда, уйнинг пойга томонидаги ўчоқда тезак ва қамиш ёқиб овқат қилиб ўтирган ўрта ёшли хотиннинг кўзлари аччиқ тутун блан ёшланган. Ўчоққа ёқилаётган қамиш алангаси уйнинг ичини гоҳ ёритиб, гоҳ қоронғилатиб турарди. Уйнинг тўрига қалин похол ва похол устига рангги ўнгиб кетган ер блан тенг кир шолча ва йиртиқ пўстаклар солинган, унинг устида бир-бири блан тепкилашиб, думбалоқ ошиб учта бола ўйнар эди. Болаларнинг шовқини, эрининг кеч қолганидан ташвишда ўтирган хотиннинг баттар ғашига тегарди. Жаҳлига чидамаган хотин:

— Жим, зиндалар, ҳозир оташкурак блан бошларингга тушираман, — дерди. Болалар бир нафас жим қолар, сўнг яна онасининг пўписасини эсидан чиқариб тўпалон қилардилар. Хотин эрининг шу маҳалгача келмай қолгани тўғрисида минг хаёлда ўтирганидан, болаларнинг чулдираганларини ҳам баъзан сезмай қоларди, хотин қайнаб кетган қозондаги сувга туппани энди солабошлаган эди, ташқаридан отнинг «дупир-дупир» товуши эшитилди. Хотин болаларга қараб қичқириб:

— Ҳой, тезроқ чиқиб эшикни оч, отанг келди, — деди.

Ўн уч-ўн тўрт ёшлар чамасидаги ола-була қуроқ чопонли, ялангоёқ ўғилчаси ғизиллаганича «отам келди» деб суюнганича чиқиб кетди. Броқ ташқарида отаси йўқ, отнинг ёлғиз ўзи дарвоза олдида бошини қуйи солиб, ма'юс турар эди. Бола хайрон бўлди. «Ота! Ота!» деб бир-икки қичқирди. Ун чиқмади.

— Отам йўқ-ку, эшикда отнинг ёлғиз ўзи турибди, — деди югуриб уйга қайтиб кирган бола онасига.

— Вой ўлмасам, — деди ўрнидан сакраб туриб хотин ва таш-

қарига отилиб чиқди. «Отаси, отаси» деб қичқирди. Ҳаяжон ичида уёқдан-буёққа югурди. Уни қўрқув босди. Дод солди.

Тўқай ичидаги бир неча уйлик аҳоли яшайдиган пастқам ва қоронғу бу қишлоқ одамлари бемаҳал кўтарилган бу «дод-дод» билан ҳаяжонга келди ва уй-уйдан чиқабошладилар.

Бу хотиннинг эри кундузи, пешиндан кейин, Жовилбақа қишлоғига кетган эди. У, у ердан кеч йўлга чиқди. Жовилбақалилар уни «кеч бўлди, ётиб қолгин» деб кўп эўрладилар, унамади. Отига миниб «Облотилаб қишлоғи қочиб кетибдими, бир зумда етаман» деб жирлаганича ўз қишлоғига қараб жўнаган эди. Узоқ ўтмай унинг жирлаган товуши тинди. Терлаб кўпириб кетган оти эса ўз эгасиникига ёлғиз ўзи етиб борган эди.

Бу шум хабардан қишлоқ аҳолиси эўр ташвишга тушди. Оломон оқ калтак-қора калтак блан қуролланиб, қамиш ёқиб, машал қилиб, катта тўқай оралаб кетган қинғир-қийшиқ ва балчиғи билжиллаб ётган сўқма йўлдан шовқин солиб хай-хайлашиб кетабошлади.

Оломон бир манзилга етганида одам эти ва суякларни ҳар жойҳар жойда сочилиб ётганини, ундан сал нарироқда эса пиёладай кўзлари ёниб, қонли тишлари иржайиб турган катта бир йўлбарс ётганини кўрди. Оломон тўхтади. Оломон блан йўлбарс гўё ит мушукка тикилгандай узоқ тикилишиб қолдилар. Маш'аллар яна баландроқ ёнди. Йўлбарс ўт алангасидан қўрқиб ўрнидан қўзғолиб, тўқайга бурилди ва бир зумда, қамишларни шотир-шутир қилиб, кўздан ғойиб бўлди. Оломон парча-парча этларни, суякларни йиғиб қопга солди. Эртаси куни марҳум дафн этилди.

Новрўзбой кўприги

Чангалзорлардай қалин тўқайзор, қўғазор ва сув блан билашиб ётган чуқур ботқоқликлардан иборат бу ерларда одамзотнинг тирикчилик ўтказиши жуда қийин ва мушкул эди. Ҳозирги кафтдай текис кенг ва бепоён далалар ўртасида салобат блан узоқлардан кўриниб турган Қўзтепа (Қўзи тепа), Ой Молой тепа, Кетман тепа, Дурмон тепа, Хўжақул тепа каби бирнеча ўн метр баландликдаги тепаликлар ҳам бир вақтлари шу баланд ўсган қамиш, қўғойлар ўртасида кўринмас эди.

Шарқ томондан Оҳангарон, жануб томондан Сарисув (Сарға сув) шимол томондан Чирчиқ дар'ёси блан чегараланган ва жуда

Бир куни ўзи камбағал бўлса ҳам олийҳимматли Новрўз деган кўп майдонни эгаллаб ётган бу ерларни, илгари вақтларда, бирнеча тепага эга бўлгани учунми Бой тепа деб аталарди. Лекин бу ерлар одамлар учун бенаф ва бефойда эди. Бу кенг тўқайзор ўртасида қадим вақтларда Жовилбақа, Облотилаб, Ўрмон боласи, Жўз, Оғон ой, Олақўз бақа, Емонбўлис бақа каби бирнеча майда-майда қишлоқчалар бўлса ҳам, бу қишлоқларда яшовчи халқнинг турмуши жуда ёмон эди. Улар бу бепоён тўқайзорларнинг сувни қочириб экин қилолмас эдилар. Ҳиммат қилганлар кўп машаққат-

ли меҳнат блан бироз шоли ва мош экиб олардилар. Бошқа экин битмас, маккажувори экиб бўлмас, тўнғизлар қирқиб кетар эди. Бу тўқайзорда туя, қўй каби ҳайвонларни асраб ҳам бўлмасди, иқлими, суви тўғри келмаганиданми тез ўлиб қолар эдилар.

Бу ердаги қишлоқчалар бир-биридан узоқ эмас, ораси бир-икки чақирим келарди. Аммо ўртада кўл бўлиб ётган сувлар бу қишлоқларни бир-биридан ажратиб қўйган, бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа бориш учун бирнеча километр масофани айланиб ўтиш керак бўларди. Жовилбақа қишлоғи блан Облотилаб қишлоқларининг ўртаси тахминан уч чақиримча келса ҳам ўртадаги кўл бу икки қишлоқни бир-биридан тамом ажратиб қўйган эди. Бу икки қишлоқ аҳолиси бир-бири блан алоқа қилишни кўпдан умид қилиб келсалар ҳам илож тополмасдилар.

Бир куни ўзи камбағал бўлса ҳам олийҳимматли Новрўз деган киши чим босиб шу кўлга кўприк солиш, бунинг учун ўзининг бир-гина хўкизини сўйиб беражагини айтиб халққа мурожаат қилади. Халқ эса унинг сўзини қувватлайди. Кўп вақт сарф қилиб жуда кўп оғир меҳнатлар блан халқ чим босиб кўпригини битказади. Бу кўприкни халқ Новрўзбой кўприги деб атайди. Бу ерда яшовчи халқлар ўртасида машҳур ва ма'лум бўлган бу кўприкдан фақат пиёда ва от блан ўтиш мумкин, арава ўта олмас эди. Бу ердаги халқ умуман арава нима эканини ҳам билмас эди.

Қуйи Чирчиқ районига қарашли ва ҳозирги Ўзбекистон беш йиллиги номидаги 10-нчи совхоз жойлашган, бу ерлар яқин ўтмишда шундай тўқайзор, ваҳший ҳайвонларга бой, одамлар учун бефойда, қоронғу ва чет бир ер эди. Турмуш оғир ва машаққатли. Экин майдони йўқ эди. Бу тўқайзорларни бузиб экин майдони қилишга ҳечкимнинг ақли бовар қилмас эди.

„Заб жойлар эканми?"

1932 йилнинг ёз кунларидан бири. Узоқ ва машаққатли йўллардан ўз кўч-кўронини ортиб келаётган чол атрофларга хорғин кўз ташлар, кеч бўлиб қоронғу тушганидан ҳечнарсани кўзи илғамас эди. Йўлнинг икки томони баланд дарахтлардай қорайиб кўринганидан у ўзича ҳархил тасаввур қиларди. Чол бирга кўчиб келаётган шеригига қараб:

— Шерик, жуда катта боққа кириб қолдик шекиллик, қарангга ҳалиям этагига етганимиз йўқ, — деди.

— Рос, шунинг ҳаммаси мева дарахтимикин? — деди шериги бироз гумонсираб.

Чол ўз сўзини қувватлади.

— Ҳали Қовинчидан ўтганда олмазор боғларни кўрмадингизми, қандай катта боғлар эди...

Ҳам сафар қўшнилар туни блан йўл юриб мазгилларига етиб аравадан кўчларни туширмаёқ дам олишга ётдилар. Ҳадемай тонг-ёришиб, шарқ томондаги баланд тоғлар орқасидан кун тиғлари темирчининг босғонидан сачраган учқун каби оламга сочилабош-

лаган эди. Баланд ўсган ва атрофларда дивайлаб турган қамишлар, қўғайлар енгил эсаётган тонг шабодаси блан аста силкиниб шилдирар эди. Лекин бу нотаниш, бегона ерлар чолнинг ўзига ёқмади. Қандайдир кўнгилсиз эди. Унинг ҳанги-манги учди.

— Шерик, — деди у киноя блан шеригига, — заб боғларга келиб қолибмиз-ку.

— Айтмадимми, сиз ишонмадингиз... — деди шериги афсусланиб. Икки ҳамсафар қўшни уйга жойлашди. Чолнинг хотини бу гадой топмас тўқайзор ичига келиб қолганига чидайолмас, аччиғ-аччиғ йиғлаб:

— Қаерларга олиб келиб қўйдингиз, вой шўрим қурсин, пешонам қурсин шўр экан, шуям жойми? — дерди.

Чол эса сирни бой бермай хотинига тасалли беришга уринарди.

— Хотин заб қизиқ гапларни гапирасанда, бу тақдирнинг иши. Нон-насиб қўшилгандан кейин илож йўқ. Шукур қил. Марғилондай катта шаҳар ҳам дадам раҳматликнинг айтишига қараганда бир вақтлари шу сингари тўқайзор экан. Мана ҳозир Марғилон тўқайзор бўлган деса ҳечким ишонмайди.

Хотинининг яна жаҳли чиқди.

— Албатта ишонмайдида. Марғилон қайдаю, бу тўқайзор қайда,—деди эрининг сўзини қайириб. Эр-хотиннинг бу хилда аччиғ-аччиғ гаплари кўп бўлди. Бу эса ҳарсафар кўнгилсиз ҳодисаларга, кўз ёшлари тўкилишига сабаб бўлди. Чолнинг хотини минг қилса ҳам бу бегона пастқам ерга эликалмас, у ҳамиша ўзи туғилиб ўсган юрти Фарғона район Ўзбекаввал қишлоғини қўмсар ва ўзича «у ер қандаю, бу ер қандай, шуям жой бўптими?» деб наҳв урар эди.

Чол бу ерлар блан яхши танишгач ундан-бундан сўзлаб хотинига тасалли беришга ҳаракат қиларди.

— Сен блан мен бу ерлар яхши обод бўлиб қолганида келибмиз. Илгари бу ерларда паққос экин экатурган ер йўқ экан, — дер эди. Аммо чол бу ерларнинг ҳар гектаридан тўрт центнер пахта ҳосили олишни эшитиб яна кўнгли чўкди. «Ҳаҳ, бир гектар ерга меҳнат қилиб тўрт центнер ҳосил олиш оворагарчиликка арзимас экан» дерди ўзича ва чуқур хаёлга толар, ҳасратини хотинига айтолмас эди.

Кунлар шу куйи ўтаберди. Сал кундан кейин чолга ҳам, кампирга ҳам бу ерларнинг бегоналиги, кўнгилсизлиги билинмай кетди. Иш кўп, бош қашишга ҳам вақт йўқ. Одам етишмайди. Ҳали зовир қазишга, ҳали йўл қурилишига, ҳали тўқайларга ўт қўйиб янги ерлар очишга, ҳали ариқларга цемент қулоқлар қилишга ва бошқа-бошқаларга кетма-кет одам сўралиб туриларди. Далада иш ундан ҳам кўп. Шу туфайли чол кампирнинг биринчи кунларда ўзаро бир-бирига қиладиган аччиғ-терс гаплари ҳам йўқолиб кетди. Улар ишга шўнғиб кетган эдилар.

Жўжани кузда санаш керак

Орадан кўп йиллар ўтиб кетди. Қотмагина, кўзлари ўйнаб турган кичкина гавдали, оппоқ, чўққи соқолли, ўнг юзидаги пистадай

бўртиб турган хол тинимсиз пир-пираб учиб турадиган, 67 ёшлар чамасидаги чол шудгор ичида нима бландир банд эди. Тонг ёришиб, қуёш тоғ орқасидан кўтарилабошлаганда ҳар туп ғўза тагига бир сиқимдан дори сепиб юрган тўрт қиз, ишни тугатиб, бўш челакларни кўтарганча ҳалиги чол қаршисига келиб тўхтади.

Қизлардан бири:

— Бўлдик ота, энди нима қиламиз? — деб сўради чолдан.

— Баракалла шаввозлар, баракалла, энди бир нафас дам олинглар, — деди-ю ўзи катта йўл ёқасидаги шудгорга қўйилган сувни кўздан кечириб кетабошлади. Бирдан унинг кўзи, узоқдан кўча чангитиб келаётган енгил машинага тушди.

— Ҳорманг, ота, — деди енгил машинадан тушган ўрта ёшли гавдаси чолдан ҳам чоғроқ киши.

— Бор бўлинг, — деб чол у кишининг олдига югуриб борди ва қадақ қўллари блан унинг кичиккина нозик қўлларини сиқди.

— Ғўзалар қалай, ғўзалар, — деди у киши, бироз шудгорни оралагач, — мазангиз йўқ-ку.

— Маза кириб қолар, — деди бироз андиша блан чол.

— Ҳозир кирмаган маза энди қачон кирарди, йўқ, очиқ гап шу. Сизга ишончимиз катта эди, юринг, мен сизга пахтани қандай ишлаш кераклигини кўрсатиб қўяй, — деди у киши ва чолни машинага ўтқазиб аллақаёқларга олиб кетди. Қизлар бу сирдан хабарсиз «нима бўлдикин?» деб ўзларининг кечаси яширинча олиб келиб ғўзага солган дориларидан хабардор бўлиб қолдимикин деб ташвишга тушдилар.

Машина Раҳмонов бригадасига етганда тўхтади. Улар ғўзаларни оралаб обдан кўрдилар ниҳоят у киши чолга қаради.

— Пахта мана бунақа бўлади. Сизнинг пахтангиз ҳам пахтами?

Чолга шу сўзнинг ўзи кифоя. балким ортиқча эди. У хижолатдан нима дейишни билмай, ўнғайсизланди.

— Ишлабди, раҳмат, қандини урсин, ўғил бола, — деб тан берди.

— Сиз нимага ишламадингиз? — деди ҳалиги киши та'на қилгандай.

— Гапнинг очиғини айтганда, — деди салмоқлаб, — жўжани кузда санаш керак.

— Бу гапингиз тўғри, лекин шундай бўлса ҳам...

Чол ўз звеносига яқинлашиб келганда кун тепага кўтарилиб қолган эди. Қизлар узоқдан унинг қорасини кўриш блан олдига югуриб чиқдилар.

— Нима гап, нима бўлди ота? — деб сўрашди. Чолни авзойи бузуқ ва паришонхотир кўрган қизлар ундан яна ҳол сўрашга иманар, ҳол сўраб чолни ҳижолат қилиб қўймайлик деб истола қилар эдилар. Шундай бўлса ҳам бир қиз ундан:

— Нима гап ўзи,нимага хафасиз? — деб сўради.

— Эй, қизларим, нима гап бўлар эди. Раҳмоновнинг ғўзаларини кўриб келдим. Ишни қойил қилибди. Баракалла ўшанга.

Чолнинг тан бериб айтган бу сўзлари қизларни ҳам анча хомуш қилди. Бироқ чол бироз ер чизиб ўтириб, қизларни бир-бир кўздан кечиргач, ўрнидан турди.

— Майли, майли ҳеч бокиси йўқ. Ҳеч хафа бўлманглар. Буёғи бизнинг қўлимизда. Бу махташ, махтанишлар ҳали хомчўт... Ғўза бундан буёққа ҳосилга киради. Шунинг учун ота-боболаримиз ҳам жўжани кузда сана деганлар. Биз улар блан кузда гаплашамиз, кузда. Ана унда кимнинг юзи ёруғ, кимнинг юзи қоралиги ма'лум бўлади. Қани, туринглар, шу деганларига бир иш қилайлик, — деди чол.

Чолнинг гинаси

Чол кечқурун ишдан чиқиб уйига борганда ҳам унинг ҳижолатлиги ҳамон ёзилмаган эди. Хотини олдига келтириб қўйган овқатдан бир-икки луқма олдида қўлини артиб нос чекди. Ҳар куни қилган ишларидан, тажрибаларидан кимларга ёрдам бергани, кимларга ёрдам бериш ҳақида директорга гапиргани ва бошқалар ҳақида анча маҳалгача ҳангамалашиб ўтирадиган эрнинг бугун жимжит ўтирганидан хотини ташвишда эди.

— Сизга нима бўлди, хомушсиз, дадаси, тобингиз йўқми?

— Ҳа, — деди гапиришни ҳам хоҳламаган чол ва супа устига солинган ўринга бориб чўзилди. Кеча кечаси туни блан пахтага дори сепаман деб ухламаган чол бугун ҳам ухлайолмади. Унинг қулоқлари остида директорнинг: «мазангиз йўққу, шу ҳам пахтами?» деб қилган та'наси ҳамон такрорланиб турар эди. Ой чиқиб тепага кўтарилганда ҳам ухламаган чол ўрнида тўлғаниб ётар эди. Унинг хаёлидан аввал баҳордан тортиб қилган меҳнатлари бир-бир ўта бошлади. Унинг кўз олдидан баҳорда энди ғўзалар қўш-қулоқ бўлиб чиқабошлаганда совуқ тушиб бутун меҳнатига зоя кетиш хавфи туғилгани, энг қалтис кунларда ғўзаларни совуқдан асраб қолиш учун кишлоқдан гўнг ташиб, ҳар туп ғўзани гўнг блан ёпгани, қаёқлардан **хашаклар келтириб**, неча кунлаб ухламай далаларда хашак, тезак тутатиб, ғўзаларни фалокатдан асраб қолганини эслади. Ҳатто бундан ўнбеш йил илгари «Ўзбекистон беш йиллиги» номидаги совхозга Фарғонанинг Ўзбекаввал қишлоғидан кўчиб келгани, янги кўчиб келган вақтларда бу ерларнинг кўпи тўқай, экин унмайдиган жой эканини, янги очилган ерлар кам унум, гектаридан фақат уч-тўрт центнер ҳосил олинадиган паст, ярим метр қазиса сув чиқиб кетадиган захкаш ерлар эканини, захни йўқотиш учун қандай зовирлар қазиганликларини, ҳатто бу қадимги тўқайзорлар ўртасида кенг ва тўғри йўл қурилишларига қатнашганларини, биринчи келган йилида шундай ёмон ернинг ҳар гектаридан ўттиз центнерга етказиб ҳосил олганини эслади. Совхозда Шермат ота деб ном чиқаргунча қанчалик меҳнати сингганини ўйлади.

Директор блан чол ўртасида бўлиб ўтган гапдан сўнг анча вақт ўтди. Чол «шу деганларига бир ишлайлик» деб қилган аҳд блан тинмай ишлар, неча йиллардан бери пахта ишида ортдирган таж-

рибасини ишга соларди. Ғўзалар қийғос кўсаклаб ҳосилга кирган, хатто юзга яқин кўсак қилган ҳар туп ғўза худди сада қайрағоч сингари қалин ва чор атрофга ёйилиб шохлаган эди. Кўп ғўзалар шохларини кўтараолмай эгилиб ётарди.

Яна директор машинаси чол звеноси олдида тўхтади.

— Ҳорманг, ишлар қалай?

— Бор бўлинг, бир нави.

Директор қийғос кўсаклаб ётган ғўзаларни кўздан кечиргач:

— Ҳуҳҳу, ишингиз жойида-ку, — деди.

— Чучварани хом санаб бўлмайди, ғалвирни сувдан кўтарганда кўрамизда, — деди чол камтарлик блан.

— Ҳалиҳам шу гапингиз қолмапти.

— Сизга шундай демай нима ҳам дердим.

— Камчилигингизни айтган бўлсам ёмон бўлдими? Махтаганни билган билар экан. Мана ёзи блан махтаган кишиларимиз бизни уялтирадиган бўлдилар.

— Баракалла, — деди чол муддаосидаги гапни эшитиб. — семизлигини қўй кўтаради, деб шуни айтади-да. Улар махтовни эшитиб, ўзларини йўқотишиб қўйишди. Пайтни қўлдан бой беришди.

Қурбонали полвон блан бел олишган чол

Куз. Пахтакорлар ғалвирни сувдан кўтарабошлаган. Қизғин пахта терими бошланган. Совхоз ишчиларида тиним йўқ. Ишга эрта чиқиб кеч қайтадилар. Ёзи блан меҳнат қилиб ундирган ҳосилларини ёғингарчилик бошланмай йиғиб-териб олишга шошиладилар. Шаҳарлардан ёрдамга ишчилар, хизматчилар, студентлар, қўшни колхозчилар, ҳатто ҳарбий хизматчилар келган. Буларнинг етиштирган мўл ҳосилларини нобуд қилмай, тез териб олиш учун кўмаклашишга келганлар. Барча пахтани тезроқ териб олиш учун ҳаракат қилади. Теримчилар ўз нормасини ошириб бажаришга уринади.

Терим вақтида кўп стахановчилар ўзини кўрсатди. Кўп донгдорлар пайдо бўлди. Икки киптида икки азамат ўтирадиган совхознинг 4-нчи бўлимидаги Қурбонали полвон звеносининг донгги «Ўзбекистон бешйилдиги» совхозигагина эмас, бутун Ўзбекистонга кетди. Унинг яхши ишлари ҳақида газеталарда очерклар ҳам босилди. Планни 210 процентга етказиб бажарди деган довруқ ҳар бир теримчига бориб етди.

Донгдор Қурбонали полвон планни 210 процентга етказган бўлса, чол — Шермат Ҳидиралиев планни 252 процентга етказди. Қурбонали полвон ишлайдиган бригада планни 86 процент бажарган бўлса, Шермат Хидиралиев ишлайдиган Тўхтасинов бригадаси планни 103 процентга етказиб бажарди. Шермат Хидиралиев олти гектар ернинг уч гектаридан планда кўрсатилганча ҳосил олган бўлса, уч гектаридан 80 процентдан ҳосил олди. Шу туфайли уни ва звено а'золарини совхоз дирекцияси бир қўй, карават, чит, дон ва бошқа нарсалар блан мукофотлади.

Шерматака пахта саройида сўнгги пахтасини топшириб турган-

да совхоз директори келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, Шермат аканинг планини 252 процент бўлганини билгач, у суюна-суюна уни табриклади.

Оёғи куйган товуқдай Шермат ота биринчи бўлим хотирни кезиб юрар эди. У кирмаган ҳавли, у кирмаган оғилхона, отхона, эски чолдивор қолмади. Ниҳоят у трактор парки рўпарасидаги қанча йиллардан бери маданий ўғит тўкилиб келаётган тепалик устига келиб тўхтади ва бел курак олиб келиб ерни кавлаб кўрди. Унинг юзида ёш болалардай қувонч пайдо бўлди, шошилганича бўлим бошлиғи Аҳмедов олдига югурди.

— Ўртоқ Аҳмедов, сизга бир илтимос бор.

— Хўш, — деди бошлиқ Шермат отага қараб.

— Шу янги келтириладиган маданий ўғитни бошқа жойга тўкдирсангиз.

— Нима учун? — деди таажжубланган Аҳмедов.

— Шу ўғит тўкилиб келган ер менга керак.

— Уни нима қиласиз?

— Эй ука, сиз билмайсиз, бу ернинг мағиз-мағизига доринниг кучи сингиб кетган, шуни ўз еримга олиб бориб солмоқчиман.

— Шундайми, майли, — деди табассум блан Аҳмедов.

— Бу битди, энди улов блан ҳам ёрдам қиласиз-да.

Шермат ота бўлим бошлиғи Аҳмедовнинг минг хил важига қарамади. Уни ҳоли жонига қўймади. У шу тупроқни ўз еримга элтиб солмай туриб кузги ҳайдовни ўтказмайман деб туриб олди. Звено аъзолари — қизлар оғиллардан гўнг, тепадан ўғитли тупроқ қазиб далага ташийбошладилар. Шермат ота ерида тракторлар ерларни палахса-палахса қилиб тўнтарабошлади.

Шермат отанинг руҳи баланд, ишончи зўр. Унинг қизлари ундан ҳам бардам. У бу йилги ишимиз ёмон бўлмади. Янаги йилимиз бундан ҳам серҳосил бўлади деб ишонади. Шунинг учун ҳам 67 ёшли чол йигитлардай бақувват, серғайрат, оёқлари дадил ва илдам босарди.

Л. УЛЬРИХ

ГОРЬКИЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН

1917 йилга қадар Горький асарлари ўзбек тилига таржима қилинмаган эди. Горькийнинг ўзи ҳам илгариги Русиянинг кўп жойларини бориб кўрган бўлса-да, лекин Ўрта Осиёга келмаган эди. Шундай бўлса ҳам, Горький илгариги Русияда яшовчи халқларнинг ҳаёти блан ҳаммавақт қизиқарди. Горький ўзи айтишига қараганда, у 12 ёшар болалик чоғида XVIII асрда босилган қандайдир «Янги араб эртаклари»ни ўқиб чиққан. Сўнгра Горький ўзининг мақолаларида ва очеркларида араб ва форс ёзучиларини, уларнинг асарларини бирнеча марта тилга олади. Октябрь революциясидан кейин Горький ташаббуси блан ташкил қилинган «Бутун Дун'ё адабиёти» нашриёти рус халқини фақат Русиядаги адабиёт, славян ва ғарбий Оврупо мамлакатларидаги адабиёт блангина эмас, балки «Шарқнинг образли тафаккури ва сўз ижодиёти» блан таништиришни ҳам ўзига вазифа қилиб қўяди. Горький бу нашриётни «Оврупада биринчи ва ягона» нашриёт деб ҳисоблаб, «Рус революциясининг ижодий кучлари туфайли шундай нашриёт вужудга келди» деб айтади. Горькийнинг фикрича «Ғарб халқлари орасида яшаб келган афсоналарга, қўшиқларга ва ҳикояларга шарқнинг кўпгина афсоналари ва қўшиқлари ҳам қўшилган—бу нарса халқ оммасидаги шеърий ҳиссиётларнинг ривожланишига, халқ ижодиётининг ривожланишига сабаб бўлган».

Горький 1919 йилда биринчи марта Ўзбекистонга тааллуқли гапларни айтади. У «Агасфер ҳақида афсона» деган китобга ёзган сўз бошида-Оврупонинг кўп асрлик фатҳлари ва Шарқ мамлакатларини қул қилиб келганлиги тўғрисида гапириб, шу қул қилинган Шарқ мамлакатлари орасида Хева, Бухоро ва Туркистонни ҳам санаб ўтади.

Кейинроқ Горький томонидан ёзилган «Клим Самгиннинг ҳаёти» деган эпопеяда Ўрта Осиёнинг чор руссиясининг мустамлакаси эканлиги бирнеча марта тилга олинади. Романдаги шахслар, жумладан меньшевик Попов Ўрта Осиё тўғрисида гапирар экан бошқа мамлакатларнинг империалистлари уни Русиядан тортиб олишлари мумкин деб айтади. Масалан Попов бундай дейди: «. . . Немислар бизни еб қўядилар, албатта шундай! Инглизлар ҳам японларни гижгижламоқдалар. Аммо ўзлари бизнингЎрта Осиёга тумшуқларини

суқмоқдалар». Ўша романдаги большевик Степан Кутузов эса ўзини «инқилобчи» деб юрган кишиларнинг сотқинлигини фош қилар экан улар тўғрисида бундай дейди: «Булар арзон мол! Ранг-баранг, ҳатто чиройлик бўлиб ҳам кўринади, лекин пишиқ эмас, бизнинг Ўрта Осиё халқлари учун тайёрлайдиган читларимизга ўхшайди». Романдаги баъзи шахслар эса, Ўрта Осиёни фақат «Жуда олис ерлар» деб тилга оладилар. Климнинг амакиси, сургундан қайтиб келган инқилобчи народник Яков Самгин бундай дейди: «Мен, оғайни, Тошкентда 20 йил турдим . . . каналлар қазидим. Ариқлар очдим. У ерда оғайни, ҳаммаёқ безгак блан тўла . . .». Горький ўз умрининг охирги пайтларида ёзган асарида турмушнинг ҳақиқий манзараларини тарихий жиҳатдан тўғри тасвирлайдиган лавҳалар яратади. У, улуғ Иттифоқимиздаги ҳамма республикаларни жуда яхши билгачи ҳолда, Русиянинг ўтмишда шу республикаларни мустамлика тариқасида эзиб келганлигини айтиб ўтади.

1928 йилда Горький Италиядаги Соррентодан Совет Иттифоқига қайтиб келганидан кейин Совет Шарқидаги халқларнинг ҳаёти тўғрисида ёзабошлайди. Унинг бирқанча мақолаларида, хатларида ва табрикларида Совет Иттифоқи халкларининг шу жумладан Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий, маданий меҳнат блан шуғулланаётганликлари тилга олинади.

Ҳаёт барқ ураётган Совет Ўзбекистони Горький асарларида 1930 йилда биринчи марта тилга олинади. Горький «Коммунист Таджикистана» газетасининг редакциясига ёзган хатида бундай дейди: «Мен «Рус киши» деб айтганимда бу сўзни грамматика та'сири блан одат тариқасидагина гапираман, лекин ўзбекми, тожикми, осетинми, яҳудийми, карелми, ким бўлишидан қат'ий назар, Совет киши тўғрисида гапираётганлигимни кўпдан бери ҳис қилиб ва билиб тураман». Сўнгра Горький иттифоқчи республикалар тўғрисида гапирган вақтда Ўзбекистон ва ўзбекларни албатта уқдириб кўрсатиб ўтади.

Горький 1930 йилларнинг бошида ёзган сценарияларидан бирида иштирок қилувчи шахслар орасида биринчи марта ўзбек боласини кўрсатади. (Бу асар Горький вафот қилганидан кейингина нашр қилинди. Асардаги воқиа боқимсиз болалар коммунасида рўй беради. Бу коммуна эски Русиядаги ёш жиноятчиларнинг тюрьма колониясига қарама-қарши қилиб кўрсатилган. Ундаги ўзбек боласи бошқа кўп боқимсиз болалар блан бирга эски турмушнинг барбод бўлиб, янги турмуш яратилаётганлигини кўриб, ҳайратда қолади. У, ялпи ишга аста-секин киришар экан, «Бу ерда ишлаш керак, аммо биз ишлашни билмаймиз. . .» деб алам қилгандай бўлиб гапиради.

Бу ўзбек боласининг бошқа боқимсизлар колониясидан келган болалар орасида негир боласи блан учрашуви диққатга сазовардир. «Ўзбек негр блан сўзлашиб турибди.

— Нимага сен қоп-қорасан? Нима бало — касалмисан?

— Мен негрман.

— Нега? Сени урганлари учун шундаймисан?

— Йўқ, аслй шундай туғилганман.

— Сени масқара қилишадими?
— Йўқ. Бу ердаги ўртоқлар жуда яхши.
Ўзбек бир туплади-да, нарига кетди, тўхтаб ўйлаб қолди».

Афсуски асар тамом бўлмаганлиги учун ўзбек образи ҳам тўлатўкис ишланмаган.

Бу ёзилиб битмаган ва Горький вафот этгандан кейингина эълон қилинган асарида ўзбек халқининг намояндаси улуғ ёзувчининг асарида биринчи марта адабий қаҳрамон тариқасида тасвирланганлигини кўрамиз.

Горький ташаббуси блан «Гражданлар уруши тарихи» ёзилаётган вақтда Горький Тошкентдаги «Комсомолец Востока» газетасининг редакциясига 1931-нчи йил сентябрь ойида телеграмма юборди. Горький шу телеграммада «Совет Ўзбекистони учун қаҳрамонларча курашнинг қатнашчиларига қизғин салом» юборганлигини билдиради.

Ўрта Осиёдаги гражданлар урушининг тарихига доир материаллар «Чўлларда уруш» деган ном блан Горькийнинг таҳрири остида 1935 йилда босилиб чиқди.

Горький 1934 йилда 1-нчи Бутун Иттифоқ Ёзувчилар қурултойида Ўрта Осиё миллатларининг намояндаларига қаратиб, «Поэзия марваридларини» яратаётган ва халқ орасидан чиққан кишиларни яхши асраш кераклиги тўғрисида васият қилди. Горький уларга: «Фольклорингизни тўплангиз, шундан ўрганингиз, уни ишлаб чиқингиз!» деди.

Максим Горькийнинг актив қатнашуви блан Улуғ Октябрь XX йиллигига бағишланган «СССР халқлари ижодиёти» деган китобда Ўзбекистон эртакчиларининг — Самарқанд райони, Қўқон, Фарғона водийси, Хоразм округи бахшиларининг қўшиқлари босилди.

Горький ўз умрининг охирида «Биз Игаркадан»миз деган китобини ёзган болаларга юборган мактубида Ўрта Осиёнинг пахтазорлари тўғрисида сўзлади; Иттифоқнинг ажойиб шаҳарлари орасида Ўзбекистон пойтахти Тошкентни ҳам тилга олиб ўтди.

Горький ўзининг хатларида ва мақолаларида Ўзбекистонга, Ўрта Осиёга ва унинг халқларига тобора кўпроқ эътибор бергани каби миллий ёзувчилар ҳам Горькийни кўпроқ тилга олабошладилар.

Горькийнинг тарихчиси И. А. Груздев қизиқ бир афсонани сўзлайди. Шу афсонага қараганда Горький Ўрта Осиёга келиб, Чорджўга борган ва Амудар'ёда балиқ овлаган эмиш. У, маҳаллий косибларнинг ҳунарларини иштиёқ блан ўрганиб, ҳатто Ашхабодда қурилаётган бир қурилишга қатнашган эмиш. Горький кўп нарсаларни ёзиб олиб, сўнгра «Менинг Туркистонга боришим» деган мақола ҳам ёзган эмиш.

Аммо Максим Горький ўзининг Туркистонга келиши тўғрисидаги бу уйдирма афсонани қат'иян рад қилган. Аммо шу афсонанинг пайдо бўлиши, халқнинг Горькийга бўлган муҳаббатини яққол ифодалайди.

I

Горькийнинг «Италия эртаклари» деган асарида қаҳрамон оналар тўғрисида бирнеча новеллалар бор. Шу новеллалар орасида IX эртакда (1913 йил) Самарқанднинг узоқ тарихини кўрсатучи воқиалар тасвирланган. Шу эртакда айтилишича, машҳур Амир Темурнинг зиёфатига бир хотин келиб, унинг аскарлари асир қилиб олган йигитлар орасида ўзининг ўғли борлигини ва шу ўғлини беришини талаб қилган. Шарққа доир бўлган бу ҳикоянинг Италияга боғланиши шуки, мазкур хотин «Узоқ Италиядаги Салернодан» келган, унинг отаси ва эри балиқчилик блан кун кўради. Бу ерда гап хотиннинг қайси миллатга мансуб бўлишида эмас, ҳамма гап шундаки, унда оналик меҳри бор, у кўп машаққатлар кўриб ва узоқ йўллар босиб Амир Темурнинг саройига келади ва зўр жасорат блан шу даҳшатли ҳукмрондан ўз ўғлини топиб беришни талаб қилади. Бу эртакда Амир Темур саройининг манзаралари яхши тасвирланган.

Ундан ташқари Горькийнинг 1916 йилда босилган «Амир Темур тўғрисидаги афсоналар» деган икки ҳикояси ҳам бор. Шу ҳикоялардан бирида бу ҳукмронни ўзининг донишмандлиги блан енгган бир тиланчи тасвирланади. Иккинчи афсонада Темурнинг худо блан қилган мунозараси ҳикоя этилади.

Максим Горькийнинг асарлар тўпламида биринчи марта э'лон қилинган (1923 йил) мақтончоқ девона ва машҳур ёлғончи Ҳаким Муқайма Пардадор тўғрисидаги ҳикоя ҳам мазкур ҳикояларга яқинлашиб келади. Унда бир вақтлар бутун Туркистонга танилган бир шахсни тасвирлайди.

Қадимги Ўзбекистонга алоқадор бўлган ва одатда Самарқанд афсоналари деб ном олган тўрт ҳикоя ўзининг бадиий хусусиятлари жиҳатидан «Италия эртаклари»нинг давоми дейиш мумкин. Гарчи Горькийнинг бу ҳикояларни қачон ёзгани аниқ ма'лум бўлмаса ҳам ҳарҳолда улар империалистик уруш олдидан ва шу уруш даврида ёзилган деб фараз қилиш мумкин.

«Италия эртаклари» яратилаётган даврда Горький Капрага қочиб бориб, яшашга мажбур бўлган эди. У, ўша вақтда Русиядаги халқларнинг ҳаётига доир афсона ва эртакларни тўплаб, бостиришга ҳаракат қилади. Горький 1912 йилда «Украинская Жизнь» журналининг анкетасига жавоб ёзганида, рус халқи ўз атрофида яшаб турган қабилаларни эзиш асосида «Улуғ Русия» яратишга йўл қўймайди деб айтади. Горький ана шу даврда Самарқанд афсоналарини яратади ва у блан Русиянинг ҳаётида ва жаҳон маданиятини ўстиришда ҳарбир халқнинг аҳамияти борлигини уқдириб ўтади.

Самарқанд афсоналари тўғрисида адабий татқиқодлар ёзилмаган деса бўлади. Аммо бу афсоналар Ўрта Осиё фольклорини қайтадан ишлашнинг намунаси деб фараз қилинади. Броқ, шу афсоналарга асос бўлган чин эртакларни топиш мумкин бўлмади. Горькийнинг бошқа эртаклари ҳам турли халқларнинг фольклори-

га нисбат берилсада, лекин уларга асос бўлган чинакам халқ эртаклари ҳали аниқ топилгани йўқ.

Горький ўз мақолаларидан бирида бундай деб ёзади: «Халқ қийматбаҳо моддий буюмлар яратучи кучгина эмас, шу блан бирликда у ма'навий бойликларнинг ҳам бирдан-бир ва туганмас манба'идир».

Горький ўз афсоналари ва эртакларини яратар экан, уларни тайёр халқ намуналаридан кўчириб олмайди, лекин у ҳаммавақт шу эртак ва афсоналарга яқин асарлар яратади. Горький асарларидаги энг муҳим мавзу'лардан бири унинг хотинларга ҳурматни ва уларнинг қаҳрамонлигини кўрсатиб беришдир. Масалан «Она» повести шулар жумласига киради. Шунингдек «Италия эртаклари» даги IX эртакда ҳам онанинг қаҳрамонлиги ҳикоя қилинади. Ҳатто баҳайбат Темур ҳам мазкур эртакда муштифар онага ёрдам беришга мажбур бўлиб қолади. Эртакда айтилишича «Баҳайбат чол ўрнидан туриб, онага индамай та'зим қилди». Узоқ мамлакатдан келган она, ўзининг ўғлига бўлган меҳри ва фидокорлиги блан ҳатто подшюлар, беклар ва саркардаларни ҳам қаҳрамон онанинг кучига қойил қолишга мажбур қилди. Ҳаёт яратучи она, ҳатто «ўз кучи блан ўлимни енгишга уриниб ҳаётни вайрон қилиб келган» кишини ҳам бош эгдирди. Бу қаҳрамон хотин хуштабиат шоир Кермонийни ҳам илҳомлантирди ва у «дун'ёнинг қалби тўғрисида» биз, одамлар, Она деб атаган шахснинг му'жизали қалби тўғрисида, «зўр хурсандлик блан» қўшиқ куйлади. Шарқ адабиётида хотин-қиз фақат ишқ-муҳаббат ва айш-ишрат воситаси деб тараннум этилади. Аммо Горький Шарқ мотивларига ўзининг илғор, чинакам инсониятпарвар фикрларини киргизди. Горький ўз эртакларида қадимги Самарқандни тасвирлар экан, у ердаги одамлар ва ҳокимларнинг «Улуғ кишиларни бизга туғиб берган!» онага дастлаб таажжубланиб, сўнгра та'зим қилиб қараганликларини кўрсатади.

Самарқанд афсоналарининг иккинчиси айниқса шоён диққатдир. Ундаги фактлар, воқиалар, номлар, ҳатто рақамлар, ҳаммаси тарихий дейиш мумкин. Аммо унинг сюжети, ғояси, воқиаларнинг бориши, шахсларнинг муносабати бутунлай сан'аткорнинг ижоди дейиш мумкин. Бу афсонанинг асосида қадимги Бухорога доир бўлган воқиалар ётади. Горький ёзган эртакда «Ҳаким бинн Ҳаким Муқаймо Пардадор» деб аталган шахс, Муҳаммад Наршахийнинг (X аср) Бухоро тарихида ёдланган Ҳошим бинн Ҳаким Муқаннани эслатади. Муқанна эса, Пардадор, ниқобдор демакдир. Наршахий ўз асарида Муқаннанинг ўзини худо деб атаб Ислом динига қарши халқ қўзғолони кўтарганлигини ҳикоя қилади.

Муқанна ҳаракати шу вақтгача илмий жиҳатдан таҳрир қилингани йўқ. Совет тарихчиси А.Якубовский Муқанна ҳаракатини прогрессив аҳамиятга эга бўлган халқ қўзғолони деб атайди. Тарихчи Вамбери ўзининг «Мовороуннаҳр тарихи» деган асарида Муқаннани тилсимотлар ва фанларни яхши билиб шуҳрат қозонган киши деб атайди. Шунинг учун ҳам у ўзини худо деб кўрса-

тиб юрган; унинг тарафдорлари жуда кўп бўлган. У қал'ада узоқ вақт қамал ичида ётганидан кейин нажот бўлиш умидини узиб, хотинларига заҳарли мусаллас ичирган ва ўзини ёниб турган оловга ташлаб ҳалок бўлган. Мана шу моментларнинг ҳаммасини биз Горький афсонасида учратамиз. Шунингдек мазкур афсонада Муқаннанинг хотини Банукининг номи ҳам бор. Аммо ёзувчи Муқанна ҳаракатини халқ қўзғолони қилиб кўрсатиш учун ўша вақтда етарлик ма'лумотларга эга бўлмаган. Горький ўзининг Муқаймосини бошқача тасвирлайди: «... Бутун дун'ё унинг қиличи блан қилган қаҳрамонликлари тўғрисида баралла куйлайди, аммо унинг ёвузликлари тўғрисида шивирлаб гапирди». Муқаймо халқни ўз атрофига тўплаб, уларга «Бутун дун'ёга ҳукмрон бўлиш, бутун дун'ёнинг қудрати ва шуҳрати менга мансуб бўлиши керак» деб уларга уқдирар эди. Худо унинг «Бу терс сўзларини» эшитиб «уни терслиги учун жазолашга» қарор қилган. Чунки «эзгу ишлар лаззатини кўрмаган ва хаёлотга мафтун бўлган киши разил кишидир!» Горький бунда меҳнат ва иш кишисини хаёлот блан машғул бўлган кишига қарама-қарши қилиб қўяди. Мана шунинг учун ҳам Муқаймо «Дили кўр», «Мақтанчоқ», «Улуғ ёлғончи» кишидир. Она тўғрисидаги эртакда бўлгани каби бунда ҳам Бануки унга қарама-қарши қилиб қўйилган. Горькийнинг асарида бу хотин мағрурланиб кетган кишини жазолаши керак. Бу камтар хотин ақлсиз ва мағрурликка берилиб кетган кишини фош қилишда ташаббускор бўлади. Бануки «ўз ҳукмдорига та'зим қилиб, маслаҳат беради ва одамларга ойнанинг шу'ласида ўз аксини кўрсатиб, уларни ҳайратда қолдириш кераклигини» айтди. Сўнгра Муқаймони фош қилиб, халққа ойнани кўрсатар экан: «Ҳукмдорингизнинг шуҳратини ортдирувчи нарса мана шу, фақат мана шу!» деб айтади. Бу хотин одамлар ўзларининг алданганликлари учун аламзада бўлиб, Муқаймони ўлдиришларини сезганидан кейин, Муқаймони шарманда қилиш учун унга дейди: «Сен ҳамма нарсани биласан, худо сенга мадад беришини ва сени ўлдирмаслигини ҳам биласан; тоғда гулхон ёқтириб унинг ичига кириб ғойиб бўл...» Бануки Муқаймонинг ўт ичига кириб ёниб кетганини кўради. У, Муқаймонинг ҳалок бўлганини кўриб, одамларга табассум блан «... ўзининг ёлғончилик гуноҳини ювиш учун» шундай қилди дейди.

Горькийни қизиқтирган нарса диний урушларнинг йўлбошчиси бўлган Муқанна эмас, балки ўзининг мағрурлиги ва ҳечбир асоссиз ўзини мақтаганлиги учун жазоланган, разил бир киши бўлмиш Муқаймодир. Муқаймонинг ўзини куйдириб юбориши унинг авлиёлигини кўрсатмайди, балки унинг қўрқоқлиги ва бефаҳмлигини кўрсатади.

Горькийнинг Самарқандга доир кейинги икки афсонасини тарихий жиҳатдан очиб талқин қилиб бериш мумкин эмас. Бу афсоналар Горькийнинг форс адабиётини анчагина ўқиганини кўрсатади. Бунда Шарқ ҳаётида кўп тарқалган мотив я'ни шоҳ блан тиланчи, шоҳ блан дарвеш мотиви талқин қилинади.

Горькийнинг бу афсонасида кўр тиланчи Шерали блан Буюк

Оқсоқ Темур тўқнашади. Тиланчи Самарқандга ҳоким бўлишни орзу қилади, Темур «камбағал тиланчининг кўнглига қаҳрамонлик орзуси тушиб қолганига» таажжубланиб Шералини бахтиёр қилмоқчи ва унинг орзусини рўёбга чиқармоқчи бўлади. Аммо қийматбаҳо тошлар блан безатилган ва бойлик ҳамда давлат ичида қолган тиланчи ўз кўнглидаги сирни айтиб қўяди — у яхши кишилардан садақа беришни, хайр қилишни сўрайди. Шундан кейин Темур *дарғазаб бўлиб, тиланчини дорга осишга буюради.* Горький шу новеллани қуйидагича тамомлайди: «Шундай одамлар борки, улар бир кўзли тиланчи ўз умрининг охирги дақиқасида — фақат шу онда — жаҳон ҳукмронига қараганда донишмандроқ бўлди, деб ўйлайдилар».

Авторнинг хулосаси ҳам шундай: одамнинг бахти одамлар устидан ҳукмронлик қилишда эмас, балки одамлардан, халқдан олган нарсамиздадир.

Ниҳоят Горькийнинг кейинги афсонасида Темурнинг худога эришиш имкониятини излаши кўрсатилади. Темур бунга эришмоқ учун донишмандлар таклиф қилган ҳамма йўлларни: меҳнатни, риёзатни, ишқни рад қилади. Унинг назарида меҳнат қулларнинг йўлидир; «риёзат — кўнгилнинг уйқуси ва йўлдан озишидир», *одамларга муҳаббат* ва ишқни эса, у тушунмайди: «Ишққа берилган кишиларни биз йўлдан озган кишилар деб атаймиз, шунинг учун ҳам улар жирканишгагина сазовордирлар...». Ниҳоят у бўрон ва довулда худонинг овозини эшитиб, худонинг кимлигини англайди. Худо Темурни **«Ўлимдан ҳам даҳшатлироқ нарса блан»** жазоламоқчи бўлади. Темур вайрон қилиш ва емириш блан маст бўлиб, етмиш етти йилдан кейин ўлади. Лекин у, ўзининг севган қиличидан ажралаётганда ачинар экан, шунда ҳам ўзининг мақсадига нима учун етолмаганини англамайди, чунки «ботқоқликдаги бақани осмон гўзаллигини тушунишга мажбур қилиб бўлмагани каби, одамнинг қалбида йўқ нарсани ҳам унга тушунтириб бўлмайди».

Горький ўз асарида ҳикматли сўзларни айтиши, воқиаларни қисқа ва лўнда қилиб ифодалаши, чиройлик ва гўзал ифодалар топиши блан Шарқ поэзиясига яқинроқ асарлар яратади. Унинг афсоналари худо ва улуғ шахслар олдида та'зим қилиш эмас, балки камтар ва оддий кишиларнинг қаҳрамонлигига қойил бўлиш керак деган хулосани чиқаради.

У воқиаларнинг тарихий жиҳатдан тўғри бўлишига қизиқишдан кўра лозим ва матлуб бўлишни тақоза қилучи турмуш ҳақиқати блан *кўпроқ қизиқади.*

II

Горький асарларининг Тошкентда биринчи марта нашр этилиши

Русияда Шуҳрат қозонган Горький тез фурсатда бутун дун'ёга ҳам ном чиқарди. Чор ҳукумати уни *ҳамавақт кўз остига олиб*

юрар эди. У, ўз асарларининг инқилобий руҳда бўлиши блан шуҳрат қозонганлиги учун чор ҳукумати кўп ташвишланар эди. Октябрь революциясидан олдин Горькийнинг айрим ҳикояларини Русиянинг чет ўлкаларида босишга камдан-кам ижозат берилар эди. Туркистон сингари узоқ ўлкаларда Горькийнинг айрим асарларини маҳаллий миллатларнинг тилларига таржима қилдириб бостириш уёқда турсин ҳатто ўзича нашр этишга ҳам йўл қўймас эди. Цензура ўзи «сезмай қолиб» босишга рухсат берган бирмунча асарларни, масалан «Бўрон қуш қўшиғи», «Она» асарларини ўқишни тақиқлаб қўйди. Горькийнинг бир қанча асарлари (масалан «9 январь» очерки) бутунлай тақиқланди. Бу асарлар ўша вақтда қўлёзма ҳолида ва ёки чет мамлакатларда бостирилиб тарқатилар эди, Октябрьдан кейингина улар Русияда нашр қилинадиган бўлди.

Аммо Горькийнинг Русияда тақиқланган, асарлар тўпламидан ҳеч бирига кирмаган «Қибирланиб кетган ёзувчи» деган ҳикояси биринчи марта Тошкентда 1901 йил кузида «Русский Туркистон» газетасига босилганига ҳайрон қолиш мумкин.

Горькийнинг бу асари газетада «Фельетон» тариқасида босилди. Бу ҳикояда шуҳратга мағрур бўлиб кетган бир ёзувчининг ўз атрофидаги мақтаб юрган кишиларнинг кимлигини фаҳмлаб қолганлиги тасвирланади. Кунлардан бир кун у, шундай одамлар блан тўқнаш келиб қолиб, уларнинг хоинлигини, сотқинлигини очиб ташлайди. У бундай деди: «... Сизлар одам эмассизлар, балки тамошабинсиз». Ёзувчи қорин тўйдиришдан бошқа нарсани билмайдиган, турмуш қули бўлиб қолган бу мешчанларни фош қилиб сўзлайбошлайди. «Халойиқ аста-секин тарқала бошлайди», лекин ёзувчи ўз гапини давом этдириб, «яқин фурсатда бошқа кишилар, дадил, софдил, кучли кишилар ...» келишига ишонганлигини да'во қилобошлайди.

Фельетон охирида қуйидаги хулосани чиқаради:

«Халойиқ блан иш кўрадиган ҳарбир киши вақти-вақти блан ўз теварагига ҳақиқатнинг карбол кислотасини сочиб, ҳавони тозалаб туриши керак.

Ҳамма гап шунда ...»

Тошкент газетасида бу фельетон редакциянинг қуйидаги изоҳи блан босилиб чиқди: «Горький Москва театрларидан бирига борганида халойиқ орасида ҳархил гаплар пайдо бўлди. Бу фантазия Горькийнинг шу гапларига жавобидир. М. Горький А. Чехов блан бирликда театрга борган эди. Одамлар уларни кўриб, шовқун-сурон блан чапак чалиб, олқишлаганлар, лекин халойиқнинг бундай барала олқишлаши Горькийга қуруқ манзиратдек бўлиб кўринган. Шунинг учун ҳам у бу нарсанинг ўзига ёқмаганлигини билдирмоқ учун буни оддий равишда ва дангал қилиб, русча ифодалаб берган».

Ҳақиқатан ҳам бу фельетон Москва театрларидан бирида бўлган воқиага жавобан ёзилган асардир. Горький ёзувчи Чехов блан бирга 1900 йил, 4 ноябрьда театрга борганида, танафис вақтида, халойиқ уни кўришга қизиқиб қуршаб олган. Максим Горький ха-

лойиқнинг бунчалик беандишалик блан ўраб олганлигига кўп хижолат тортган. Шунинг учун ҳам у, халққа бирнеча аччиқ гаплар айтган. Шундан кейин, газеталар Горькийни дағал ва қўпол деб айблаб шовқун-сурон кўтарган эдилар. Бунга жавобан Горький «Северьний курьер» газетасининг редакциясига хат юбориб, халойиққа қилган муомаласини қуйидагича изоҳлади: « Сиз жанобларнинг менга шундай э'тибор блан қараганингиз учун кўп раҳмат! Лекин буни мен тушунмайман. Мен Венера Медицейская эмасман, балерина эмасман, сувга ғарқ бўлган киши эмасман-ку, ахир, ҳикоя-ёзадиган кишининг қиёфасида қизиқадиган нима нарса бор»! Горький бу изоҳни бериш блан кифояланмай «Қибрланган ёзучи ҳақида» деган фельетонни ҳам ёзди. Бу фельетон оч яҳудийларга ёрдам учун чиқариладиган тўпламга атаб ёзилган эди. Лекин цензура уни тўпламда босишга рухсат бермаган бўлса керак, 1901 йил, март ойида литографияда нашр қилиниб тарқатилди.

Ўша вақтда инқилобий воқиалар кучаймоқда эди. «Жизнь» журналининг апрель сонида Горькийнинг «Бўрон қуш қўшиғи» босилиб чиқди. Горький 17 апрельда бирқанча айблар блан айбланиб Нижне Новгород шаҳрида қамоққа олинди ва Арзамасга сургун қилинди. Аммо Горькийда сил касали яна қўзғалабошлагани учун вақтинча Қримга бориб даволанишга рухсат берилди. Халқ Горькийни тантана блан кузатмоқ учун пул тўплаб зиёфат қилди. Бу зиёфатга ҳархил тоифадан бўлган кишилар тўпланган эди. Горькийга ёқмайдиган ва ма'қул бўлмайдиган кишилар ҳам кўп эди. Ана шу зиёфатда Горький ўзининг «Қибирланган ёзучи ҳақида» фельетонини ўқиб берди. Горький фельетонидаги гаплар шу зиёфатда бўлган ба'зи кишиларга ҳам тааллуқли экани ма'лум бўлиб қолди. Лекин Горькийнинг ҳақиқий муҳиблари ёзучи бу асарида маҳ мадана зиёлиларни дангал фош қилганини, чинакам курашга чақираётганлигини дарров пайқадилар.

Горькийнинг фельетони ҳақиқатан инқилобий аҳамиятга эга эди. Бу нарса 1901 йил, 7 ноябрьда Нижне Новгород вокзалида Горькийнинг кузатиш маросимида ҳам яққол кўринди. И. Груздевнинг ёзишига қараганда «Банкетда чиройли нутқлар сўзлаган либерал зиёлилар кузатиш учун кўчага чиқмади». Аммо инқилобий ёшлар бу кузатиш маросимини чоризмга қарши сиёсий намойишга айлантириб юбордилар. Ленин 1901 йил, 20 декабрьда бу тўғрида «Искра» газетасида мақола ёзди. Ленин «Намойишнинг бошланиши» деган ва шу масалага бағишланган мақоласини қуйидаги сўзлар блан тамомлайди: «Бу кичик ўтлар катта алангага айланиб ёниши учун ҳам ёзучи фикрларининг партиямиз ва унинг доҳиси томонидан қилинган сиёсий хулосаларга яқинлашгани тасодифий бир нарса эмас. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, Ленин худди шу 1901 йилда биринчи марта Горькийнинг ижодиётига мурожаат қилади. Ленин 1902 йилда э'лон қилинган ўзининг «Нима қилмоқ керак» деган асарида Горькийнинг шу фельетонини тилга олади. Бу нарса Горький асарларининг инқилобий аҳамияти нақадар катта бўлганини яққол кўрсатади.

Шунинг учун ҳам «Қибирланган ёзувчи ҳақида» фельетонининг Тошкент газетасида босилиши, айниқса диққатга сазовар фактдир. Бу фельетон Тошкентга қандай қилиб келиб қолган ва унинг босилишига сабаб нима? Газета редакцияси ўзининг изоҳида бундай дейди: «Биз бу фантазияни авторнинг ўз рухсати блан кўчириб босдик».

Агар «Русский Туркестан» газетасини диққат блан кўздан кечирсак, унда Горький фельетонининг босилиши тасодифий бир нарса эмаслигини кўрамиз. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, хусусий кишиларнинг пулига нашр қилинаётган бу газета ўша вақтнинг илғор газетаси бўлиб, муҳим ижтимоий масалаларни кўтариб чиқар, демократик йўл тутар эди. Кейин, 1905 йилда газетани таҳрир қилиш большевик М. В. Морозовга топширилгандан кейин «Русский Туркестан» ленинчи инқилобий йўл тутучи социал демократик орган бўлиб қолди.

Бу газетанинг рус хроникаси бўлимида Горькийнинг номи кўп тилга олинар эди. Ба'зан Горькийнинг соғлиғи ҳақида, унинг янги асарлари, чет мамлакатларда Горький асарларининг таржима қилиниб босилганлиги тўғрисида пойтахт газеталаридан олинган хабарлар босилар эди. Аммо редакция Горький асарлари, унинг тўғрисидаги ма'лумотларни Нижне Новгороддан бевосита олиб турганлиги ҳам аниқ ҳақиқатдир, ўша вақтда Горький Нижне Новгородда яшар эди. Газета хабарларидан бирида «Нижегородский листок» газетасида Максим Горькийнинг «Олтин рота учун» деган мақоласи босилганлиги айтилади ва шу мақоладан анчагина гаплар келтирилади. Бу мақола ҳеч қаерда кўчириб босилмаганлиги шуни кўрсатадики, Тошкент газетаси уни «Нижегородский листок» газетасининг Тошкентга келган нусҳасидан олиб босган.

Газетанинг 1901 йил, 20 ноябрьдаги сонида Горькийни Қримга кузатиш мақсади блан ўша йил 5 ноябрьда бўлган банкет тўғрисида ҳам тўла ахборот берилган. Горькийнинг ҳурмати учун ўша банкетда ўқиб берилган тақдирнома ҳам босилган, ҳолбуки бу нарса пойтахт газеталарида босилмаган эди.

«Русский Туркестан» газетасининг 1901 йил, 16 сентябрьдаги 477-нчи сонида ҳақиқатга унчалик тўғри келмайдиган «М. Горькийни янги асари» деган бир хабар босилади. Бу хабарни тўла равишда келтирамиз: «Ўзининг асарлари блан Францияда ва Германияда кўпчиликнинг диққатини жалб қилган М. Горький «Ёзувчи тўғрисида» деган жуда муфассал танқидий асар тайёрламоқда.

Горький асарларининг та'сири — жуда кўнгил кўтарадиган та'сирдир. Шунинг учун ҳам бу талантли ёзувчининг ва сергайрат кишининг «Ёзувчи тўғрисида» деган янги асар устида ишлаётганлиги ҳақидаги хабар анча қувончли хабардир».

Ҳеч шубҳасиз, бу хабар Горькийнинг пойтахт матбуотида босилмаган ва ёзганига анча бўлган «Қибирланган ёзувчи ҳақида» фельетонига бевосита алоқадордир.

Шу нарсани назарда тутиш керакки, чор ҳукумати даврида

Тошкент сургун жойи бўлиб, бу ерга инқилобий руҳдаги кишилар сургун қилинар эди. Булар орасида Горькийни яхши билган ва унинг инқилобий фаолияти блан алоқадор бўлган кишилар бўлиши табиий эди. 1901 — 1902-нчи йилларда Тошкентга студентлар исёнига тааллуқли бўлган студентларнинг кўпи сургун қилинди. Булар орасида волгалик студентлар ҳам бор эди. Масалан, Москва университетининг собиқ студенти Борис Владимирович Морковин тўғрисидаги дело топилди. У, «Давлатга жиноят қилишда айбланиб тергавга тортилган ва полицияга назорат қилиш учун топширилган». Марковин Нижне Новгород шаҳрига Москвадан сургун қилинган. Лекин у ердан Тошкентга кўчиб келишга рухсат берилгани сабабли, 1901 йил 9 июньда Тошкентга келган.

Морковиннинг 1901 — 1902 йилларда Нижне Новгороддаги махфий социал-демократлар ташкилотларининг Морковин уйида бўлиб турадиган мажлисларидан хабардор эканлиги ҳеч шубҳасиз. Шу мажлисларга Горький ҳам актив қатнашар эди.

Мана шунинг ўзидан Горький тўғридаги ма'лумотлар ва унинг босилмаган асарлари Тошкентга қандай йўллар блан келганлиги аниқроқ ма'лум бўлади. Тошкентнинг узоқлиги, бош цензура комитетининг бу ерга та'сири камроқ бўлганлиги Горький асарларининг «Русский Туркестан» редакцияси томонидан э'лон қилинишига имкон берган. Шунинг учун ҳам пойтахт газеталарида босишга ижозат берилмаган. «Қибирланган ёзучи ҳақида» фельетони Тошкент газетасида босилиб чиққан. Горький асарларининг Тошкентда босилиши жуда катта аҳамиятга эга. Тошкент газетасида босилган бу фельетон Жанва ва Берлинда бирнеча марта кўчириб босилди. 1902 йилда Берлинда «Максим Горький. Уч ҳикоя» брошюраси босилиб чиқди. (Буни рус цензураси тақиқлаган эди). Шу брошюранинг охирги сўзида қуйидагилар ёзилган: «Бундан ярим йилча аввал узоқ бир вилоятда нашр қилинадиган кичик бир рус газетаси ғоят маҳаллий аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан, бутун рус матбуотининг ва ҳатто бутун рус газетхонларининг диққатини тўсатдан ўзига жалб қилди. Гап шундаки, мазкур газета Горький томонидан «Қибирланган ёзучи ҳақида» деган ном остида ёзилган фельетоннинг мазмунини жуда муфассал баён қилиб берди».

Бунда гап «Русский Туркестан» газетаси устида бораётганлиги мутлақо равшан. Автор газетанинг номини атайн айтмаган. Чунки, агар газетанинг номи айтилса эди, чор ҳукумати уни қувғин остига олиб, тақиқлаб қўйиши мумкин эди.

Бирнеча йил ўтгач, биринчи рус революциясидан кейин, чет мамлакатларда босилган ба'зи бир асарларни Русияга киргизиш масаласи қўзғалди. Ўшанда Петербург цензура комитетининг раиси А. Кателин Горькийнинг 1902 йил Берлинда босилган «Уч ҳикоя» деган брошюрасини ўтказмасликни таклиф қилди. «Русский Туркестан» газетасида биринчи марта э'лон қилинган бу фельетоннинг Русияда тарқалишига чор ҳукумати жур'ат қилолмади, унинг инқилобий та'сири кучайиб кетишидан қўрқди.

Горький Ленин талаб қилганидай чинакам халқ трибуни бўлиб қолган эди. Горькийнинг унчалик малум бўлмаган ҳикояси Тошкентдаги «Русский Туркестан» газетасида босилиши Горький инқилобий сўзининг Русиянинг энг узоқ бурчакларига ҳам бориб етганини яққол кўрсатади.

«Кибирланган ёзувчи ҳақида» фельетони бундан ярим аср бурун ёзилган бўлишига қарамасдан, ундаги ғоялар ўз аҳамиятини хали ҳам йўқотгани йўқ. Ҳозирги вақтда бизнинг Совет Иттифоқида унда баён қилинган яхши фикрларни амалга оширилаётганини кўриб турибмиз. Аммо ундаги фош қилувчи фикрлар Ғарбий Оврупода ва Америкада «кибирланиб кетган» ҳозирги ёзувчиларнинг кўпига қаратилиши мумкин. Бундай кибирланган ёзувчилар мақтовчиларнинг олқишига ва берган долларига мағрур бўлиб юрмоқдалар. Горький фельетонида буржуа оламидаги ёзувчиларга, китобхонларга ҳам қаратиб айтилган аччиқ гаплар ўз аҳамиятини ҳали ҳам йўқотгани йўқ.

Шу асрнинг бошида ёзилган фельетон Горькийнинг Совет даврида ёзилган асарлари блан бевосита боғланган. Горький кейинги вақтларда ҳам Оврупо блан Американинг сотқин адабиёти ва журналистикасини фош қилишни ҳормай-толмай давом этдирди. Горькийнинг «Буржуа матбуоти тўғрисида» деган асари (1930 йил) яқиндагина биринчи марта э'лон қилинди. Горький шу асарида бундай дейди: «Хизматкорнинг хўжайинлар тўғрисидаги дангал ҳикояларини эшитиш фойдали бўлгани каби, буржуа матбуотини ўқиш ҳам шундай фойдали». Горький буржуа журналистлари тўғрисида ўз фикрини қуйидагича ифодалайди: «Улар моҳир кишилар, лекин уларнинг ҳунари оғир ва нотинч бўлгани учун уларда одамларга нисбатан бениҳоя парвосизлик блан қараш туйғусини туғдирган, шунинг учун ҳам улар, психиатрик касалхоналарнинг хизматчи хотинларига кўпгина ўхшаб кетадилар».

Биз Максим Горькийнинг «Кибирланган ёзувчи ҳақида» фельетонини мисолга олиб, унинг асарларидаги жуда катта сиёсий ғоялар ҳақиқатан ҳам уни ҳамма жойда ва ҳаммавақт энг зарур ва муҳим бир шахсга айлантирганини кўрсатиб ўтдик.

Горький эски Туркистоннинг ҳаётидан узоқда бўлса ҳам ундаги илғор кишиларнинг онгига ўша вақтдаёқ қаттиқ та'сир қилабошлаган. Горькийнинг бутун Русия блан мустаҳкам боғланганлиги тобора кўпроқ сезилабошлади. Фақат совет замонидагина Горькийни Ўрта Осиёнинг, Ўзбекистонимизнинг ҳаётидан ажратиш асло мумкин эмаслиги яққол кўринабошлади. Горький бадиий сўзларининг, ўткир ғояли нафис асарларининг Ўзбекистон маданиятига ва адабиётига кўрсатган ва кўрсатаётган та'сири тўғрисида ҳали кўп асарлар ёзилади.

М. БОБОЕВ

„ПЎЛАТ ҚУЮЧИ“ ПОЭМАСИ ҲАҚИДА

Поэзиямиз ўз мазмуни ва формаси блан борган сари ҳаётга, халққа яқинлашиб бормоқда. Унинг саҳифаларидан суюқ фикрлар, обстракт иборалар, китобий тасвирлар, дабдабали сўзлар йўқолиб уларнинг ўрнини чуқур ғоявийлик, конкрет иборалар, оригинал тасвирлар ҳаммабоп сўзлар эгаллаб бормоқда. Бу бурилиш, ўзбек совет адабиётида, шу жумладан поэзиямизда ВКП(б) Марказий Комитетининг адабиёт ва сан'ат ҳақидаги кейинги тарихий қароридан кейин юз бердики, бу ёзучи ва шоирларимизнинг қизғин ижодий ишга киришганликларини кўрсатади. Мана шу жиддий ижодий меҳнат натижасида проза, айниқса поэзия жанрида кейинги вақтда катта полотнолар майдонга ташланди. Бу ғоят хурсандликдир, чунки «Адабиёт халқнинг жони ва тани бўлган бир ишдир. Шунинг учун ҳам бизнинг бу соҳадаги ҳарбир муваффақиятимизни, майдонга чиққан ҳарбир қимматли асарни халқ ўз ғалабаси деб билади» (Жданов).

Асқад Мухторнинг «Пўлат қуючи» поэмаси ҳам шу жумладан ва бу, шоирнинг ўз ижодида дадил қадам қўяётганини кўрсатучи бадиий асардир. Поэмага олинган тема, воқиа, детальлар, образлар ва поэтик интилиш, авторнинг олдинги бирқанча ше'рларидан катта фарқ қилади. Поэманинг ҳарбир бобини ўқир экансиз, дарров шоирнинг аввалги ше'рларида учрайдиган ва ҳозир ҳам бир қатор шоирларимиз ижодида судралиб келаётган тум-тарақай гаплар, ўқучининг ме'дасига теккан ғайри табиийликлардан қутилиб бораётганини, я'ни турмушга анча яқинлашаётганини ва шунинг блан бирга мисра'ларни яратишда жиддий меҳнат қилишга уринаётганини пайқайсиз.

Ўзбек совет поэзиясида саноат темасида ёзилган жиддий бир асарнинг йўқлигини ва бу теманинг айни вақтда яна актуаль эканини ҳисобга олиб, айтиш мумкинки, Асқад Мухторнинг «Пўлат Қуючи» поэмаси ўз вақтида ёзилган ва муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бир асардир. Чунки, республикамиз сталинча қатор

бешйилликлар натижасида илғор қишлоқ хўжалик мамлакати бўлибгина қолмасдан, йирик саноатлашган ўлкага айланди. Энди бунда ўзбек халқининг пахтадан юқори ҳосил етиштируви колхозчилари, завод ва фабрикалардаги малакали ишчилари блан бир қаторда инженерлари слесарьлари, монтажчилари ва пўлат қуючилар ҳам бордир.

Шоир Асқад Мухтор ўз поэмасига ана шу темани, саноат темасини олиб, ҳажми э'тибори блан кичик бўлсада, аммо ўз олдига қўйган мақсадни анча муваффақият блан ҳал қилабилган, я'ни оддий пахтакор колхозчи йигитнинг қандай қилиб пўлат қуючи бўлиб етишганини реаль, муболағасиз, ҳаётнинг ўзидагидай қилиб, бадиий тил блан ишонарли равишда кўрсатишга уринган.

Поэманинг асосий қаҳрамони бўлган Шомурод колхоз комсомол комитетидан қурилишга йўлланма олиб, минглаб колхозчилар блан бир қаторда Ўзбекистоннинг тўнғич металлургия заводини қуриш ишларига иштирок қилиш учун Фарҳод тоғи этакларига келади.

Тинимсиз изғиган ёввойи шамол,
Тоғлар қоясига уриб манглайин.
Ернинг тупроғини титиб,
Тўзғитиб,
Дарғазаб гирдобга чирмаб кўтарса,
На қуёш кўринар,
на юлдуз,
на кўк.
На кўкнинг уфуқида бир нарса.

Ана шундай ерда «кўп қадим афсоналарда минг-минг нафрат блан тилга олинган бу чўлда», мамлакатимизнинг қудратини яна ҳам кўтариш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу катта заводни барпо қилиш керак. Беҳисоб қақроқ чўлларда пўзал шаҳарлар, азамат завод-фабрикалар, электр станциялар бино қилган ва қилаётган совет халқининг ҳаётий традицияси бўлиб қолган бундай сон-саноқсиз қурулишлардан минглаб қаҳрамонлар етишиб чиққани бизга ма'лум.

Асқад Мухтор ўз қаҳрамонини осмондан тушгандай тайёр пўлат қуючи қилиб тасвирламайди. У ўз қаҳрамони қилиб миллионлардан бирини, оддий ёш бир совет кишисини олиб, типик шароит ва типик характерда гавдалантиришга тиришади. У буни кўп қийинликлар, иккиланишлар, тўсқинликларга учратиб, я'ни меҳнат процессида ҳам жисмоний, ҳам ма'навий томондан чиниқтириб камолатга етказади. Буларнинг ҳаммаси ўқувчининг кўзи ўнгида худди турмушнинг ҳақиқий лавҳасидай аниқ ва ишонарлик қилиб бериладики, қаҳрамоннинг босиб ўтган йўли, ба'зи нуқсонлардан қат'иназар, кишида ҳечқандай шубҳа қолдирмайди.

Кўпчилик блан қурулишга келган Шомурод ишнинг оғирлигини кўриб, иккиланади. Я'ни колхоз далаларида кетмон чопиб ўрганиб қолган йигит бу ердаги янги ишга бирдан кўникаолмайди, келгани-

ға афсус қилади. Тўсатдан учраган бу қийинчиликни бирдан енгиб кетаолмайди:

Тикан ҳам ўсмабди,
ер тақир тош.
Шамол ялмаб кетган бетини...
Бор ғайрати блан урди Шомурод,
Ут чақнаб,
қўлидан учди метини!
Тишлар орасида ғижирлайди қум,
Шамол тикка урар аптига,
Ўзича нимадир ғўнғиллаб полвон
Туфлаб-туфлаб қўяр кафтига.
— «Э аттанг,
бу ерга нима деб келдим»
— «Э тентак, мана шу азоб ўрнига
Колхоз адирида (?) битта қўриқ оч».
«Йигит узоқларга боқди кўнгилсиз,
Аммо кўз олдини тўзон беркитди:
Бугун ўрнатилган кигиз чайлани (?)
Довул алғов-далғов совуриб кетди».

Айниқса, бу аҳвол поэманинг «Меҳнат тонгида» деган бобида бошқача бир прием блан «туш» воситаси блан баён қилинадиким, бундан янги меҳнат шароитига кўникаолмаслик «азобини» қаҳрамоннинг руҳига яна қаттиқ та'сир қилганини кўрасиз. Лекин Шомуроддаги бу салбий руҳий кечирмалар узоққа бормайди, бунинг ўрнини ишга ҳавас, дадиллик ғайрат ва қаҳрамонлик каби ижобий туйғулар эгаллай бошлайди.

Бу руҳий ўзгаришни шоир қандай қилиб кўрсатади? Қаҳрамон бир ухлаб туриб пўлат шаҳрининг бинокори, ёки пўлат қуючи бўлақолмайди. Уни ўраб турган жанговар ҳаёт қаттиқ та'сир қилади. Уша кунларни бундай кўз олдимизга келтирсак, мана нималар эсимизга тушади: 1943 йил, Улуғ Ватан урушининг қизғин пайти. Мамлакатимизнинг ғарбий районларидан кўчирилиб келтирилган катта ишхоналар ишга тушурилмоқда. Янги-янги завод-фабрикалар, конлар шошилинч равишда ҳарбий изга солиниб, фронт талабини қондириши керак. Совет Информбюроси хушхабарлар эшитдирмоқда. Қаҳрамон совет жангчилари Сталинград остоналарида немис-фашист қўшинларига қаттиқ зарбалар бермоқда. Мамлакат ичкарисида эса миллион-миллион совет кишилари, айниқса хотин-қизлар ва ёшлар ўзларининг фидокорона меҳнатлари блан фронтга озиқ-овқат, ўқ-дори ва танклар, самолётлар, тўплар, замбараклар ясаб, кетини узмай, етказиб бермоқда. Ҳамманинг жисмоний ҳам руҳий қуввати душман устидан узил-кесил ғалаба қозонишга қаратилган. Бу муқаддас ишга ҳарким ўз ҳиссасини қўшишни истайди.

Ана шу жанговар ҳаёт, қизғин меҳнат, ватанга бўлган садоқат, ёвуз душманга бўлган нафрат туйғулари Шомуродни ғайратланти-

ради ва унинг янги ишга, бундаги қурилиш ишларига ҳавасини ортдиради. Қаҳрамондаги бу руҳий ўзгаришнинг сабаблари поэмада алоҳида боблар билан, ёки айрим мисра'лар билан кўрсатилмаса-да, (бу ҳақдаги камчиликни пастда гапирамиз) аммо поэмани бутунлигича олиб кўрилганда, ёки сюжет чизиғига диққат билан қаралганда уни пайқаш қийин эмас. Шоир «Гулхан ёнида» деган бобда бу ҳақда ба'зи детальларни тилга олиш билан чегараланади. Чунки поэмадаги ҳар битта боб шу қадар зич, сиқиқ олинганким, автор ортиқча мулоҳазаларни баён қилишни лозим кўрмаган.

Ана шундан кейин, чўлнинг келажаги ҳақида оз-моз тасаввур қилабошлаган, мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлаш, душманни тор-мор келтириш учун бу қурулишнинг моҳиятини тушунабошлаган ва шундай оғир кунда ўз меҳнати билан ватаннинг мудофааси йўлида жон аямаслик кераклигини англайбошлаган Шомурод энди ўқувчининг кўзи ўнгида тер тўкиб ишлаётган забардаст қаҳрамон бўлиб кўринади:

Чуқурлиқдан сачраб тупроқ чиқади,
Тўзон кўтарилар осмонга.
Ел тинган,
янги кун туғилар!
янги кун!
Гўё таҳсин айтар инсонга!
Ана, кўтарилар Шомурод полвон
Шағал уюмининг пастидан,
Забардаст кифтида ҳарсанг тош,
Бир томчи тер томди пешонасидан

Бу ерда ҳақиқатан ҳам меҳнат енгил эмас эди. Аммо у қанчалик оғир бўлмасин, совет кишилари, душман устидан узил-кесил қозонилажак ғалабага ишонганликларидан, фидокорона ишладилар. Қурулиш трассаларида қазилган ҳарбир кетман тупроқ, фронтдаги жангчининг душманга қарата узган ва уни қийратган ўқи қадар қийматга эга эканини, битқазилиб ишга тушган ҳарбир иншоат, душман асоратидаги ҳарбир шаҳримизни озод қилинганлигидай буюк хурсандчилик эканини ва ниҳоят улуғ қурулиш трассаларида ёппасига иш сур'атини тезлатиш, фронтлардаги аскарларимизнинг босқинчи ёв устига ёприлиб ҳужум қилганига баробар эканини ҳарбир совет кишиси пайқар ва чуқур ҳис этар эди. Бу оламшумул ғалабани қўлга киритмоқ учун майдонда душман билан юзма-юз туриб уришаётган баҳодир жангчилар сингари бунда ҳам, меҳнат фронтида ҳам, мардонавор ишлаб тер тўкиш керак эди. Унда тўкилган ҳар томчи қон, бунда томган ҳар қатра тер бир-бири билан ҳақиқатан эшдош эди. Халқимиз онгидаги мана шу тушунчани, ғалабага бўлган мана шу ишончни автор ўз ҳисси ва қаҳрамоннинг туйғуси билан қуйидаги лирик мисра'ларда завқ билан тараннум қилади:

Бир томчи тер!
гўё шу томчида
Чўлнинг келажаги ярқираб кетди.
Шу томчи сингдию
ла'натланган чўлга
Ҳар сиқим тупроқни табаррук этди.
Унга эгизакдир, шу дам узоқларда,
Жангчи ярасидан томган қон.
Шу томчидан ҳаёт унар бунда,
Шундан бошланади бутун бир замон.

Шомурод энди бунда минглаб совет кишилари каби ватан манфаати, халқ манфаати, я'ни ўзининг ва ўзи сингари миллионлаб совет одамларининг бахти-саодати учун ишлайди ва тез кунда у, қурулишнинг илғор кишилари, стахановчилари қаторига кўтарилади. Уни ҳамма танийди ва ихлос қўябошлайди. Чунки унинг қурулишнинг асосини солучилардан бири, ба'зи соҳаларда эса, ишбоши экани ма'лум бўлиб қолган эди. Ўзи ҳам бундаги меҳнатининг тўнғич самараларини кўрабошлайди. Келажак, биринчи кунларда бошлиқ тушунтирганда, унинг кўзларига афсонадай бўлиб кўринган келажак—қурулишнинг гигант бинолари блан бир қаторда ёркин гавдаланабошлайди.

«Ҳар куни эшелонлар келади
Чингқириб ёради чўлнинг ҳавосин.
Битмаган цехларнинг баланд девори
Чўзиб такрорлайди акси-садосин».
«Ҳу, дар'ё томонда куртак ёрибди
Шомурод ўтқазган тол навдалари.
Қирғоқдан адашиб келган бўлсамикин
Оралаб қолибди тўрт-беш болари...»

Мана шу кейинги тўрт йўлга шоир бирқанча фикрларни жуда усталик блан сиғдирабилганки, озгина диққат қилинса, бундаги бир-икки деталь блан авторнинг ўқучига айтмоқчи бўлган анча нарсаларини пайқаб олиш қийин бўлмайди. Бунда, биринчидан, Шомуроднинг ёлғиз қуручигина эмас, балки шу ерларнинг ободончилиги учун ҳам, я'ни дарахтлар, боғлар бино қилиш ниятида муҳаббат ва қизғин иштиёқ блан ишлаётган бир киши эканини айтади. Иккинчидан, шоир шу тўрт йўл блан ва шу тўрт йўлдаги «толлар куртак ёрибди», «оралаб қолибди тўрт-беш болари» детальлари блан—қўнғир чўлда ҳаётнинг нафаси келаётганини, қурулиш блан бир қаторда боғлар, гулзорлар ҳам бино бўлаётганини айтмоқчи, ва ниҳоят шоир мана шу тўрт йўл блан бу улуғ қурулишни бино қилганча, кўз очиб юмгунчалик фурсат эмас, балки бир қанча ойлар ва йиллар ўтганини айтмоқчи.

Ана шундай қилиб, буюк қурулишнинг уста бинокори, тиклана-ётган бу янги шаҳарнинг илғор қуручиси ва куртак ёриб келаётган келажак боғларнинг илк боғбони сифатида халқ табрикларига сазовор бўлган Шомурод ойлар ва йиллар ўтгачгина мартин ёнига

келади. У шунга қадар пўлат қуйиш ва пўлат қуючилик ҳунари ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмайди, у менинг вазифам заводнинг қурулиш ишларини тамом қилиш деб тушунади. Унинг пўлат қуючи бўлиши я'ни қаҳрамоннинг камолати поэманинг иккинчи бўлимида очиб берилади.

Заводнинг қурулиш ишлари тамом бўлиши блан Шомурод ҳаётининг учинчи босқичи бошланади. Завод битгач, бундаги қурулиш ишларига қатнашган кишилар орасидан энди заводнинг ўзида ишлаш учун лаёқатли кишилар ажратилади. Шомуроднинг чарчамай ишлаб келганини ва унинг полвон гавдасини кўрган бошлиқлар уни пўлат қуючилик ҳунарига лойиқ кўрадилар. Аммо бу янги қадамни ҳам Шомурод ботиниб бирдан босолмайди. Бу албатта табиий эди. Автор қаҳрамондаги бу руҳий ҳолатни ҳам, биринчи бўлимдагидай жуда ишонарли қилиб кўрсатади.

— Қани, ўлтиринг-чи, дўстим Шомурод, —
Бошлиқ таклиф этди юмшоқ курсига,
Курсининг бахмалин сийпаб кўрди-да,
Суқланиб ўтирди аста бурчига.
— Цехларимиз тайёр,
юргиздик ҳам
Энди оғайни гапнинг дангали
Мана беговодлик бўлиб қолдингиз.
Ҳавасингиз ҳам бор касб ўргангали.
Пўлат қуядиган бўласиз.
Кеча мастер сизни сўзлади.
— Мен? Пўлат қуючи?
Полвон ирғиб турди
Соққадай очилди кўзлари:
— Йўғе, эплалмайман.
Мени ота-онам,
Пўлат қуйиб юрган бўлмаса...
Бунақангги ваҳимали оловни
Ухлаб тушида ҳам кўрган бўлмаса.

— Пўлат деган нарса
Худди сизнингдай
Забардаст қўлларни яхши кўради.
Уралдан келган қиз—
(зуваласи пўлат!)
Кеча шогирдликка сизни сўради.

Энди бу масалани автор қандай ҳал қилади? Шомуродни бу янги ҳунарга етакловчи омил, авторнинг фикрича, нимадан иборат? Бу тўғри ҳал қилинганми?

Бу масалани ҳал қилишда автор бирдан-бир омил муҳаббат масаласи деб талқин қилади. Я'ни ҳали муҳаббат завқини тотиб кўрмаган Шомурод Уралдан келган пўлат қуючи қиз Марияни яхши кўриб қолгани учун пўлат қуючи бўлишга рози бўлади:

Бошлиқ блан машинада келган
Қўнғироқ кокилли ўша қиз
Кўзига чўғ каби кўрингандию
Яшириб дардини тортарди ёлғиз.
— Хўб денг
бу чўлларга завод бино бўлди
Тўнғич металлург ҳам туғилсин.
Шодланиб бошлиққа қўл берди полвон:
— Хўб,
пўлат қуючи бўлганим бўлсин!

Бу фақат бир жиҳатдангина тўғридир. Я'ни бошлиқ: «Пўлат қуядиган бўласиз» деганда ўрнидан ирғиб туриб кетган йигитнинг ҳаётнинг янги босқичига қадам қўйиши учун муҳаббат ягона омил бўлмай, балки кўп омилларнинг бири бўлиши керак.

Биз бунинг блан бундаги севги масаласини инкор қилмоқчи эмасмиз, бу икки ёшнинг қонуний севгиси жуда табиий равишда ишонарли қилиб берилган. Аммо бизнинг мақсадимиз, юқорида айтганимиздай, масаланинг бир ёқлама ҳал қилинганини, я'ни қаҳрамоннинг, совет кишисининг ички дун'ёси тўлиқ очиб берилмаганини айтиб бермоқчимиз халос. Буни авторнинг ўзи ҳам инкор қилмайди.

«Ҳунар ва устоз» деган бўлимида қаҳрамон шундай дейди:

Уни даставвал Пўлатов блан
Цехга кирганда кўргандим.
Бир чекаси шу деб кирдим мартинга
Ундан яхши ҳунар ўргандим

Хўш, бир чекаси шу деб (қиз деб) кирган экан иккинчи чекаси нима деб кирди? Броқ, ана шу чекаси, энг муҳим чеккаси, я'ни ватанга, халққа бўлган садоқат, ғалабага бўлган ишонч очиб берилмайди. Демак бу масала бир қадар тўғри ҳал қилинмаган.

Пўлат қуючи Мария Шомуродни шогирдликка қабул қилади. Шомурод ҳам бу оғир ҳунарни ўрганиш учун ҳамма қийинчиликларга чидайди. Булардан бири ҳунарнинг мураккаблиги бўлса, иккинчиси севги «азоби» уни анча ташвишга солади. Бундай ҳолларда ҳам энди иккиланмайди, балки олдинга боришга ҳаракат қилади. У ўзида бирор камчилик, ё бирор ишга жасоратсизлик сезар экан, ичидан койинади, шунинг орқасида янги хислатлар яратаборади, Дахшатли тусда ёнадиган мартин ёнида худди Мариядай дадил ва бардам туришни истайди.

Ба'зан ваҳимага тушади полвон,
Зўр пўлат қуюни оқади.
Кўк кўзойнак оша ба'зан у печьга,
Ба'зан Марияга пастдан боқади.
Ба'зан ерга қараб ўзининг —
«Полвон» лақабидан гўё қилар ор,
Ба'зан ўз-ўзича пичирлаб дейди:
«Зуваласи пўлат деганича бор»

Қаҳрамоннинг мана шу фазилатлари, я'ни учраган ҳарқандай қийинчиликни енгаолиш қобилияти ўқучида анча та'сир қолдиради. Шу жиҳатдан қараганда ҳам бу асарнинг тарбиявий аҳамияти яна катта бўлиб кўринади. Чунки «Совет ёзучиларининг вазифаси ёшларни соғлом ва тетик тарбиялашда уларни ўз куч-қувватларига ишонган ва қийинчиликлардан қўрқмайдиган кишилар қилиб тарбиялашда халққа, партия ва совет ҳукуматига ёрдам бермоқдир». (Жданов).

Хуллас, қип-қизил дашт пўлат шаҳрига айланганидай, оддий кетманчи Шомурод ҳам ўз устози блан тенглашадиган пўлат қуючи даражасига кўтарилади.

Мария образи ҳам поэманинг асосий қаҳрамонларидан биридир. Автор бу блан халқлар дўстлиги, айниқса, улуғ рус халқининг илғор техникани эгаллашдаги кўмагини кўрсатиб берган. Пўлат қуючилик ўзбек халқи учун янги ҳунар, дейиш мумкин, я'ни Улуғ Октябрь революциясидан кейинги эришган ғалабалардан биридир. Бу ҳунарни мукаммал эгаллаш учун, иқтисосли металлурглар етиштириш учун қардош рус мутахассислари ва ишчиларининг бой тажрибаси талаб қилинар эди. Мана шу идеяни талқин қилиш учун автор Мария образини яратган.

Мария оддий совет ёшларидан. У соғлом, бақувват, ишчан, ақли расо совет қизидир. У, замонимизнинг илғор техникасини эгаллаган билимдон ва ўз ҳунарини чуқур муҳаббат блан севадиган «зуваласи пўлат деганича бор». Унинг ички дунёсига назар солганингизда, (автор бу томонини тўлиқ очиб беролмаган бўлса-да) халққа, ватанга ўз ҳунари блан келтираётган ёрдамига бўлган ишончини, садоқатини; кишини танийбилиш, я'ни кишилардаги ижобий ва салбий томонларни ажратаолиш каби ақли расоликни кўрасиз. У қаҳрамонона меҳнат қилади ва шунингдек юракдан самимий севаолади ҳам.

«— Ҳо йигит, пўлатга қон бериш керак,
Биласизми бундан танк қилади-я.
Биласизми
бунинг ҳар томчиси —
Қизил Армияга ҳадия».
«Дарров хафа бўлар экансиз,
Хўроз қанд ушлатиб касб ўргатмаймиз!»

Мария образли поэманинг «Ўйлаб хаёлимда яратардим» деган бобида яна ёрқинроқ кўринарди.

Шомурод бош эгиб аста сўз очди
Гўё шундан ўзга йўқ эди чигал:
— Менга айтинг, Мария Павловна,
Беш минутни қандай ютдингиз бу гал?
Шу маҳал Мария шундай боқдики,
Уялчанг шогирдининг юзига.
Шомурод бошини кўтарган эди,
Олов чақнатандай бўлди кўзида

Бехосдан оташин лабларнинг изи
Йигит яноғини куйдириб олди.
Шомурод бўйнининг иссиқ билакларга
Чирмалиб кетганин пайқамай қолди.
— Мария!... Машинка! — деди Шомурод
Забардаст қулочин очди ёрига
Олов қизи блан олов йигити
Отилди туйғулар ихтиёрига.
— Рост айтсам, мен ўша Уралдан
сенинг
Бу ерда борлигинг билиб келганман!
— Йўғе, қандай қилиб?
Кўнглим сезган.
Кўнглим аниқ сезган, билганман.
— Бордию мен бунда бўлмаса эдим,
Нима қилар эдик Мария?
— Худди сени излаб топар эдим,
— Излаб тополсайдинг майли-я,
— Излаб тополмасам ҳаётда сени
Ўйлаб хаёлимда яратардим...
Кел!

Қизғин иш процесси тамом бўлиб булар бирга қайтмоқдалар. Юракларида шодлик, руҳларида дадиллик; атрофларида пўлат шаҳрининг азамат бинолари, гўзал боғлар; бир томонда дар'ё тўлқинланиб оқиб ётади. Чарчаганликларини ҳам сезмайдилар. Дилларини ҳеч ким хит қилолмайди. Хуллас, буларда ҳам, ҳарбир озод совет кишисидай ишдан кейинги роҳат, ўйин, кулги, эртанти иш учун куч тўплашдан бошқа «ташвишлари» йўқ. Булар ўзларини тўла эркин ҳис қиладилар. Кечаги колхозчи Шомурод бугун отоқли пўлат қуючи бўлгани учун ва ўз севган қизига етишгани учун бахтиёр; Мария эса, узоқ Уралдан қардош Ўзбекистонга келиб ўз ҳунари орқали чексиз ҳурматга сазовар бўлгани, ўзи сингари пўлат қуючилар етиштиргани учун ва шунинг блан бирга, армон қилиб юрган, ўзига тенг ёрни топгани учун шод ва мамнун эди. Қисқаси, поэманинг тугаллавчи бу бобида фақат Мария эмас, Шомурод ҳам ўқучининг кўз олдида бир қадар тугал ҳолда гавдаланади.

Поэманинг муваффақиятлари бўлиши блан бирга, жиддий камчиликлари ҳам бордир. Бу камчиликларни асосан учга бўлиш мумкин. **Биринчиси — воқиага боғлиқ бўлган ҳаёт, обект тўла равишда олинмаган. Иккинчиси — образлар типиклик даражасига кўтарилмаган ва персонажлар хира. Учинчиси — асарнинг бадиий ишланиши ва тилида анча нуқсонлар бор.**

Ҳозирги кунда, айниқса ВКП(б) Марказий Комитетининг адабиёт ва сан'ат ҳақидаги тарихий қарорларидан кейин, поэзиямиз, турмушни тўла, қамраб акс этдириш нуқтаи назаридан, прозага яқинлашиб бормоқда. Демак, эпик асарга олинган воқиа айни ҳаёт-

ни, айни об'ектни тўла, атрофлича очиб берилиши блан ҳал қилиниши лозим. Шу нуқтаи назардан қаралганда, бу поэмадаги воқиа жуда тор чизиқда олиб борилади. Кенг саҳронинг фақат Шомуроднинг метини тушган бир парчасигина, гигант қурулиш трассасида фақат вагон излари, қум-шағал уюмлари, фақат бир цех деворлари, фақат биттагина мартин кўринади, халос. Азамат халқ қурулиши ўз салобати блан ўқучининг кўз олдига келмайди.

Шомурод ва Мариядан бошқа одамлар мутлақо кўринмайди. Уларнинг овози эшитилади, халос. Шундай улуғ қурулишни, халқ эмас битта Шомурод ва унинг кўлагасида юрган уч-тўрт одам қурган, Мария дарҳол унга пўлат қуйишни ўргатган, деган натижа чиқиб қолган. Ҳозир ҳарбир соҳадаги оламшумул ушларни ягона афсонавий қаҳрамонлар эмас, балки бир коллективга уюшган, бир жамоа одамлар бажармоқдаларким, буларни чеклаб ўтиш, ҳеч бўлмаганда, шулардан бир гуруҳини қаҳрамонга боғлиқ ҳолда кўрсатмаслик, асарнинг реальлигига катта нуқсон келтиради. Автор ўз қаҳрамонларининг атрофидагина айланиб қолмасдан, бошқа одамларнинг ҳам, иккинчи даражада турган кишиларни ҳам бир қадар аниқ ва равшан гавдалантириб бермоғи керак. Бунда на қурулиш бошлиғи Пўлатовнинг, на бирорта инженернинг, ё бўлмаса Шомурод қаторида меҳнат қилган бирорта одамни топаолмаймиз. Ҳатто, асосий қаҳрамон Шомурод ва Марияларнинг ҳам ёрқин портретлари йўқлигини айтсак, бу фикр яна равшанроқ бўлар.

Поэмадаги ба'зи эпизодлар кишини мутлақо ишонтирмайди. Масалан «Шомуродни табриклайдилар» деган бобда шундай воқиа тасвир қилинади: терак бўйи баланд темир девор бежо ўрнатилиб қолади. Буни бузиш учун буйрук ҳам берилади, (ажабо, аслида бу плансиз қурилганмиди?) Лекин Шомурод ҳаммани орзига қаратиб, гап сотади. Ҳатто ўзбошимчалик қилиб бош инженерга «Менга эртагача муҳлат беринг» дейди. Эртаси ҳамма ҳайрон: инженер, бошлиқ ва одамлар кўзи олдида пўлат девор ни суриб, янги жойга олиб бориб ўрнатади. Бу кишини ишонтирмайди, ишонишга бирорта далил ҳам йўқ. Бундай ишларни бажариш учун ҳаммадан олдин теоретик ма'лумот ва тажриба керак. Билимли ва тажрибакор инженерлар қараб турсаю, наҳотки оддий қуручи Шомурод шунақа иш кўрсатса! Иккинчидан, воқианинг бундай берилиши совет инженерларининг ролини ва обрўйини пастга уриб юборади. Учинчидан, бундай тўқималар, ғайри табиий эпизодлар кишини ишонтирмайди, қаҳрамоннинг қадрини туширади ва ўқучининг ҳавсаласини пир қилиб қўяди.

Ҳаёт шундай тор доирада олинганки, автор кўтарган ба'зи масалаларнинг ростлигига асарда дадил тополмайсан. Масалан, поэмада «Гулхан ёнида» деган боб бор. Бунда: совуқ. Саҳро. Қурилишга келган одамлар. Ҳеч қаерда бошпана йўқ. Иш тездан бошлаб юборилади. Урушнинг оғирлиги. Одамлар бошлиққа турли саволлар берадилар. Булар аввал «устахона, артель, дўкон очайлик!» деб талаб қиладилар. Бошлиқ, «кружкадан қайноқ сувни хўплаб, сўзини

бошқатдан бошлади» дейилади-ку, лекин бошлиқнинг нима деганини бир оғиз сўз блан ҳам айтилмайди. Бунда ким ҳақ, ким «ноҳақ» — *бу ўқучининг муҳокамасига топширилади.* Ўқучи эса, бундай бир гигант қурилишни, ҳатто «кетман сопи ясайдиган бирор устахонасиз» бошланганига ишонгиси келмайди. Шу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бундай буюк қурулишларда асосий рольни ўйнаётган замонамизнинг илғор техникаси ҳақида лом-мим ҳам дейилмайди.

Биз юқорида қаҳрамондаги руҳий ўзгаришни сабаблари етарлик очиб берилмайди деган эдик. Бу тўғри. Масалан қурулишга келганидан пушаймон бўлган ва бу ҳаракати учун ўзини койиган Шомурод бир ухлаб туриб бирдан ўзини «номард» деб сўкабошлайди.

Әнди уйғонгандай бўлди Шомурод
Олайиб боқди-да, ўнгу-сўлига.
Ўзини «номард» деб сўкди ичида,
Дарров метинини олди қўлига.

Хўш, бу руҳий ўзгаришни сабаби нима? Башарти Шомурод чўлда бино бўлаётган қурулишнинг муҳташам келажагига ишонч ҳосил *қилган экан, ёки ўз ишида юрт, халқ ва манфаати борлигини* чуқур ҳис этган экан, шуни кенг ўқучилар оммасига тушунарли қилиб очиб бериш керак эди. Бу эса қаҳрамоннинг ички дун'ёси демакдир!

Шоир ўз асарининг бадиий жиҳатдан пишиқ чиқиши учун анча меҳнат сарф қилган. Ундаги мазмундор мисра'лар, лирик чекинишлар, оргинал ўхшатишлар, чиройли тасвирлар авторнинг талантидан, зеҳнининг ўткирлигидан ва мушоҳадасининг кенглигидан далолат беради. Адабиётимиздан ҳозирги талаб, ўткир, партиявий ғоя ва юксак бадиийликдир. Аммо асарнинг ғояси нақадар юксак бўлмасин, унинг бадиий формаси кучсиз, қонсиз бўлар экан, унинг ўқучига етиб бориши ва унда чуқур та'сир қолдириши асло мумкин эмас. Шу жиҳатдан қараганда ҳам Асқад анча муваффақиятга эришган. Аммо асарнинг поэтик қурулишда, ибораларва тилида анчагина нуқсонлар бор:

«Роҳатижон килиб яшамайманми?»
«Қолхоз адирида (?) битта қўриқ оч»
«Томорқангга қиттак арпа соч»
«Олдин ҳужра-мужра қуриб олиш керак»
«Курсининг бахмалин сийпаб кўрди-да,
Суқланиб ўтирди аста бурчига».
«Кўк кўз ойнак оша, ба'зан у печьга,
Ба'зан Марияга пастдан боқади.
«Ҳо йигит пўлатга қон бериш керак»
«Чириллаб чарх урди минг пут ғилдирак»
«Бугун ўрнатилган кигиз чайлани»

Мана бу мисолларга диққат блан қаралса, бундаги нотўғри, ёки бузиб берилган ибораларни, сўзларни ўринсиз ишлатилганини, ҳолатларнинг хато тасвирини ва ниҳоят тил қоидаларининг қўпол равишда бузилганлигини аниқ ва равшан кўриш мумкин. Я'ни «ро-

ҳатижон қилиб яшайман» сингари ибора бўлмаганидай, адирда қўриқ ҳам бўлмайди, ёки улуғ қурулиш трассасида «ҳужра-мужра куриш» бачкана бўлганидай, «кўз ойнак ўша,пастдан боқиш» ҳолатини ҳам тасаввур қилиш қийин, «пўлатга қон» эмас, «сув берилади»ва минг«пут ғилдирак» эмас, «минг путли ғилдирак» бўлиши мумкин.

Поэманинг вазни ўнбир ҳижоликдир. Демак, туроққа 6—5 блан риоя қилиш керак. Лекин шу тартиб жуда кўп жойларда бузилади. Буни қуйидаги мисолларда кўрсатиш мумкин:

«Пахса қилиб қўпол қўлини: (4+5=9)
Бошлиққа гапирди оғиз тўлатиб (6+5=11)
Келасолиб заводга уриндик» (4+6=10)
«Сўзни бошқатдан бошлади» (5+3=8)
«Шомурод қизарди. Қиз ҳам кўрди» (6+4=10)
«Улар кетгач Шомурод буюрди» (4+6=10)
«Терак бўйи баланд темир девор» (4+6=10)
«Цехнинг ўртасидан ўтган паровозни» (6+6=12)
«Айтгандай . . . байрам кун севганин қучди у» (6+6=12)
«Асил пўлат қайнаб оқади» (4+5=9)
«Шомурод юзида шаррос тер» (6+3=9)
«Улар уйга кетдилар бирга» (4+5=9)

ВКП(б) Марказий Комитетининг «Улуғ дўстлик» операси тўғрисидаги тарихий қарорини поэзиямизнинг музикасига татбиқ қилиб қараганда бизда ҳам анчагина нуқсонларга йўл қўйилаётганини ҳамда ғализ ва оҳангсизликка майиллар борлигини кўрсатиш мумкин. Поэзиямизнинг музикаси—вазн, туроқ ва қофиядир. Агар, музика асарининг оҳанг каби муҳим асосларини рад этучи, асабга тегадиган ғализ товуш уйдирмаларига берилучи композиторларни танқид қилар эканмиз, нима учун вазн, туроқ ва қофиялари тўлуқ жуфтланмаган ше'рий асарлар ҳақида ҳечнарса демаймиз? Тўғри, адабиётимизда энг муҳим масала идея. Лекин шу юқори идеяни талқин қилишда форманинг, музиканинг юксак бўлишига қаттиқ э'тибор қилишимиз керак. Шу жиҳатдан қараганда, «Пўлат қуючи» поэмасининг қофия тартиби, вазн ва туроқлари ҳам бизни қаноатлантирмайди.

Умуман олганда шоир Асқад Мухторнинг «Пўлат қуючи» поэмаси, ба'зи камчиликлардан қат'ий назар, 1947 йил ўзбек совет поэзиясида яратилган катта ҳажмдаги асарларнинг биридир.

Поэманинг тилидаги камчилик ва нуқсонларни тилчиларимизнинг диққатига ҳавола қиламиз.

МУНДАРИЖА

Бет

МИРМУҲСИН. Яшил қишлоқ. Поэма 3
М. ОСИМ. Дўстлар. Ҳикоя 29
ЗУЛФИЯ. Сталинобод хотираси. Шеʼр 35
С. ҚАЛАНДАР. Биз Уралда. Повесть 37
А. МУХТОР. Чол. Шеʼр 53
Т. ТЎЛА. Сизга. Шеʼр 55
С. ЗУННУНОВА. Икки шеʼр 57
ГИ де МОПАССАН. Дўндиқ. Ҳикоя 59
Б. ҲАЛИЛ. Қурбонали полвон блан бел ушлашган чол. Очерк . . 92

ТАНҚИД ва ПУБЛИЦИСТИКА

Л. УЛЬРИХ. Горький ва Ўзбекистон 100
М. БОБОЕВ. „Пўлат қуючи“ поэмаси ҳақида 112

РЕДКОЛЛЕГИЯ: *Обид* (масʼул муҳаррир), *Ғафур Ғулом, Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ж. Шарифий, М. Ашрафий, Сами Абдуллаев.* ***Масʼул секретарь:*** *Маʼруф Ҳаким.*

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 3

Орган Союза советских писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кзыл Узбекистан“

Ташкент—1948

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:
Тошкент, Биринчи [illegible] кўчаси, уй № 20. Телефон 32-687.

Босишга рухсат этилди 5/IV-1948 й. Р 02819. Қоғоз формати 60×92/16. Босма листи 7,75. Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 6000. Инд. № 267. Баҳоси 5 сўм.

Тошкент „Кизил Узбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмахонаси. Заказ 281.